

## **Соядаги таълим тизими билан юзма-юз:**

Давлат хусусий кўшимча ўқитишнинг қайси турлари билан қандай тартиблар ўрнатмоғи лозим?



**Марк Брэй**

## **Мундарижа**

Кисқартмалар рўйхати .....	2
Ташаккурнома .....	3
Кириш .....	4
Соя тушунчаси метафораси .....	5
Китобнинг тузилиши .....	7
2. Ташҳис .....	9
Кўлам, жадаллик ва ўқитиш табиати .....	9
Иқтисодий, ижтимоий ва маърифий таъсири .....	22
Учта ҳаётӣ мисол .....	36
3. Жавоб чоралари .....	59
Хариталаш моҳияти, вазифалари ва кўринишлари .....	59
Репетиторликка бўлган талабга эътибор .....	63
Репетиторлик хизматлари таклифи билан курашиш .....	66
Бозорни тизгинлаш .....	71
Бошқарув тизимларини такомиллаштириш .....	73
4. Мониторинг ва Баҳолаш .....	79
Миллий ва маҳаллий мулоҳазалар халқалари .....	79
Халқаро майдонлар .....	83
5. Хуносалар .....	86
Ўзгаришларни кузатиш .....	86
Соядан ўрганиш .....	89

## **Қисқартмалар рүйхати**

АТТА – (ADEA-Association for the Development of Education in Africa) – Африкада Тараққиёт ва Таълим Ассоциацияси

ХТЁЛ – (CLAP - Community Learning Assistance Project) – Ҳамжамиятда Таълимга Ёрдам Лойихаси)

БТШ – (CPE-Certificate of Primary Education) – Бошланғич Таълим Шаҳодатномаси

ЧДМ – (CPS- Chicago Public Schools) – Чикаго давлат мактаблари

КўҚС (CSAT-College Scholastic Ability Test) – Колледж ўзлаштириш қобилияти синови

ФТБ – (DST-Department of Science and Technology) – Фан ва техника бошқармаси

ЎТУШ – (GCSE-General Certificate of Secondary Education) – Ўрта таълим умумий шаҳодатномаси

ЯИМ – (GDP-Gross domestic product) – Ялпи ички маҳсулот

ЯММ – (GNP-Gross national product) – Ялпи миллый маҳсулот

БЎК – (GPA-Grade Point Average) – Баҳолар ўртача кўрсаткичи

ЎБХА – (IEA-International Association for the Evaluation of Educational Achievement) – Таълимда ўзлаштиришни баҳолаш халқаро ассоциацияси

ТРХИ – (IIEP-International Institute for Educational Planning) – Таълимни режалаштириш халқаро институти

INRP Institut national de recherche pédagogique

АКТ – (ICT-information and communication technology) – Ахборот коммуникация технологиялари

HCEC Haut conseil à l'évaluation de l'école

MENDAKI Council on Education for Malay/Muslim Children – Малай миллатига мансуб мусулмон болалар таълими кенгаши

ҲББЭ – (NCLB-No Child Left Behind) – Ҳар бир болага эътибор

НДТ – (NGO-non-governmental organization) – Нодавлат ташкилоти

ИХТТ – (OECD-Organisation for Economic Co-operation and Development) – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти

ОЖИ – (OSI-Open Society Institute) – Очиқ жамият институти

ХТБД – (PISA-Programme for International Student Assessment) – Халқаро талабаларни баҳолаш дастури

МЎМ – (QTS-Qualified Teacher Status) – Малакали ўқитувчи мавқеъи

САКМЕК – (SACMEQ-Southern and Eastern Africa Consortium for Monitoring Educational Quality) – Таълим сифатини кузатиш Жанубий ва Шарқий Африка концорциуми

ИИМ – (SES-socio-economic status) – Ижтимоий иқтисодий мавқеъ

СИНДА –(SINDA-Singapore Indian Development Association) – Сингапур-Ҳиндистон тараққиёт ассоциацияси

МИОМ – (SPH-Special Purpose High [School]) – Maxcус юқори мактаблар

MCE – (SPL-School Pilot Leader) – Мактаб синов етакчиси

УМАФТ – (TIMSS-Third International Mathematics and Science Study/Trends in International Mathematics and Science Study) – Учинчи математика ва аниқ фанлар тадқиқоти

ЮНЕСКО - UNESCO United Nations Educational Scientific and Cultural Organization

ЮНИСЕФ - UNICEF United Nations Children's Fund

АҚШ – Америка Қўшима Штатлари

ZEP Zone d'Éducation Prioritaire

## **Ташаккурнома**

Ушбу китобни тайёрлаш ва уни нашр этиш билан боғлиқ бўлган жараёнда кўплаб инсонлар ўз ёрдамини кўрсатди. Биринчи навбатда, 2007 йилнинг 5-6 июл кунлари Парижда ўтказилган Таълимни режалаштириш халқаро институти (ТРХИ, ингл. IIEP) форуми қатнашчилари ўз хиссалари қўшдилар, чунки ушбу китобнинг аксарият қисми айнан мазкур форум материаллари асосида тузилган. Форумда турли хил соҳа вакилларидан 37 киши иштирок этган ҳолда маросим юқори самарадаги таҳлил ва мунозаралар асосида олиб борилишини таъминладилар. Форум ТРХИ ходимлари гуруҳи томонидан ташкил этилган бўлиб, улар орасида Флоренс Апперे (Florence Appéré) ва Эммануэль Сусо (Emmanuelle Suso)ни алоҳида тилга олиш мумкин. Шунингдек ушбу китобга кўплаб мамлакатлардаги режалаштирувчилар, сиёсатчилар ва тадқиқотчилар қўп йиллик меҳнатлари орқали ўз хиссаларини қўшдилар. Ушбу ўринда китобнинг қўлёзмасига берган изоҳлари ва бошқа ёрдамлари учун Карл Хайнз Грубер (Karl Heinz Gruber), Изуми Мори (Izumi Mori), Стивен Обигаду (Steven Obeegadoo), Армугум Парсурамен (Armoogum Parsuramen), Лаура Павиот (Laura Paviot), Невил Постлвейт (Neville Postlethwaite), Ивета Силова (Iveta Silova), Шинъичи Сузуки (Shin'ichi Suzuki) ва Александр Вентура (Alexandre Ventura)га алоҳида миннатдорчилик билдираман. Албатта ушбу китоб учун асосий масъулият унинг муаллифи зиммасида бўлади. Китобда келтирилган фикрлар доим ҳам ЮНЕСКО ёки ТРХИнинг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.

## Кириш

Бутун дунёда таълим соҳасини режалаштирувчи мутасадди раҳбарлар ва сиёсатчилар асосий эътиборларини расмий таълим тизимларига қаратган бўлиб, бу болалар боғчасидан бошланғич ва ўрта таълим орқали университет даражасидаги таълимга қадар бўлган босқичларни ўз ичига олади. Ушбу таълим тизимиға киравчи муассасалар салмоқли даражада маблағ талаб этади ва ўзлари мансуб бўлган жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида асосий роллардан бирини ўйнайди.

Ушбу асосий таълим тизимларига қўшимча равишда кўплаб жамиятларда тобора ортиб бораётган жараён ҳам мавжуд бўлиб, унга мазкур китобда репетиторликнинг норасмий таълим тизимлари тарзида тилга олинади. Норасмий таълим тизимларининг ижтимоий ва иқтисодий таъсири ҳам салмоқли бўлишига қарамасдан уларга сезиларли даражада камроқ эътибор қаратилган. Мазкур китобда таълим соҳасини режалаштирувчи мутахассислар ва сиёсатчилар норасмий таълимга кўпроқ эътибор беришлари лозимлиги хусусида сўз юритилади. Дунёнинг баъзи қисмларида, хусусан Японияда ва Шарқий Осиёдаги бошқа бир қатор мамлакатларда узоқ муддат давомида норасмий таълимга катта эътибор бериб келинмоқда. Сўнгги йилларда бошқа мамлакатларда ҳам норасмий таълимга қаратилаётган эътибор даражаси ва у билан бирга хусусий ўқитишининг турлари ва таъсири ҳам сезиларли даражада ортгани кузатилмоқда. Бундан ташқари, хусусий ўқитиши борган сари алоҳида норасмий фаолият кўринишида эмас, тизимга солинган ҳолда олиб борилмоқда. Хусусий ўқитиши муассасалари бир-бирлари билан алоқа ўрнатмоқда ва баъзилар мамлакат миқёсида иш олиб бормоқдалар.

1999 йили ЮНЕСКОнинг Таълимни режалаштириш ҳалқаро институти (ТРХИ) хусусий ўқитиши бўйича илк ҳалқаро тадқиқот натижаларини чоп этди. Китоб мазкур муаллиф томонидан тайёрланган (Bray, 1999a). Китоб илмий ишлар ва мутахассислик бўйича адабиётларда катта акс-садога эга бўлди. Айни чоғда, китобда тадқиқ этилган масалалар янада чуқурроқ ўрганилиши лозим эканлиги қайд этилган эди. (87-саҳифа).

1999 йилдан кейинга ўтган давр мобайнидаги ишларда тадқиқот мавзуси ҳақиқатдан ҳам бир қатор изланишларда ўрганилди. ТРХИ хулқ ва коррупцияга бағишлиланган нашрлари сериясида юқорида тилга олинган китобнинг иккинчи қисмини нашр этди (Bray, 2003); бир қатор бошқа тадқиқотчилар томонидан мазкур мавзу таҳлил этилган бўлиб, уларнинг баъзилари ушбу китобдаги адабиётлар рўйхатида келтирилган; шунингдек, мавзунинг ўзи ҳамда бу борада ТРХИ томонидан амалга оширилган ишлар бир талай ҳалқаро агентликлар ва нодавлат ташкилотларининг (масалан Жаҳон банки, 2004, 2005; ИХТТ, 2006а; ADEA, 2008; Очиқ жамият институти, 2008; ЮНЕСКО, 2004, 2007, 2008; ЮНИСЕФ, 2007; Transparency International, 2009) сиёсий-таҳлилий ҳужжатларида тилга олинди. Бундай таҳлиллар сонининг ортиб бориши мазкур феноменнинг аҳамиятидан хабардорлик даражасини оширишга ва бу эса ўз навбатида хусусий ўқитишининг янада кенгайишига қисман сабаб бўлди.

Ушбу йўналишга бўлган эътиборнинг ортиб бориши айни чоғда сиёсатчилар ва таълимни режалаштирувчилар хусусий ўқитишининг мавжудлигига ва кенгайиб боришига қандай муносабат билдиришлари кераклиги хусусида саволлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Ушбу масала 1999 йилда чоп этилган китобда ҳам тилга олинган эди (Bray, 1999a, pp. 74–77). Унда дунёдаги турли мамлакатларда хусусий ўқитишига турлича муносабат билдирилиб, бу унга эътибор бермасликдан то уни таъқиқлашга ҳаракат қилишга қадар турлича

кўринишларга эга эканлиги айтилган. Шунингдек, китобда ҳар хил ҳолатлар ва вақтларда хусусий ўқитишига нисбатан турлича муносабат билдирилиши тўғри бўлиши айтилар экан, бу йўналишнинг ривожланишини кузатиб бориш ва дунё мамлакатлари тажрибасидан ўрганиш лозимлиги қайд этилади. Китоб чоп этилгандан кейин ўтган даврдаги ўзгаришлар ушбу йўналишни чуқурроқ ўрганишга бўлган даъватнинг аҳамияти янада ошишига сабаб бўлди.

2007 йили ТРХИ ушбу мавзуга қайтар экан Париждаги бош офисда у бўйича алоҳида форум ташкил этди. Форумга юборилган мақолалар ҳамда икки қунлик тадбир давомидаги мунозаралар ушбу китобдаги маълумотларнинг аксарият қисми учун асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур форумнинг номи ҳам ушбу китоб номи билан бир хил. Форум иштирокчилари турли мамлакатларда мавжуд бўлган хусусий ўқитиши услублари тўғрисида сўз юритдилар ҳамда ушбу йўналиш бўйича қўллаш мумкин бўлган чора-тадбирлар хусусида фикр алмашдилар. Улар ушбу мавзуда мавхум бўлган жиҳатлар кўп эканлигини яхши билганлари сабабли тавсиялар таклиф этишига эҳтиёткорлик билан ёндошиш кераклигини таъкидладилар. Шунга қарамасдан ушбу мунозара янгича концепция учун замин яратди ва шу сабабли алоҳида эътиборга молик аҳамият касб этди.

ТРХИ анъанасига кўра бундай миқёсдаги форумлар шимол ва жануб, шарқ ва ғарбдаги мамлакатлар учун тааллуқли бўлган мавзуларга асосий эътибор қаратади. Хусусий қўшимча ўқитиши ушбу шартларга тўлалигича мос келди ва тадбир давомида бир-биридан узоқда бўлган мамлакатлар, жумладан Австралия, Ботсвана, Франция ва Корея Республикаси (бундан кейин Корея деб юритилади) ўртасида жуда фойдали бўлган қиёслашлар олиб борилишига кўмак берди. ТРХИ форуми шу билан бирга режалаштирувчилар, сиёsatчилар, амалиёт мутахассислари ва тадқиқотчиларни бир даврага тўплашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу борада хусусий репетиторлик бўйича ташкил этилган мазкур форум истисно бўлмади ва ушбу гурухлар ўртасида жуда ҳам маълумотларга бой бўлган фикр алмашуви ни юзага келтириди. Мавзуга ўзига хос қўшимча долзарблик бағишлиган яна бир жиҳат шундан иборат бўлдики, иштирокчиларнинг кўпчилиги ота-оналар бўлиб, ўз вактида фарзандлари учун хусусий репетитор хизматидан фойдаланиш лозимми йўқми деган саволга дуч келганлар. Мазкур китобда айнан ўша форумга тақдим этилган мақолалар ва унда муҳокама қилинган мавзу ва маълумотлар киритилган. Шу билан бирга ушбу китобдан мазкур мавзу бўйича турли хил адабиётлардан олинган маълумотлар ва мавзу бўйича олиб борилган турли хил профессионал ва академик тадбирлар давомидаги баҳс-мунозаралар ўз аксини топган.

## **Соя тушунчаси метафораси**

2007 йилда ўтказилган форумнинг номланишида 1999 йилда чоп этилган китобда (Bray, 1999a) ишлатилган метафорадан фойдаланилган бўлиб, у ўз навбатида, Стивенсон ва Бейкер<sup>1</sup> ҳамда Джордж<sup>2</sup> каби мутахассислар томонидан ёзилган илмий ишлардан олинган эди. 1999 йилда нашр этилган китобда таъриф берилганидек (17-саҳифа) “соя” метафораси ушбу мавзуга бир нечта жиҳатдан тўғри келади. Аввало, хусусий қўшимча ўқитиши йўналиши факат асосий таълим тизими мавжуд бўлгани учун юзага келган. Иккинчидан, асосий таълим тизимининг кўлами ва тузилиши ўзгаришига кўра репетиторликнинг ҳам кўлами ва тузилиши ўзгаради. Учинчидан, деярли барча мамлакатлarda асосий таълим тизимига унинг соясига берилган эътибордан кўра анча кўп эътибор қаратилади. Тўртинчидан, соя тизимининг хусусиятлари асосий таълим тизиминики қадар аниқ ва яққол

<sup>1</sup> Stevenson and Baker (1992).

<sup>2</sup> George (1992).

кўринишга эга эмас. Китобда (17-18-саҳифалар) бу борада шундай дейилади:

“Соя, албатта фойдали бўлиши мумкин. Худди сояни кузатаётган инсон вақтнинг ўтишини билиб олиши мумкин бўлгани каби таълим тизимининг соясини кузатаётган инсон ҳам жамиятда бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида тушунчага эга бўлиши мумкин бўлади. Аммо, баъзи мамлакатларда ота-оналар, ўқитувчилар ва сиёсатчилар хусусий репетиторлик оилалар ва ўқувчилар ҳаётига бу қадар жадал кириб келганидан жуда ҳам норозилар. Хусусий репетиторлик одатда ижтимоий тенгсизликни юзага келтиради ва кучайтириб боради. Шу билан бирга у инсон ресурслари ва молиявий ресурсларни талаб этади. Бу ресурслардан эса балким бошқа фаолиятларни амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин бўларди. Танқидчилар бунга қўшимча қилиб таъкидлашларича хусусий репетиторлик синфдаги болалар орасида ўзлаштириш даражасидаги тафовутни янада кучайтириш орқали асосий таълим тизимидағи ўқитувчиларнинг дарс режалариға ўзгаришиш киритишига мажбур қилишга сабаб бўлиши ва натижада асосий таълим тизимидағи ўқув дастурини бузилишига олиб келиши мумкин. Ушбу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, бошқа қўплаб соялардан фарқли ўлароқ, хусусий қўшимча ўқитиши оддий бир пассив унсур эмас. У ўзи соя бўлиб хизмат қилаётган асосий танага ҳам салбий таъсири кўрсатиши мумкин”.

Ушбу китоб “*Соядаги таълим тизими билан юзма-юз*” деб номланади. Чунки унда хусусий репетиторлик билан боғлиқ бўлган баъзи бир ҳолатларга қарши чиқиши зарурлиги хусусида сўз юритилади. Бу хусусий репетиторликнинг барча хусусиятлари салбий деган маънони англайтмайди. Хусусий репетиторлик ўқувчиларнинг ўзлаштиришига ёрдам беради ва бу орқали уларнинг салоҳиятини оширав экан иқтисодий ривожланишига ўз хиссасини қўшади. Шу билан бирга у ижтимоий қийматга ҳам эга бўлиши мумкин. Яъни, у болалар ва ёшларга ўз тенгдошлари ва бошқалар билан мулоқотда бўлиш учун конструктив имкониятлар яратиши мумкин. Хусусий репетиторлик шу билан бирга хусусий репетиторларга даромад топиш манбаи бўлиб хизмат қиласи; шунингдек хусусий репетиторлик асосий таълим тизимидағи ўқитувчиларга ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларни ўзлаштиришларига эришиш орқали ёрдам бериши мумкин. Шунга қарамасдан хусусий репетиторлик жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу одатда ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликни таъминлайди еки янада кучайтириб юборади. У болалар ҳаётида устиворликни эгаллайди ва уларнинг бўш вақтларини психологик нуқтаи назардан ва таълим нуқтаи назиридан мақбул бўлмаган услубда чегаларалаб қўяди. Шу билан бирга у баъзи жамиятларда коррупциянинг бир кўриниши сифатида қабул қилиниши мумкин, бу эса ўз навбатида ижтимоий ўзаро ишончга путур етказади.

Баъзи мамлакатларда юқорида айтилган ижобий ва салбий жиҳатлар қориши масиҳи яхлит бир суръатни шакллантиради. Бир нечта мамлакатларда ушбу муаммоларни хал этишга қаратилган яхши механизмлар ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилган. Кўплаб сиёсатчилар ва раҳбарлар қийин муаммоларни ечишдан кўра уларга эътибор бермаслик ва уларни бозор механизмлари ихтиёрига қолдиришни афзал кўрадилар. Аммо, кўп жойларда бундай *аралашмаслик* ёндошуви муаммоли ҳолатни юзага келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам соядаги таълим тизимиға юзма-юз туриш керак. Тўғри ҳаракатлар бўйича қарорларни қабул қилиш қийин бўлиши мумкин, аммо сиёсатчилар ва раҳбарлар энг камида хусусий қўшимча ўқитиши тизими мавжуд эканлиги ва у бир қатор йўналишлар бўйича катта таъсирга эга эканлигини англаб етишлари лозим. Мавзу давомида, мазкур китобда дунёнинг бир қатор мамлакатларида қўлланилган услублар бўйича маълумот келтирилган ва бу сиёсатчилар ва

раҳбарлар учун ўз ҳолатларига мос келадиган ёндошувларни аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

## **Китобнинг тузилиши**

Ҳар қандай ҳолатнинг таъсирини аниқлашга қаратилган ҳаракат аввало ушбу ҳолатга таъриф бериш ҳамда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларини аниқлашдан бошланиши керак. Шуни назарда тутган ҳолда мазкур китобнинг биринчи қисми хусусий қўшимча ўқитишнинг кўлами ва тузилишини таърифлаш билан бошланади. Унда дунёнинг турли хил ҳудудлари ва мамлакатларида мавжуд бўлган кўринишлар тўғрисида маълумот берилади ва хусусий қўшимча ўқитиш таълимнинг турли босқичларида қандай ўзгариб бориши таърифланади. Шунингдек, бу китобда хусусий репетиторлик турли кўринишлари хусусида маълумот берилади. Хусусий қўшимча ўқитишдаги синфлар бир ўқитувчи ва бир ўқувчидан иборат бўлган кўринишдан тортиб то катта маъруза хоналарига тўла бўлган кўринишларгача бўлиши мумкин. Ўқитиш бевосита юзма-юз дарс бериш ёки хат-ёзишмалар орқали, телефон орқали ва ёки интенрет орқали дарс бериш услубида амалга оширилиши мумкин. Ўқитишнинг бу тури мавсумга қараб ўзгариши ва жадаллашиши мумкин ҳамда у қиз болалардан кўра кўпроқ ўғил болаларнинг кундалик ҳаётининг бир қисмини ташкил этишиш мумкин.

Ўқитишнинг ушбу кўринишига таъриф берилгач, китобда унинг иқтисодий, ижтимоий ва таълим борасидаги таъсири хусусида сўз юритилади. Хусусий репетиторлик мазкур категорияларнинг ҳар бирида фойдали жиҳатларга эга бўлиши мумкин. Аммо шу билан бирга у ўз табиати ва кўламидан келиб чиқсан ҳолда муаммоли бўлиши ҳам мумкин. Давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, яхши ўзлаштиrolмаётган ўқувчиларга қаратилган хусусий репетиторлик бозор қонун-қоидаларига асосланган ва ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлган ўқувчиларга қаратилган хусусий репетиторликдан катта фарқ қиласди. Худди шунингдек, университет талабалари орқали норасмий кўринишда олиб бориладиган хусусий репетиторлик тижорий компаниялардаги профессионаллар томонидан олиб бориладиган хусусий репетиторликдан катта фарқ қиласди. Баъзи жамиятлардаги ўқувчилар хусусий репетиторликга пул сарфлашга мажбур бўладилар, чунки уларнинг барча тенгкўрлари хусусий репетиторликдан фойдаланаётгандай туюлади, чунки уларнинг ўқитувчилари хусусий репетиторликдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигига урғу беради ва/ёки уларнинг оилалари хусусий репетиторликдан фойдаланишни таълим олишда ва бунинг пировардида иқтисодий фаровонликдаги ютуқларга эришишнинг асосий йўли деб биладилар. Кенгрок маънода олганда хусусий репетиторликга бўлган муносабат асосан ҳар бир жамиятда шаклланган урф-одатларга боғлиқ. Урф-одатлар ўзгариши мумкин ва улар ўзгарадилар ҳам. Бу эса ўз навбатида нимага баъзи мамлакатларда хусусий репетиторлик олдиндагинга нисбатан кўпроқ учраётганлигини тушунишга ёрдам беради.

Ташхис қўйилгандан кейин сиёсатчилар ва раҳбарлар соядаги таълим тизимиға юз тутиш учун нима қилишлари мумкин ва нима қилишлари шарт деган савол туғилади. Бу борада мазкур китобда, улар ишни мазкур таълим тизимининг ғоявий таркиби, мақсадлари ва тузилишларини аниқлашдан бошлашлари керак деган маслаҳат берилади. Улар хусусий репетиторликга бўлган талаб ва/ёки таклифни шакллантириш йўлларига таъсир кўрсатишлари мумкин. Сиёсатчилар ва соҳа раҳбарлари бозор кучларини тизгинлаш услубарини топишлари мумкин ва уларда қонун-қоидаларни такомиллаштириш истаги

пайдо бўлиши мумкин.

Инсонларнинг хусусий репетиторликга бўлган муносабатлари хусусида гап кетар экан, улар расмий таълим тизимидағи ўқитувчилар ўқувчилари уларнинг ўзларидан қўшимча пуллик дарс олишлари учун асосий дарс мобайнида уларга нисбатан ҳаддан зиёд талабчан бўлишлари оқибатида ташкил этилувчи хусусий дарслар билан мактабларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган хусусий дарсларга жудаям турлича муносабатда бўлиши мумкинлигини айтиш жоиз. Инсонларнинг муносабатлари шунингдек сиёsatчилар қабул қилинган қарорларни тадбиқ этишда ўзларини молиявий, кадрлар нуқтаи назаридан ва бошқа йўналишлар бўйича нақадар чегараланган ҳисоблашларига ҳам боғлиқ, чунки бу ўз навбатида маданий, маъмурий ва бошқа омиллар таъсирига учрайди. Шунингдек, сиёsatчилар ва соҳа мутахассис-раҳбарлари вақт ўтиши билан соҳадаги ўзгаришлар қандай рўй берадётганлигини кузатиб бориш учун мониторинг ва баҳолашнинг турли хил механизмларини йўлга қўйишни исташлари ҳам мумкин.

Ваниҳоят, китобнинг илк саҳифалариданоқ унинг концептуал чегараларини белгилаб олиш зарур деб биламиз. Биринчидан, китобда фақат бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчиларини учун репетиторлик масаласи кўрилади. Албатта хусусий дарслар мактабгача таълим босқичида ва ўрта мактабни битирғанлар учун ҳам мавжуд. Аммо улар турлича хусусиятларга эга ва уларда турли хил фарқли муаммолар кўтарилади. Иккинчидан, китобда фақатгина пуллик ўқитиши хусусида сўз кетади. Унда қариндошлар, ўқитувчилар ва ёки бошқа инсонлар томонидан бепул, ёрдам сифатидаги ўқитиши билан боғлиқ бўлган масалалар кўрилмайди. Бундай ўқитиши айни вақтда сиёsatчилар ва режалаштирувчи-раҳбарлар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Аммо, яна бир бор таъкидлаймизки, унда ҳам пуллик хусусий ўқитиши билан боғлиқ бўлган масалалардан кўра фарқли бўлган хусусиятлар ва масалалар кўрилиши мумкин. Учинчидан, китобда фақатгина расмий таълим тизимида ўқитиладиган академик фанларни хусусий ўқитиши масаласи кўрилади. Унда масалан, балет машғулотлари, футбол машғулотлари ёки диний билимлар олиш дарслари ва ёки мактабларда ўқитилмайдиган, кам сонли халқлар тилини хусусий аснода ўқитиши кабиларга эътибор қаратилмайди. Албатта бу мавзулар ҳам муҳим деб ҳисобланади, аммо уларга ушбу китобдан ташқари ҳолда, алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб биламиз.

## **2.Ташҳис**

### **Кўлам, жадаллик ва ўқитиши табиати**

Репетиторликнинг кўлами ва шакли бўйича аниқ рақамларни топиш мушкул. Бунинг хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар билан боғлиқ бўлган бир неча сабаблари мавжуд:

- *Репетиторлар* одатда назарга тушмасликка ҳаракат қиласидилар, чунки уларнинг аксарияти хусусий ўқитиши норасмий тарзда олиб борадилар ва солиқ тўламаган ҳолда даромад оладилар.
- Ўқувчилар ҳам ўз навбатида назарга тушмасликни афзал қўришлари мумкин, чунки уларнинг хусусий қўшимча дарс олишлари ўз тенгдошларига нисбатан “ғирром” устунликка эга бўлаётганликлари ва/ёки расмий таълим тизимидағи ўқитувчиларига ишонсизлик билдираётганликларини англатиши мумкин деб ўйладилар ва шунингдек ўқувчилар уларни нодон деб ҳисоблашларини ҳам истамайдилар.
- *Ота-оналар* назарга тушмасликни афзал қўришлари мумкин, чунки бу фарзандлари учун “ғирром” устунликни сотиб олишаётганликларини ва/ёки расмий таълим тизимида ишонсизлик билдираётганликларини англатиши мумкин деб ўйладилар ва шунингдек фарзандларини нодон деб ҳисоблашларини ҳам истамайдилар.

Хусусий қўшимча ўқитиши ўлчаш мушкул бўлиши мумкин. Чунки у кўпинча шакли, давомийлиги ва жадаллиги нуктаи назаридан мавсумий ўзгаришларга эга бўлиши мумкин. Хусусий репетиторлик асосан юзма-юз қабул қилинади. Аммо у якка ўқитишидан тортиб то катта гурухларда ўқитишигача бўлган турли шаклларга эга бўлиши мумкин. У шунингдек, сиртқи ўқитиши ва ёки тобора кенгайиб бораётган – интернет орқали репетиторлик каби кўринишларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи ўқувчилар кўплаб фанлар бўйича узоқ вақт давомида мунтазам дарслар олишса, бошқалари факат бир нечта фанлар бўйича номунтазам равишдаги машғулотлар билан кифояланадилар. Шунга қарамасдан, олиб борилган тадқиқотлар бизга ушбу йўналишнинг умумий тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради. Бунинг устига, хусусий қўшимча ўқитишининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти тўғрисида инсонларнинг хабардорлиги даражаси ортиб бориши натижасида ҳам мустақил ҳамда мутахассис тадқиқотчилар ушбу таълим йўналиши бўйича кўпроқ изланишлар олиб борар эканлар мазкур тасаввур янада мукаммалроқ тус ола бошлади.

### **Қамровнинг турлари**

1-жадвалда турли хил мамлакатлардан олинган рақамлар асосидаги маълумот келтирилган. Унга асос бўлган тадқиқотларда қўлланилган услублар бир-бирларидан фарқ қилганлиги сабабли жадвалда стандарт форматдаги статистик маълумотлар келтирилмаган. Аммо жадвал асосий ҳолатларни ўзида акс эттирган. Биринчи хайратга солувчи натижадан шундан иборат бўлдики хусусий репетиторлик дунёнинг аксарият мамлакатларида мавжуд экан. Бундан на Комбоджия ва Кения каби қути даромадли мамлакатлар ва на Канада ва Япония каби юқори даромадли мамлакатлар мустасно эмас. Хусусий репетиторлик қишлоқ жойлардан кўра шаҳар жойларда қўпроқ учрайди ва баъзи мамлакатларда бундай машғулотларга қатнаш қиз болалардан кўра ўғил болалар орасида кенгроқ тарқалган.

## **1-жадвал Хусусий репетиторлик бўйича мамлакатлараро кўрсаткичлар**

*Мамлакат   Хусусий репетиторлик кўлами ва шакли*

Бангладеш	2005 йилда 16 400 хонадон бўйича йиғилган умуммамлакат сўровномаси натижалари 1998 йилда 33 229 хонадон бўйича ўтказилган шундай сўровнома натижалари билан таққосланган. Олингандаги натижага кўра шу нарса маълум бўлганки, хусусий репетиторлик қамрови кенг бўлиб, у вакт ўтиши билан янада кенгайган. 2005 йилда бошланғич мактаб ўқувчиларининг 31,0 фоизи (28,2 % қишлоқ жойларда ва 51,73 фоизи шаҳарларда) хусусий репетиторлик дарслари олаётганлиги аниқлабўлса, 1998 йилда ўқувчиларнинг 21,4 фоизигина (кишлокларда 18,1%, шаҳарларда – 44,3 %) хусусий репетиторлик хизматларидан фойдаланганлар.
Камбоджия	1997/1998 ўқув йилида сўровномада қатнашган 77 та бошланғич мактабларнинг вакилларидан 31,2 фоизи ўқувчилар кўшимча хусусий дарслар олишларини билдирганлар ва бу умумий бошланғич таълим харажатининг 6,6 фоизини ташкил этган. Ушбу сўровнома изидан 2004 йилда ўтказилган тадқиқот натижалари ўрта таълим даражасида харажатлар сезиларли даражада ортганини кўрсатди. Кўйи ўрта таълимнинг юқори синфида хонадонларнинг хусусий репетиторлик учун сарфлашган ўртача маблағи бошланғич таълимнинг юқори синфи учун сарфланган ўртача харажатдан тўрат баробар юқори бўлган.
Канада	Катта шаҳарлардаги хусусий ўқитиш тадбиркорлик субъектларининг сони ўтган асрнинг 90-йилларида 200 фоиздан 500 фоизгача ошди. 1997 йилда бутун мамлакат бўйича телефон орқали ўтказилган сўровномада қатнашган 501 та ота-онанинг 9,4 фоизи уларнинг мактаб ёшидаги фарзандлари мактабдан ташқари хусусий дарслар ҳам олишларини таъкидлаган бўлсалар яна 8,4 фоиз и фарзандлари олдин шундай қилганликларини билдирган.
Хитой	“2004 йил шаҳар хонадонларининг таълим ва бандлик сўровномаси” 4 773 хонадонни қамраб олган. Сўровномада бошланғич мактаб ўқувчиларининг 73,8 фоизи, кўйи ўрта таълимдаги ўқувчила рнинг 65,6 фоизи ва юқори ўрта таълим ўқувчиларининг 53,5 фоизи кўшимча хусусий дарслар олшилари аниқланган.
Кипр	2003 йилда 1120 та колledge талабалари ўртасида ўтказилган тадқиқот натижасида уларнинг 86,4 фоизи ўрта мактабда ўқиши даврида хусусий дарслар олганликлари аниқланган.
Миср	2004 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра хонадонлар ўз бюджетларидан таълим учун ажратилган қисмнинг 61,0 фоизини хусусий репетиторларга сарфлашлари аниқланган. 1997 йилдаги ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра хонадонларнинг таълимнинг барча босқичларида хусусий ўқитишга сарфлаган харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 1,6 фоизини ташкил этгани аниқлабўлса, 1994 йилда 4729 хонадон ўртасида ўтказилган сўровномада шаҳар жойларда бошланғич мактаб ўқувчиларининг 64,0 фоизи, қишлоқ жойларда эса – 52,0 фоизи кўшимча хусусий дарслар олишлари аниқланган.
Гонконг	Давлат статистик маълумотларига кўра 2006 йилда бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларининг 34 фоизи хусусий дарслар олганлар. 2004-2005 йилларда ўтказилган сўровномада 13 600 хонадон ва киллари фикрларига кўра бошланғич мактаб ўқувчиларининг 36 фоизи, кўйи ўрта таълимдаги ўқувчиларнинг 28 фоизи, ўрта таълимдаги ўрта синфлар ўқувчиларининг 33,6 фоизи ҳамда ўрта таълимнинг юқори синф ўқувчиларининг 48,1 фоизи хусусий дарслар олганлар.
Япония	2007 йилда ўтказилган сўровномада аниқланишича “жуки” деб номланувчи репетиторлик мактабларида Бошланғич-1 босқичидаги ўқувчиларнинг 15,9 фоизи дарс олса, ушбу кўрсаткич кейинги и босқичларда ортиб бориб, Кўйи Ўрта – 3 босқичида 65,2 фоизни ташкил этган. Бундан ташқари Кўйи Ўрта-3 босқичидаги ўқувчиларнинг 6,8 фоизи уйда ҳам хусусий дарслар олган бўлсалар, 15,0 фоизи сиртдан дарс олиш услубидан фойдаланганлар.
Кения	1997 йилда мамлакат бўйича 3233 та 6-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган сўровномада уларнинг 68,6 фоизи кўшимча хусусий дарслар олишлари аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич мамлакатнинг шимолий-шарқий қисмидаги 39,0% ҳамда Нянза вилоятидаги 74,4 фоизнинг ўртачаси деб белгилабўлсан. Географик нуқтаи назаридан бир биридан узоқ бўлган учта туманда ўтказилган параллел с


ўровномада хусусий ўқитиш хизматларидан фойдаланиш шаҳарларда кишлоқлардагига нисбатан анча кенгрок тарқалғанлиги ва ўғил болалар унда қыз болаларга нисбатан кўпроқ фойдаланишла ри аниқланган.

Вьетнам	2001 йилда мамлакат бўйича 3639 та бошланғич мактабларнинг 72660 та 5-синф ўқувчилари ўрта сида ўтказилган сўровномада уларнинг 38 фоизи қўшимча хусусий дарс олишлари аниқланган. 2 002 йилдаги маълумотларга кўра хусусий қўшимча ўқитишга сафрланган маблағлар оиласларнинг таълим учун ажратган пул миқдорларининг 20 фоизини ташкил этган. Ушбу рақам олий ўқву юртларига киришга тайёргарлик кўраётган абитуриентлар орасида 29% ташкил этган ва у Марказий тоғлик вилоятлар ва жанубий-шарқий вилоятларга нисбатан шаҳарларда юкорироқ бўлган.
---------	---

Манбаълар: Various studies reported in Bray (2006, pp.517–518). Updates on Bangladesh in Nath (2008, p.57); Egypt in World Bank (2008, p. 190); Hong Kong in Kwok (2009, p. 106) and Ng (2009, p. 1); Japan in Ministry of Education, Science, Culture and Sport (2008, p.13); China data in Xue and Ding (2009, p. 119); Viet Nam data on 2001 survey in World Bank (2004, p.81).

2007 йил ТРХИ форумида тақдим этилган маълумотларда қўшимча мисоллар келтирилди. Силова томонидан (Silova 2007) Шарқий Европа ва Осиёдаги 12 та мамлакатда хусусий қўшимча ўқитиш бўйича статистик маълумотлар келтирилган бўлиб, уларда Совет Иттифоқи билан тарихий алоқалар акс эттирилган (2-жадвал). Муаллифнинг таъкидлашича (4-саҳифа) 1990-йилларнинг бошларига қадар хусусий репетиторлик унчалик кенг тарқалмаган бўлсада, кейинчалик у “ирик бизнесга” айланди. Муаллиф томонидан келтирилган статистик маълумотлар Очик жамият институти ҳомийлиги остида 2004-2005 ва 2005-2006 йилларда олиб борилган икки тадқиқот натижаларига асосланади (қўшимча маълмуот учун қаранг: Silova, Būdienè and Bray, 2006; Silova, 2009). Тадқиқотчилар университетларнинг биринчи курс талабалари орасида сўров олиб боргандар ва улардан ўрта мактабнинг битирувчи синфида ўқиган вақтларидаги репетиторлик хизматларидан қанчалик фойдаланганликлари хусусида гапириб беришни сўрагандар. Озарбайжон, Грузия ва Хорватияда иш олиб борган тадқиқотчилар қўшимча равишда ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам сўровнома олиб боргандар ва бу орқали тадқиқот доирасидаги респондентлар гурухини кенгайтиргандар. Умумий ҳисобда сўровноманинг биринчи тадқиқотида 8713 киши, иккинчи тадқиқотида эса 3101 киши респондент сифатида қатнашган. Тадқиқот натижасида репетиторликнинг икки ирик кўриниши аниқланди, улар: алоҳида шахслар томонидан таклиф этилувчи хусусий дарслар ҳамда ўқув юртлари томонидан ўқишга кириш учун ёрдам тариқасидаги тайёргарлик курслари. Хусусий дарслар кўпроқ Монголия ҳамда собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларида кенгрок тарқалган (хусусан Озарбайжон, Грузия ва Литвада). Айни чоғда тайёргарлик курслари нисбатан яхшироқ ривожланган ва мустаҳкамроқ бозор муносабатларига эга бўлган собиқ Югославия мамлакатлари (Хорватия, Словакия, Босния ва Герцеговина)да кўпроқ учрайди. Энг ҳайратга солувчи статистик маълумот Озарбайжонга мансуб бўлиб, у ердаги университет талабаларининг 90 фоиздан ортиғи ўрта мактабнинг битирувчи синфида ўқиган даврларида хусусий қўшимча ўқитишдан фойдаланганликларини таъкидлагандар.

**2-жадвал.** Шарқий Европа ва Осиёдаги баъзи мамлакатларда репетиторлик қамрови



Манбаъ: Silova (2007), p.5.

Бошқа мавзу бўйича Павиот (Paviot, 2007) “Таълим сифати мониторинги бўйича жанубий ва шарқий ва Африка концорциуми” (Southern and Eastern Africa Consortium for Monitoring Education Quality-SACMEQ(САКМЕК) томонидан тайёрланган сўровнома хусусида сўз юритади. Ушбу Концорциум 15 таълим вазирликлари томонидан ташкил этилган. Ўтказилган тадқиқотда 1995 ва 2000 йиллари 6-синф ўқувчилари бўйича ўзаро солишириш мумкин бўлган маълумотлар йиғилган (3-жавдал). Маълумотларни 100 фоиз аниқ деб бўлмайди, чунки уларга ҳақ олмасдан ўқитиш, масалан, ўқитувчилар ёки оила аъзолари томонидан ўқитиш билан бир вақтда пуллик ўқитиш ҳам киритилган. Шунга қармасдан йиғилган маълумотларга кўра баъзи мамлакатларда репетиторликнинг кенг тарқалганилиги ва вақт ўтиши билан сезиларли даражада ортиб бораётганлигини кўрсатилган. 1995 йилда 6-синф ўқувчиларнинг ўртача 49,0 фоизи репетиторлик хизматидан фойдаланганликларини билдирган бўлсалар 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 68,3 фоизга етган.

**З-жадвал.Шарқий ва жанубий Африкада қўшимча ўқитиш хизматларидан фойдаланаётган 6-синф ўқувчилари, 1995 ва 2000 йиллар.**

	САКМЕК I (1995)	САКМЕК II (2000)		
	Фоиз	Намуна ҳамоси	Фоиз	Намуна ҳамоси
Кения	68,6	2,53	87,7	1,91
Малави	22,1	1,96	79,7	3,47
Мавритания	77,5	1,44	86,6	1,07
Намибия	34,7	2,08	44,7	2,33
Замбия	44,8	2,35	55,1	3,56
Занзибар (Танзания)	46,1	1,26	55,9	0,95

Манбасъ: Paviot, Heinsohn & Korkman (2008), p.152.

Угандада ҳам бунга ўхшаш ҳолат мавжудлигини Эйлор (Eilor, 2007) томонидан тақдим этилган ишдан билиб олишимиз мумкин. У мактаб ўқувчиларининг турли хил синфлардаги ҳолати бўйича ишонарли статистик маълумотлар жуда ҳам кам микдорда мавжуд эканлиги хусусида арз қиласар экан, шу билан бирга ўз кузатишлари натижасида (14-саҳифа) репетиторлик “барча йирик шаҳарларда кучли илдиз отиб, оммалийлашган” лигини таъкидлайди. Қишлоқ жойларда репетиторлик асосан ўқувчилар хал қилувчи имтиҳонларни топширадиган синфларда кўпроқ қўлланилса, шаҳарларда барча синф ўқувчилари репетиторликдан фойдаланадилар. Эйлор (14-саҳифа) репетиторлик турли хил минтақаларда турлича тарқалган бўлишига қарамасдан, ушбу ўқитиш кўриниши “ўтган йигирма йил давомида жуда сезиларли даражада ўсгани ва ҳозирда барча йўналишлар бўйича мавжуд эканлиги кўзга ташланади”. САКМЕКнинг 2000 йилда 6-синфлар ўртасида олиб борган сўровнома натижаларига қўра, Угандада сўровномада қатнашган 6-синф ўқувчиларининг 81,8 фоизи мактаб машғулотларидан ташқари қўшимча дарслар олишларини айтган бўлсалар, уларнинг 51,4 фоизи ушбу дарслар учун пул тўлаганларини билдирганлар (Byamugisha& Ssenabulya, 2005, pp. 71–72).

Яна бошқа мамлакат бўйича мисол учун Сужата (Sujatha, 2007, p. 3) томонидан Ҳиндистонинг тўртта штати бўйича олиб борган тадқиқотини тилга олиш мумкин. Муаллиф ўрта мактабнинг 9-12 синф ўқувчиларидан ташкил топган 6948 кишидан иборат намуна гурухи устида тадқиқот олиб борган. Намуна гурухи турли хил штатлар ва турли хил синфлар ўқувчиларидан тузилган. Тадқиқотда қатнашганларнинг ўртача 41,3 фоизи қўшимча равишида хусусий ўқитишдан фойдаланишларини айтганлар (4-жадвал). Бунда ўғил болалар қиз болаларга нисбатан кўпроқ ушбу услубдан фойдаланишлари аниқланган ва улар ўртасидаги нисбат 54,9 % ва 39,6 % ни ташкил этган. Тадқиқотнинг ушбу натижалари яна бир тадқиқотчи – Жалалуддин (Jalaluddin, 2007, p. 1) олиб борган тадқиқот натижалари мос келади. Унинг аниқлашича Ғарбий Бенгал штатидаги оиласаларнинг 70 фоизи бошланғич таълим давридаёқ фарзандларининг хусусий репетиторлик хизматидан фойдаланишлари учун сармоя жойладилар ва ушбу ҳаражатлар оила бюджетида таълим учун ажратилган маблағнинг учдан бир қисмидан зиёдрогини ташкил этади.

#### **4-жадвал. Ҳиндистонинг тўртта штатида хусусий репетиторлар хизматидан фойдаланувчи ўқувчилар нисбати, синфлар бўйича**

	<i>IX</i>	<i>X</i>	<i>IX–X</i>	<i>XI</i>	<i>XII</i>	<i>XI–XII</i>	<i>IX–XII</i>
Андра Прадеш	11,3	52,7	32,3	-	-	-	-
Керала	43,0	71,6	55,0	31,5	36,0	33,5	43,7
Махараштра	43,2	56,0	49,3	41,0	38,5	40,0	44,7
Утар Прадеш	31,4	62,0	45,7	31,4	38,6	34,9	40,7
<i>Ўртача</i>	<i>32,0</i>	<i>58,8</i>	<i>44,6</i>	<i>36,0</i>	<i>53,8</i>	<i>36,8</i>	<i>41,3</i>

Изоҳ: Андра Прадешдаги намунада фақат 9-10-синфлар қамраб олинган.

N = IX–X синфлар: 4,031; XI–XII синфлар: 2,917

Манбасъ: Sujatha (2007), p.3.

Туркияда ҳам репетиторлик хизматидан фойдаланиш кўрсаткичлари юқори эканлиги

ва ўтган давр мобайнида сезиларли даражада ортгани маълум қилинган. 2007 йилдаги ТРХИ форумида Тансел ва Биржан (Tansel and Bircan (2007, pp. 5–6) томонидан репетиторликнинг учта асосий кўринишлари баён этилди. Биринчи тури ўртада келишилган нарх бўйича битта репетиторнинг битта ўқувчига дарс беришидан иборат. Иккинчи кўринишида расмий таълим тизимидағи ўқитувчилар дарсдан ташқари вактда, мактаб биносида қўшимча хақ эвазига қўшимча дарс ўтишларидан иборат. Бундай дарслар асосан бошланғич таълим босқичида кенгрок тарқалган бўлиб, улар мактаб раҳбарияти томонидан Миллий таълим вазирлиги рухсатини олган ҳолда ва ушбу вазирлик ўрнатган нархлар асосида олиб борилади. Учинчи кўриниш эса “дерсане” деб номланувчи хусусий ўқитиш марказларида машғулот ўтишдан иборат бўлиб, унда ҳам бошланғич ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари шуғулланадилар. Ушбу марказлар шунингдек давлат хизматига киришга тайёрловчи дарсларни ҳам таклиф этадилар.

Туркияда хусусий ўқитиш марказлари 1960 йилларда шаклана бошлаган ва 1965 йилга келиб қонунлаштирилган. Бундай марказлар Миллий таълим вазирлигига рўйхатдан ўтишлари ҳамда ўз даромадларидан солиқ тўлашлари лозим. 1975-1976 йилларда мамлакатда рўйхатдан ўтказилган жаъми 157 та шундай марказлар мавжуд бўлган. Йигирма йилдан сўнг уларнинг сони 1292 та етган. 2005-2006 йилларга келиб эса уларнинг сони 3986 тани ташкил этган. Айни чоғда бу кўрсаткич мамлакатдаги ўрта мактаблар сони (3406та)дан юқори эканлиги билан алоҳида эътиборга молик. Репетиторлик марказларида жаъми 1 млн. 72 минг бошланғич мактаб ўқувчилари ва 2 млн. 76 минг ўрта мактаб ўқувчилари таълим олган (Tansel and Bircan 2007, pp. 16–17).

Австриядаги ҳолат бироз бошқача. Грубернинг таъкидлашича (Gruber (2007, p. 3) Таълим вазирлигига “мамлакатда хусусий қўшимча ўқитишнинг қай даражада тарқалганилиги, бундай таълимни етказиб берувчиларнинг турли хил кўринишларининг аҳамияти, таълимнинг ушбу кўриниши келиб чиқишига сабаблар ҳамда хусусий мактабларнинг репетиторликка бўлган муносабати бўйича ҳеч қандай маълумот йўқ.” Аммо, Австрия ишчи-хизматчилари палатасининг истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш бўлинмаси репетиторлик билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни мунтазам равишда кузатиб боради. Ушбу бўлинма аниқлашича, мамлакат бўйича 2006 йилда хусусий ўқитишга 140 миллион евро микдоридаги маблағ сарфланган. Австрия ишчи-хизматчилари палатасининг ушбу ҳисоб-китоблари Вена Университети томонидан аниқланган рақамларга тўғри келади. Вена Университети томонидан олиб борилган тадқиқотда аниқланишича, Австриядаги ўрта мактабда таълим олувчиларнинг 20 фоизи репетиторликнинг қайсиdir туридан фойдаланар эканлар (Wagner et al., 2003, quoted by Gruber, 2007, p. 3).

Бошқа маълумотларга кўра хусусий ўқитиш Фарбий Европанинг барча мамлакатларида жиҳдий тус олган. 2008 йилда Англиядаги 1500 ота-она ўртасида олиб борилган сўровномада аниқланишича бошланғич мактаб ўқувчиларининг 12 фоизи ҳамда ўрта мактаб ўқувчиларнинг 8 фоизи хусусий репетиторлар хизматидан фойдаланар эканлар (Peters, Carpenter, et al., 2009, p. 2). 1992 йилда Францияда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра маълум бир вилоятдаги ўқувчиларнинг 25 фоизи репетиторлар хизматидан фойдаланишлари аниқланган (Glasman, 2007, p.1). Франция ҳукуматининг ундан кейинги ўн йиллик давомидаги ташабbusлари натижасида ушбу тармоқ сезиларли даражада кенгайди (Melot, 2007; Anglade, 2008; ).

Грецияда 2000 йилда 1-курс университет талабалари ўртасида олиб борилган сўровномада аниқланишича, уларнинг 80 фоизи ўқишига киришдан олдин грамматика бўйича “фронтистирио” (*frontistirio*) деб номланувчи таёrlов курсларига қатнашганлар. Ушбу

талабаларинг 50 фоизи хусусий репетиторлар хизматидан фойдаланган бўлса, учдан бири эса ҳам гурухда ҳамда якка асосда олиб бориладиган хусусий дарсларга қатнашганлар (Psacharopoulos & Papakonstantinou, 2005, p. 105). Ирландияда эса, 2003 йилда юкори ўрта таълимни тамомлаган 1496 ўқувчи ўртасида олиб борилган сўровномада уларинг 45 фоизи битирувчи синфда ўқиган даврларида хусусий пуллик репетиторлар хизматидан фойдаланганларни аниқланган. Бу ўз навбатида 1994 йил айнан шундай гурух орасида олиб борилган сўровнома натижаларида кўрсатилган 32 фоизлик кўрсаткичдан сезиларли даражада юкори (Smyth, 2009, p. 9).

Австралия, Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) ва Канадада мавжуд бўлган ҳолатларни Фарбий Европадаги ҳолатларга қиёслаш мумкин. Уатсоннинг (Watson (2007) таъкидлашича Австралияда хусусий репетиторликка катта эътибор берилмайди. Аммо 2004 йилда федерал ҳукумат томонидан синов ваучер схемаси таклиф этилган бўлиб, у ўқишнинг 3-йилида ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичларидан ортда қолган ўқувчиларга хусусий репетиторлик кўмагини беришга қаратилган. Мазкур схема 2005 йилда 6200 та ўқувчига, яъни ушбу гурухга мансуб бўлганларнинг учдан бирига ёрдам кўрсатган. Бунинг устига давлат томонидан молиялаштириувчи ушбу схемага қўшимча равишда бир қатор хусусий ташабbusлар шакллана бошлади. Ушбу ташабbusлар қисман АҚШга ҳам хос бўлиб, улар 2002 йилда қабул қилинг “Ҳар бир болага эътибор” (No Child Left Behind (NCLB) қонуни билан боғлиқ. Мазкур қонунга кўра хусусий репетиторларга давлат томонидан маблағ ажратилган (Ascher, 2006; Burch, Donovan, and Steinberg, 2006; Vergari, 2007). Канадада давлат томонидан бунга ўхшаш қонун қабул қилинмаган, аммо у ерда ҳам мазкур йўналиш бўйича улкан ўсиш кузатилади. Дэвис ва Аурини (Davies and Aurini (2006, p. 123) таъкидлашларича ўтган 30 йил мобайнида улар тадқиқот ўтказган жойларда расмий репетиторлик муассасаларининг сони 200 дан 500 фоизгача ортган. Онтариодаги ота-оналарнинг 24 фоизи ўз фарзандлари учун яқинда репетитор ёллаган бўлсалар, Канададаги барча ота-оналарнинг 50 фоизи агар қурблари етса, албатта фарзандлари учун репетитор ёллашларини билдирганлар.

Лотин Америкасидаги мамлакатларда нисбатан камроқ тадқиқотлар ўтказилган. Аммо репетиторлик ушбу қитъанинг ҳам энг камида баъзи қисмларида кўзга ташланади. Асосан бу шаҳар жойларда ҳамда юкори ўрта таълим босқичи ўқувчилари ўртасида кенгроқ тарқалган. Масалан, Бразилияда тадқиқот олиб борган Матос (Mattos (2007) Рио де Жанейродаги репетиторлик кўринишларини ўрганиб чиқсан бўлса, Барос (Barros (2008) Бахияда ушбу таълим кўринишини тадқиқ этган.

#### 1-бокс. Хусусий репетиторлик турларининг таснифи

Дунёда мавжуд бўлган репетиторлик кўринишларининг таҳлили мамлакатларни хусусий ўқитишининг кўлами ва табиати бўйича қандай гурухларга бўлиш мумкинлигини кўрсатади. Бундай гурухлаш репетиторликнинг жиддий фаолият сифатида шаклланиши бошланган тарихий маълумотларга, унинг ривожланишига кўмак берувчи ёки аксинча, чегараловчи урф-одатлар билан боғлиқ бўлган омиллар ҳам да соядаги ўқитиш тизими билан хукуматнинг таълим борасидаги сиёсати ўртасидаги боғликлар табиати кабиларга асосланган бўлиши лозим.

- *Шарқий Осиё мамлакатлари*, масалан, Япония, Гонконг, Корея ва Тайванда репетиторлик узоқ давлардан буён ўзига яраша куч ва мавкеъ тўплаб, жамият ҳаётида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган фаолиятлардан бирига айланган. Бунинг асосий сабабларидан бири Конфуций таълимоти билан боғлиқ бўлиб, унда таълимга юкори баҳо берилади ва тиришқоқлик кўллаб қувватланади. Репетиторлик эса айнан юкори кўрсаткичларга эришаётганларга хизмат қиласи.

- Собиқ Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа мамлакатлари 1990 йилларнинг бошларига роқида хусусий ўқитиш учраши кенг тарқалмаган. Аммо ушбу мамлакатлар иқтисодиёти инқирозга учраши натижасида ўқитувчилар қашшоқлик чегарасидан юкорида қолишлари учун қўш имча даромад топишга мажбур бўлишлари билан бу йўналиш сезиларли даражада ривожланди. Бунда ўзлаштириш даражаси турли бўлган ўқувчилар иштишлари мумкин.
- Farbii Европа, Shimoliy Amerika va Avstraliyada репетиторлик фаолияти Шарқий Осиё ёки Собиқ Иттифоқ мамлакатларидағи каби кенг тарқалмаган. Аммо сиёсатчилар ўқув юртлари ўртасидаги ракобатни рағбатлантиришлари ҳамда ота-оналар хусусий ўқитишга сармоя қўйиш нинг нафини кўришлари натижасида ушбу йўналиш сезиларли даражада кенгайди. Баъзи мамлакатлarda хукумат репетиторликни ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларга ёрдам тариқасида қўллаб-куватлайдилар.
- Африкада ҳам репетиторлик қўзга ташланарли даражага етди. Ушбу ривожланиш қисман ўқи тувишларнинг масъулият ва назорати учраши кучли бўлмаган таълим тизимларида даромад олиши имкониятларидан хабардор бўлаётганлигини акс эттиради. Бу борада, Африкадаги таълим тизимлари Жанубий Осиёда мавжуз бўлган таълим тизимларига ўхшаб кетади. Ушбу минтақада репетиторлик кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган, айникса шаҳар жойларда. Худди Собиқ Иттифоқ мамлакатларида бўлгани каби, ўқитувчилар репетиторликка ўз эҳтиёжла рини қопламайдиган ойлик маошларига қўшимча даромад манбаъи сифатида қарайдилар.
- Лотин Америкасида ўрта мактабнинг юкори синфларини ҳисобга олмаганда репетиторлик ни сбатан кенг тарқалмаган. Бу эса яна таълим тизимларидағи урф-одатларни акс эттиради. Аммо ушбу ҳолат худди Farbii Европа, Shimoliy Amerika va Avstraliyada бўлгани каби ўзгариши мумкин.

Ушбу турли категориялар турлича чора-тадбирларга эҳтиёж мавжудлигидан далолат бериши сабабли зарур. Таълим соҳасини режалаштирувчи раҳбарлар агар репетиторликнинг тарқалиш кўлами катта бўлмаса демак унга нисбатан чора кўришга зарурат йўқ деган фикрга бормасликлари лозим. Аксинча, айнан шу вақтда чора кўриш зарур бўлшини мумкин. Чунки муаммоли ҳолатларни олдини олиш кейин уни тузатишдан кўра афзалроқ ҳисобланади.

### **Турли кўринишлар ва жадаллик**

TRXI форуми давомида тақдим этилган статистик маълумотларда репетиторликнинг турлари ва унинг жадаллигини акс эттирувчи асосий омиллар ўз аксини топган. Масалан, Нето-Мендес ва Коста (Neto-Mendes and Costa (2007) Португалияning кичик шаҳарчасидаги тўртта ўрта мактаб бўйича 3 йил давомида олиб борган тадқиқотларининг натижаси билан ўртоқлашдилар. Маълумотлар ушбу мактабларда ўқиётган барча 12-синф ўқувчилари бўйича йиғилган. 5-жадвалда ушбу 4 та мактаб бўйича 2005-2006 йиллар учун йиғилган маълумот келтирилган. Уларнинг махфийлиги таъминланиб, номлари ранглар билан алмаштирилган. Маълумотларга кўра ўқувчиларнинг 52-65 фоизи репетиторлар хизматидан фойдаланганлар. Ўқувчиларнинг аксарияти ҳафтасига 1-3 соат давомида хусусий репетиторлар машғулотига қатнашсалар, яна бир талай ўқувчилар бунга ҳафтасига 4-10 соатгача вақт сарфлайдилар. Нисбатан кўп бўлмаган ўқувчилар бундай машғулотларга ҳафтасига 10 соатдан кўп вақт ажратадилар. Ажратилаётган вақтларнинг миқдори табий равишда репетиторлар машғулотининг қиймати билан боғлиқ.

**5-жадвал.** Тўртта ўрта мактабнинг 12-синф ўқувчиларининг репетиторларга қатнаш жадаллиги, Португалия, 2005–2006 йил.

Мактаб	лар	и	орликдан	гулоти учун ажратилган соатлар							
				аётганла-	1-3	4-10	10+	ЖЙ	70	71-210	210+
			p, %								
Мовий мактаб	65%		54%	42%	2%	2%	31%	56%	7%	6%	
Сариқ мактаб	52%		56%	36%	4%	4%	46%	50%	—	4%	
Яшил мактаб	52%		59%	38%	—	3%	38%	53%	3%	6%	
Пушти мактаб	63%		54%	45%	1%	—	24%	66%	8%	2%	

ЖЙ = Жавоб йўқ

Манбась: Neto-Mendes and Costa (2007), p.7.

Португалия бўйича ўхшаш маълумот 2005 йилда Таълим вазирлиги томониан мамлакат бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида қатнашаётган 31035 та абитуриент ўртасида ўтказилган сўровнома асосида йиғилган (Costa, Neto-Mendes and Ventura, 2008). Сўровномада аниқланишича, унда қатнашган абитуриентларнинг 54,7 фоизи 10-12 синфлар оралиғида хусусий репетиторлар хизматидан фойдаланганлар. Бу даврни репетиторлардан фойдаланишнинг энг асосий даври деб аташ мумкин. Чунки абитуриентларнинг факат 7,7 фоизигина 7-9 синфларда репетиторлардан фойдаланган бўлсалар, бор-йўғи 1,6 фоизи 5-6 синфларда ўқиш давомида репетиторларга мурожаат қилганлар. Репетиторлардан фойдаланган респондентларнинг 55,9 фоизи сўровномада сўралган ўқув йили давомида шундай қилганлар. Яна 27,5 фоизи ўқув йилининг бир қисмida репетиторларга қатнаган бўлсалар, факат 16,6 фоизигина бевосита имтиҳонлардан олдин репетиторларга мурожаат қилганлар.

Имтиҳонлардан олдин репетиторлардан фойдаланиш жадаллигининг ошиши бошқа мамлакатларга ҳам хос бўлган ҳолат. Масалан, Мавританияда бошланғич, қўйи ўрта ва юқори ўрта мактабларни битириш имтиҳонлари мавжуд бўлиб, ушбу давр мобайнида хусусий ўқитувчилардан фойдаланиш даражаси энг юқори кўрсаткичларда бўлади (Obeegadoo, 2007). Намибияда 10 ва 12-синфлардаги имтиҳонлардан олдин репетиторлардан фойдаланиш кўрсаткичи кексин ошади (Nghiyoonyane, 2007). Вьетнам ва Сингапурда бошланғич ва ўрта мактабни тамомлаш йилларида репетиторларга қатнаш кўрсактичлари кескин ошиши кузатилади (Dang, 2007; Tan, 2009).

6-жадвалда Ҳиндистоннинг тўртта штатидан олинган маълумотлар жамланган бўлиб, уларда репетиторлар хизматидан фойдаланишнинг жадаллиги турличалиги қўзга ташланади. Бу фарқлар энг аввало ўқувчилар репетиторлардан сабоқ олаётган предметлар сони билан боғлиқ. Қуйи ўрта мактаб босқичида Керала штати хусусий ўқитишнинг жадаллиги бўйича биринчи ўринни эгаллайди (юқоридаги 4-жадвалга қаранг). Айни вақтда Андра Прадеш штати энг паст қатнов ва жадаллик кўрсаткичига эга. Юқори ўрта мактаб босқичида ўқувчилар кўп сонли предметлар бўйича репетиторга қатнаши эҳтимоли паст бўлиб, бу ҳолат қисман ўқув дастури улардан нисбатан камроқ предметлар бўйича ихтисослашишларини талаб этиши билан боғлиқ. Қуйи ўрта таълим босқичида ўқув дастурининг асосини ташкил этувчи предметлар она тили, инглиз тили, хинд тили, математика, умумий фанлар, ижтимоий фанлар кабилардан иборат. Сўровномада қатнашган ўқувчиларнинг 90 фоиздан ортиғи

математика фани бўйича репетиторга қатнаганлар. Иккинчи ўринни аниқ фанлар ва инглиз тили каби предметлар эгаллаган (Sujatha, 2007, p. 12). Керала штатида ўқувчиларнинг 98,8 фоизи математика фани бўйича репетиторга қатнаганлар. Уттар Прадеш штатида эса ушбу кўрсаткич бор-йўғи 73.0 фоизни ташкил этган. Бунга сабаб ушбу штатда математика фани мажбурий фанлар рўйхатига кирмаслигида бўлиши мумкин. Юқори ўрта таълим босқичида аниқ фанлар ва математика йўналишида ўқиётган болаларнинг репетиторлар хизматидан фойдаланиш эҳтимоли бошқа йўналишда ўқиётган болаларнидан кўра анча юқори (7-жадвал).

**6-жадвал.** Турли фанлар бўйича репетиторга қатновчи болалар нисбати, Ҳиндистон, 2005 йил.

Штатлар	Кўйи ўрта таълим				Юқори ўрта таълим			
	1 фан	2 фан	3 фан	Барча фанлар	1 фан	2 фан	3 фан	Барча фанлар
Андра Прадеш	58.1	36.7	3.4	1.7	-	-	-	-
Керала	7.0	12.9	12.4	67.6	18.8	47.4	13.1	20.7
Махараштра	12.0	21.8	55.3	10.9	38.0	55.9	6.1	0.0
Уттар Прадеш	7.8	21.0	46.8	24.3	35.1	40.6	21.7	2.6
Ўртача	13.3	20.7	39.1	27.0	33.0	49.5	12.4	5.1

Манбась: Sujatha (2007), p.11.

**7-жадвал.** Ҳиндистондаги турли хил фан йўналиши бўйича таълим олаётган юқори ўрта мактаб ўқувчиларининг репетиторлар хизматидан фойдаланувчилари нисбати, 2005 йил

Йўналиш	Керала	Махараштра	Уттар Прадеш	Жаъми
Аниқ фанлар ва математика	45.4	55.7	52.1	52.3
Ижтимоий фанлар	23.4	19.4	15.0	17.5
Тижорат	20.1	17.8	47.4	19.8
Бошқа	0.0	1.6	10.0	4.3

Манбась: Sujatha (2007), p.13.

Репетитор машғулотлари соати мактаб дарс соатларига қўшилганда, ўқиш куни жуда ҳам узун бўлиб чиқиши мумкин. Бу ҳолат Соу (Sou, 2007, p. 5) томонидан Хитойнинг Макао вилояти мисолида ёритилган. Бошланғич мактаб ўқувчиларининг расмий ўқиш куни 5,5 соатдан иборат бўлган. Аммо одатда ўқувчилар репетиторлардан яна 2-4 соат давом этувчи қўшимча машғулотлар олишлари оқибатида ўқув куни 7,5 – 9,5 соатни ташкил этган. Ўрта таълим босқичида расмий ўқиш куни 7 соатдан иборат бўлган. Аммо одатда ўқувчилар репетиторлардан яна 2-3 соат давом этувчи қўшимча машғулотлар олишлари оқибатида ўқув куни 9 – 10 соатни ташкил этган. Соунинг фикрича (Sou, 2007, p. 5) репетитор машғулотлари учун қўшилган соатлар “вақтнинг нормал тақсимланиши нисбатига жиддий путур етказган”.

### **Ёндошувлари фарқлар**

Репетиторлик турли хил услуб ва ёндошувлар орқали амалга оширилиши мумкин. Янги технологиялар майдонга чиқиши билан бундай ёндошувлар сони ҳам ортиб бормоқда. Аксарият ҳолларда репетиторлик бирга-бир ёндошуви асосида амалга оширилади. Аммо баъзан репетитор машғулотлари телефон орқали, телевизор орқали ва ёки интернет орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Олдинлари кўплаб репетиторлик машғулотлари почта

орқали ёзишмалар асосида амалга оширилар эди. Эндиликда унинг ўрнини интернет саҳифалари ва электрон почталар эгаллади.

Шахсан дарс ўтиш ҳам кўплаб кўринишларга эга бўлиши мумкин. Юқори даромадга эга бўлган оилалар ўз фарзандлари билан индивидуал шуғулланишлари учун репетиторларни ёллашлари мумкин. Репетиторликнинг бошқа турларига ўқувчиларни кичик гурухларда ўқитиш, катта гурухларда ўқитиш, ҳаттоқи катта маъруза залларида ва уларга сиғмаганларни қўшимча хоналарга жойлаштириб, уларни видео тасвир билан таъминлаш орқали ўқитиш кабилар киради. Ушбу ёndoшувларнинг ҳар бири педагогика нуқтаи назаридан, фойдаланувчиларга бўлган қиймати ва хукумат чора-тадбирлари нуқтаи назаридан турли хил таъсирга эга.

Баъзи мамлакатларда хусусий қўшимча ўқитиш расмий таълим тизимидағи ўқитувчилар томонидан олиб борилади ваҳоланки улар аллақачон ушбу болалар учун масъулдирлар. Бир қараганда бу ўқитувчилар учун ўзлари яхши танийдиган болаларга қўшимча ёрдам бериш имконига эга бўлиш нуқтаи назирадан манфаат келтирувчидаи туёлсада, шу билан бирга ушбу ҳолат бир талай муаммолар ҳам келтириб чиқариши мумкин. Энг ёмон ҳолларда товламачилик унсурлари учрайди. Ўқитувчилар асосий дарс соатлари давомида ўқув дастурининг баъзи қисмларини ўтмасликлари мумкин. Яъни, бу мактаб соатларидан кейин хусусий дарслар учун имкониятларни кенгайтириш учун қўлланиладиган услуг. Кўплаб таълим тизимларида ўқитувчилар ўқувчиларнинг қай бирлари кейинги синфга ўтишлари бўйича қарор қабул қилишлари сабабли ота-оналар бундай ўқитувчилар томонидан ўтиладиган хусусий дарсларга пул тўлашга мажбур бўлиб қоладилар. Чунки агар бундай қилмасалар фарзандлари синфда қолиши ва бу уларга янада қимматга тушиши мумкинligини биладилар.

Телевидение орқали репетиторлик қилиш ҳолатлари Кореядан тортиб то Жанубий Африкагача бўлган турли хил давлатларда учрайди. Жанубий Африкада бундай теледастурлар ҳам оммавий ҳамда пуллик телеканалларда мавжуд (Reddy, 2007, p. 14). Репетиторлар мавзуни белгилаб, дастур билан уланиш бўғими (“линк”)ни бирон мактабга юборишлари мумкин ва ўша мактаб ўқувчилари ўз саволларини юборадилар. Репетиторлар эса ўз навбатида ушбу саволлар бўйича мисоллар ишлаб чиқадилар. Ушбу тизимда одатда репетиторлар ва ўқувчилар ўртасидаги интерактивлик даражаси юқори бўлмайди. Шунингдек бундай тизимлар камдан кам ҳолатларда индивидуал ўқувчи учун ишлаб чиқилади. Бундай теледастурлар ўқувчилар ва репетиторларга ўртадаги масофани қисман енгиш имконини беради. Аммо у барибир мамлакат чегараси доирасида қолади.

Интернет орқали репетиторлик машғулотларини олиб бориши масофани енгишда янада яхшироқ натижаларга эришиш имконини беради. Бундай услуг нафақат мамлакат, балки қитъалар ўртасидаги чегараларни ҳам енгиб ўтиши мумкин (Ventura 2008a). Электрон почталар, интернет телефония ҳамда веб-камералар ушбу хизматни алоҳида мижозлар ва уларнинг эҳтиёжига йўналтириш имконини беради. Ўз ўқувчилари билан юзма-юз дарс ўтадиган ўқитувчилар учун бундай ўқувчилар етарлича миқдорда мавжуд бўлишлари лозим. Шунинг учун ҳам улар ўз хизмат кўрсатиш нуқталарини транспорт тармоқлари мавжуд бўлган манзилларга жойлаштирадилар. Интернет орқали дарс берувчи репетиторлар эса айни вақтда ҳам шаҳар ҳамда узоқ қишлоқлардаги ўқувчиларга дарс беришлари мумкин. Шунингдек улар бундай дарсларни исталган тилда олиб боришлари мумкин. Масалан, Ҳиндистонда жойлашган репетиторлар АҚШдаги ўқувчиларга инглиз тилида дарс беришлари мумкин. Хитойнинг асосий территориясида жойлашган репетиторлар эса

Гонконг, Малайзия ёки Сингапурдаги ўқувчиларга хитой тили ёрдамида машғулот ўтишлари мүмкін.

Ушбу кузатувлар шундан далолат берадики, репетиторлик ёндошуви ҳам дарс берувлар ҳамда мижозлар томонидан шаклантирилади. Ўрта мактаб ўқувчилариға репетиторлик қилаёттганларнинг аксарияти қўшимча даромад ишлаш пайда бўлган универститет талабаларидан иборат. Худди шунингдек баъзан бошланғич мактаб ўқувчилариға ўрта мактаб ўқувчилари репетиторлик қилишлари ҳоллари ҳам учраб туради. Универстиет талабалари камдан кам ҳолатларда профессионал дарс бериш кўнкимларига эга бўладилар. Бу борада ўрта мактаб ўқувчилари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Аммо, улар ўқувчилар билан яхши алоқа ўрнатишлари мүмкін, чунки улар бир-бирига яқин бўлган ёш гурухларига мансуб.

Репетиторларнинг ёши бўйича чегаранинг кейинги қисмида нафақахўрлар туради. Улар жамиятга ҳали ҳам қандайдир наф келтира олиш билан бир қаторда қўшимча даромад олиш имконига эга бўлишга хурсанд бўладилар. Улар турли хил авлодга мансуб бўлганлари сабабли, нафақахўрлар қўллайдиган ўқитиши услублари ҳам ўзгача бўлади ва улар компьютерга асосланган ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТлар)дан фойдаланиш бўйича катта уқувга эга бўлишлари амри маҳол. Бундай катта ёшдаги репетиторларнинг баъзилари ўз вақтида мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаган бўлиб, амалдаги қонунлар туфайли нафақага чиқишига мажбур бўлганлар. Репетиторлик бозорида эса расмий нафақа ёшига унчалик катта эътибор қаратилмаслиги мүмкін. Бу ерда кўпроқ эътибор репетиторлик хизматининг қиймати ва сифати ўртасидаги мувозанатга қаратилади.

Хусусий ўқитиши аксарият ҳолларда норасмий равишда олиб борилсада, ушбу соҳа борган сари таркибий ва тижорий нуқтаи назардан ривожланиб бормоқда. Бу ўз навбатида соядаги таълим тизими борган сайин ўсиб бораётганидан далолат берувчи кўрсаткичdir. Тузилган компаниялар кичик ва маҳаллий ёки катта ва халқaro бўлиши мүмкін. Машҳур халқaro компаниялар сафиға Кумон номли фирмани киритиш мүмкін. Фирма 1954 йилда Японияда, фирманинг асосчиси Тору Кумон (1914-1995) ўз ўғлининг математика фанини ўзлаштиришига ёрдам бериш йўлларини қидириши натижасида ташкил этилган. Ярим асрдан сўнг Кумон 45 мамлакатдаги 4 миллиондан ортиқ кишига хизмат кўрсатувчи халқaro компанияга айланди. Эндиликда у ҳам математика ҳамда тиллар бўйича ихтисослашган франчайзинг системаси орқали хизмат кўрсатади (Kumon, 2008). Репетиторлик бўйича бошқа франчайзинг компанияларига Силван (Sylvan), Математика ва аниқ фанлар академияси (Academy for Mathematics and Science), Оксфорд таълим маркази (Oxford Learning Centre) кабиларни мисол қилиб келтириш мүмкін. Девис ва Аурини (Davies and Aurini, 2006, p. 124) таъкидлашларича франчайзинг тизими ушбу бизнеснинг ривожланишига катта туртки бўлар экан. Бунинг исботи тариқасида улар Канадада репетиторлик франчайзингларининг кескин ривожланишини мисол қилиб келтирадилар.

Технологиялар ҳам турли хил ёндошувлардан фойдаланиш имконини беради. Бунга СкулСити (SchoolCity)ни мисол қилиб келтириш мүмкін. У японча “жуку” (*juku*) нинг янги услуги бўлиб, ўқувчиларга ўз уйларида ёки минтақавий марказларда шахсий компьютерлар тармоғи орқали дарс олиш имконини беради (Suzuki, 2009). Нет-Скул (Net-School) орқали ўтиладиган курслар 3 хил модулга эга: (i) Телеконференция ва дарслар; (ii) вебсайт орқали мустақил ўрганиш ва (iii) ёзма манбаълар ёрдамида ўрганиш. СкулСити ўз ташкилий структураларига эга бўлиб, бу репетиторлик фақатгина расмий таълим тизимининг соҳта нусхаси бўлмасдан, ўзи ҳам алоҳида бир тизимга айланиши мумкинлигидан далолат беради.

СкулСити ўз фаолиятини юритадиган “шахарчалар” ўз курслари ва мижозларига эга бўлиб, улар кенг географик майдонларни қамрайди. Шу билан бирга СкулСити реклама, компьютер дастурлари ишлаб чиқиш, баҳолаш тизимлари ва таржималар билан шуғулланувчи шўъба компанияларига ҳам эга.

Бу ерда тилга олинган ёндошувлар қарор қабул қилувчи раҳбарлар ва режалаштирувчилар учун “Давлат хусусий ўқитишининг қайси турлари бўйича қандай тартиблар ўртамоғи лозим?” деган саволга жавоб топишда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан:

- Тўлалигича бозор томонидан бошқарилувчи репетиторлик қисман ёки тўлалигича давлат имтиёzlари орқали иш юритувчи репетиторликдан фарқ қиласди. Масалан, АҚШдаги “Ҳар бир болага эътибор” қонуни остидаги фаолиятни бунга мисол қилиш мумкин.
- *Интернет* орқали репетиторлик, айтайлик бошқа мамлакатдан туриб ўқитиши бўлсин, аҳоли пунктларида ўз идорасини очган ҳолда иш олиб борувчи рўйхатдан ўтган репетиторларнинг фаолиятидан кўра сезиларли даражада ўзгача қонун-қоидалар бўйича иш кўради.
- Мактаб тизимида доирасида аллақачон қандайдир масъулиятга эга бўлган ўқитувчиларнинг ўз ўқувчиларига қандайдир даражада *мажбурий аснода* репетиторлик қилиши ота-оналар ўз ташабbusларига кўра *фаоллик кўрсатиб топган* репетиторлар устозлигидан тамоман фарқ қиласди.
- *Дипломли* мутахассислар томонидан олиб бориладиган репетиторлик *дипломсиз* ўрта мактаб ўқувчилари ёки талabalар томонидан олиб бориладиган репетиторликдан фарқ қиласди.
- *Индивидуал* аснода олиб бориладиган репетиторлик ташқарисига экранлар ўрнатилган *катта маъруза залларида* олиб бориладиган репетиторликдан катта фарқ қиласди.

Репетиторликнинг юқоридаги каби барча турлари таснифлангач, сиёsatчилар ва соҳага оид режалаштирувчи мутахассислар репетиторликнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда таълим билан боғлиқ бўлган таъсирини англаб етган ҳолда бу борада мулоҳаза юритишлири мумкин бўлади. Ушбу жабҳалар, айни чоғда, китобнинг кейинги бобидаги асосий мавзулар хисобланади.

## 2-Бокс. Баҳолаб қарор қабул қилиш

“Албатта хусусий ўқитишининг ўзи яхши ёки ёмон нарса эмас. Бу ерда асосий масала уни қай услубда ва қандай шароитда олиб борилишига боғлиқ. У расмий таълим тизимидағи ўқитувчилар томонидан олиб бориладими ёки ташки репетиторлар ва ёки хусусий марказлар орқали таъминланадими? Ўқитувчилар ўз ўқувчиларига репетиторлик қиладиларми ёки бошқа ўқувчиларгами? Хусусий ўқитиши одди й мактабдаги ўқитишига кўшимча бўладими? У асосий таълим тизимини бошқа йўллар билан коррупцияга аралашувига йўл кўядими?” (Poisson, 2007, p. 4)

## Иқтисодий, ижтимоий ва маърифий таъсири

Китобнинг олдинги бўлинмаларида репетиторлик кўлами, жадаллиги ва ёндошувлари турлича бўлиши мумкин эканлиги ёритилди. Ушбу омил, иқтисодий тизимлар, урф-одатлар ва бошқа омиллар билан қўшилган ҳолда репетиторликнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда

марифий таъсирини аниқлашда маълум бир қийинчиликлар туғдиради. Шунга қарамасдан, кўп саволларга қиёсий таҳлил орқали жавоб топиш мумкин.

### ***Иқтисодий таъсир***

Маълумки дунёнинг баззи жойларида хусусий ўқитиши кенг қанот ёзган бизнес ҳисобланади. Бу айниқса Кореяда энг юқори чўққига эришган бўлиб, у ерда 2006 йилда оиласларнинг хусусий ўқитишига сарфлаган умумий маблағи 24 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган ҳолда мамлакат Ялпи ички маҳсулотининг 2,8 фоизига тенг келган (Kim and Lee, 2008, p. 3). Кореядаги репетиторлик саноати репетиторлар ва соҳа билан боғлиқ бўлган бошқа ишчиларга даромад келтиради. Айни чоғда уларнинг ҳаражатлари кенгроқ иқтисодий тўлқин таъсирига эга. Уй хўжаликларининг хусусий ўқитишига йўналтирган ҳаражатларига қўйидагиларни ҳам мисол қилиш мумкин:

- *Францияда* ушбу йўналиш 2006 йили тахминан 2,21 млрд. еврога тенг деб топилган ва йилига 10 фоиз атрофида ўсиши тахмин қилинган (Melot, 2007, p.50).
- *Грецияда* юқори ўрта таълим босқичидагилар учун фаолият юритувчи норасмий қўшимча мактаблар 2000 йилда 1,1 млрд. евро истеъмол қилгани эълон қилинган бўлиб, бу ўз навбатида давлатнинг таълимга бўлган ҳаражатларини айнан шунча миқдорга ортирган (Psacharopoulos and Tassoulas, 2004, p.247).
- *Туркияда* репетиторлик марказларига сарфланган маблағларнинг 2004 йилдаги тахминий қийматларидан бири 2,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу Ялпи миллий маҳсулотининг 0,96 фоизига тенгdir. Ваҳоланки бошқа тахминий баҳолар қиймати бундай пастроқ бўлган (Tansel and Bircan, 2007, p. 14).
- *Мисрда* 2002 йилда уй хўжаликлари олий ўқув юртларига қадар бўлган босқичда репетиторликка сарфловчи маблағлари йилига 81 млн. Миср фунти (тахминан 18 млн. АҚШ доллари)га тенг эканлиги ўрнатилган бўлиб, бу Ялпи ички маҳсулотининг 1,6 фоизига тенг (World Bank, 2002, p. 26).

Албатта бошқа жойларда репетиторликнинг иқтисодий таъсири бундан камроқ. Аммо у ойлик маошлари кам бўлиб, ўз оиласи даромадини етарли даражада бўлишини таъминлаш учун репетиторлик билан шуғулланишга мажбур қолган ўқитувчилар даромади учун сезиларли рол уйнаши мумкин. Масалан Шри-Ланкада давлат таълим муассасаларида ишловчи олий маълумотли ўқитувчининг ойлик маоши 2007 йилда 108 ва 135 АҚШ доллари эквиваленти ўртасида бўлган (Samath, 2007, p. 1). Ушбу ойликлар расмий хусусий сектордаги ойлик маошларга солиштирганда жуда ҳам кам бўлган. Аммо Коломбода математика бўйича мактаб ўқитувчиси хусусий репетиторлик орқали соатига 10 АҚШ долларига қадар пул ишлаши мумкин бўлиб, у 3-4 кун ичida давлат томонидан тўланадиган маошга тенг миқдорда пул ишлаш имконига эга бўлган. Тожикистонда ўқитувчилар расмий ойлик маошлари орқали ойига 24 АҚШ доллари эквивалентидаги маблағ ишласалар, бунга қўшимча равишда соатига 1-2 АҚШ доллари тенг бўлган миқдордаги пулни хусусий репетиторлик орқали ишлаш имконига эга бўлганлар (Kodirov and Amonov, 2009, p. 144). Ҳатто олий ўқув юртлари талабалари томонидан соатбай репетиторлик орқали ишлаб топиладиган қўшимча даромадлар ҳам иқтисодий нафлар келтириши мумкин чунки бундай даромадлар талабалар ўз ўқишлигини яхшироқ давом эттиришлари ҳамда иқтисодий тараққиётга хисса қўшувчи малакаларни шакллантиришларига имкон яратади.

Репетиторларнинг даромадидан ўқувчиларнинг ўзлаштиришига ўтадиган бўлсак, иқтисодий назарияга кўра математика ва тиллар бўйича ўқув ва малакалар шакллантириш иқтисодий ўсишга ёрдам берувчи инсон капиталининг қийматли кўриниши бўлиши мумкин. Албатта агар бунда инсонлар қўшимча билим олиш билан шуғулланмасалар бу вактда нима билан машғул бўлган бўлардилар деган саволни ўргага қўйиш ва бу орқали алтернатив қийматни баҳолаш керак. Аммо иқтисодий нуқтаи назардан оладиган бўлсак мактаб тизимидағи ёшлар учун алтернатив қиймат паст бўлади, чунки улар хали ҳануз иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб улгурмаган.

Айни чоғда репетиторлик танлов инструменти сифатидаги роли орқали баъзи ҳолларда ресурсларни жойлаштириш нуқтаи назаридан самарасизликни тарғиб этиши мумкин. Ким ва Ли (Kim and Lee, 2008, p. 31) Кореяда олиб борган кузатувларига кўра қўйидагиларни маълум қиласадилар:

“Молия бозори идеал эмаслигини ҳисобга олган ҳолда ота-онаси бой бўлмагани сабабли хусусий репетиторда шуғулланишга қурби етмаган бола рейтинги қуи бўлган университетга ўқишга киришга мажбур бўлиши мумкин. Хусусий репетиторликнинг бу тарздаги номутаносиб тақсимланиши иқтидорларнинг ҳам самарасиз жойлашигига олиб келиши мумкин. Чунки айрибошлишнинг чегаравий нормаси барча уй хўжаликларида бир хил эмас”.

Бошқа кузатувчилар ҳам самарасизлик билан боғлиқ бўлган жиҳатларга эътибор қаратганлар ва репетиторлик нисбатан самарадорроқ бўлган йўналишларга сарфланиши мумкин бўлган маблағларни ўз томонига олаётганини таъкидлаганлар. Айниқса расмий таълим тизимидағи ўқитувчилар қўшимча репетиторликка бўлган талабни ошириш мақсадида асосий ишларига бўлган эътиборларини қасдан камайтиришлари алоҳида ташвишга соловчи муаммо ҳисобланади. Масалан Сужатанинг таъкидлашича (Sujatha, 2007, p. 20) Ҳиндистонда қўйидагича ҳолат мавжуд:

“... хусусий репетиторлик билан шуғулланувчи мактаб ўқитувчилари мактабдаги дарсларга жиддий эътибор қаратмайдилар ва баъзан ўқувчиларни ёки улардан ва ё бўлмаса улар йўллайдиган ўқув марказларидан репетиторлик машғулотларини олишга мажбур қиласадилар. Шу тариқа мактаб ўқитувчилари ва хусусий ўқув марказлари ўртасида боғлиқлик мавжуд”.

Репетиторликнинг яна бир иқтисодий жиҳати солиқлар билан боғлиқ. Аксарият ҳолларда репетиторлик норасмий равишда давлат солиқ йиғувчиларининг назаридан четда олиб борилади. Давлат раҳбарлари умумий хирмонга хисса қўшиши лозим бўлган шахслар бундай қилмаётганларини хис этишлари мумкин. Айни вактда солиқ тушумларининг камайиши хукumatлар ўзларининг иқтисодий ёки ижтимоий мақсадлари учун етарлича маблағ сарфлай олмасликларини англатади.

### **Ижтимоий таъсир**

Хусусий ўқитишининг аксарият кўринишлари ўз-ўзидан ижтимоий тенгсизликни қўллаб-кувватлайди ёки кучайтиради. Чунки юқори даромадли уй хўжаликлари кам даромадли уй хўжаликларига кўра кўпроқ ва сифатлироқ репетиторларни ёллашга қурбилиари етади. Бунга асосий истисно сифатида давлат томонидан ҳомийлик қилинадиган схемаларни келтириш мумкин. Масалан, АҚШдаги “Хар бир болага эътибор” қонуни остидаги фаолиятни оладиган бўлсак, унда давлат томонидан ўзлаштириши паст бўлган ва демакки

нисбатан кам даромадга эга бўлган ўқувчилар учун маблағ ажратилади, улар ҳам репетиторлар хизматидан фойдаланиш имконига эга бўлсинлар.

### *Оила босими ва ижтимоий муҳим*

Репетиторлик оиласи ойлалар ижтимоий босимни хис этувчи ҳолатнинг бир қисми ҳам бўлиши мумкин. Ким томонидан ёзиб олинган (Kim, 2007, p. 11) кореялик бир онанинг таъкидлашича, ота-оналар болаларини репетиторга беришларига асосий сабаб улар “Агар бола жуда ҳам яхши бўлмаса ва хусусий ўқув юртига қатнамаса, одамлар унинг онаси ёки жинни ва ёки камбағал дейишади” каби андиша боришлиридадир. Репетиторликнинг кенгайиб бориши оила таркибидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради (Kim, 2007, p. 12):

“Кореядаги оиласи ойлаларда битта ёки иккита бола бўлади. Ота-оналаримизнинг ёшлигида оиласи ойлаларда учтадан бештагача фарзанд бўлган. Оиладаги фарзандлар сони камайиб боришини, олий ўқув юртининг яхши баҳоланиши шахснинг мавқеини аниқлашда муҳим ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда ёш ота-оналар ўз фарзандлари учун олдинги ота-оналар ўз фарзандлари учун истагандан кўра кўпроқ индивидуал эътибор берилишини истайдилар. Ёш ота-оналар учун мактаблар улар истаган талабга жавоб бермайди – мактабларда ўқувчиларга гурӯҳ сифатида эътибор қаратилади, индивидуал аснода эмас”.

Францияда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Бу мамлакатда ҳам оиласи ойлалар олдингига нисбатан анча кам сонли бўлиб, ота-оналар ва болалар камдан кам ҳолларда ўз буви ва бувалари билан бирга яшайдилар ва шунинг учун ҳам улардан кўмак олиш эҳтимоли анча кам. Гласман (Glasman, 2007, p. 1) бунга қўшимча қилиб қурби етадиган ота-оналар учун хусусий репетитор ёллаш оила учун тинчликни сотиб олишнинг бир услуби эканлигин айтади. Уй вазифалари борган сари қуидагича ўзгариб бормоқда:

“… (улар) баъзи оиласи ойлаларда ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги “зиддият нуқтаси”га айланиб бормоқда (айниқса болалар ўспирин ёшда бўлса). Натижада ўз фарзандини хусусий репетиторлик марказига юбориш – ёки фарзандига мактаб вазифалари ёки ишлари билан боғлиқ масалаларда ёрдам бера оладиган учинчи тарафга йўллаш – оиласидаги зиддиятнинг олдини олиш ва шу йўл билан оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тинч бўлишини таъминлашнинг услубидир. Фарзандлари шуғулланишни истамаётган вақтда уларнинг уй вазифаларини бажаришларига ундей бошлаш ота-оналар учун муаммоли холат ҳисобланади. Мактабда ўтилган мавзунинг бирон бир қисмини тушунмаган ўспиринга ёрдам бериш осон эмас, ҳатто (балки айниқса?) ота-онанинг бири мазкур йўналиш бўйича юқори малакага эга бўлса. Шунинг учун ҳам бундай муаммолар бошқа жойда ўз ечимини топса айни муддао бўлади”.

Ушбу фикрни давом эттирган ҳолда Гласман ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасида “тинчлик ўртаниш” мактабдагинга кўра мактабдан ташқаридаги ҳолатда осонроқ бўлиши мумкин дея қуидагиларни баён этади:

“Мактабдан ташқари тузилмага ўрта бўғим сифатида қараш мумкин бўлиб, у на (юқорида айтилганидек юқори умидлар ва зиддиятларга эга бўлган) оила ва на (баҳоловчи ва баҳо қўювчи ва ҳқз.) мактаб эмас. Бундай оралиқ вазиятда ўқувчилар нимани тушунмаганликларини ёки яхши ўзлаштирган бўлишлари керак бўлсада, бир талай нарсаларни билмасликларини, ёки бўлмаса берилган вазифа устида ишлашлари керак бўлсада унчалик тиришиб ишламаганликларини тан олиб айтишлари мумкин.

Улар ҳаракат қилишлари, хатога йўл қўйишлари ва яна ҳаракат қилишлари мумкин. Шу тариқа аста-секин уларнинг ўзларига бўлган ишончи ортиб боради. Айни чоғда улар ота-оналарининг сабрсиз муомалаларидан ҳамда мактабда чиқарилиши мумкин бўлган ҳукм олдидаги қўрқувдан узоқда бўладилар”.

Бошқа жиҳатдан олиб қараганда репетиторлик ўқувчилар мактабларда ёки оилаларда топишлари мумкин бўлмаган ижтимоий муҳитни тақдим этиши мумкин. Масалан Мисрда ўрта мактабларнинг аксарияти жинс бўйича ажратилган. Хусусий дарслар эса ўқувчиларга дўстлари билан учрашиш имконини беради, айниқса бошқа жинсга мансуб бўлган дўстлари билан. Хартман (Hartmann, 2008, p. 58) ўз ишида репетиторлик маркази бошқарувчиларидан бирининг фикрини келтиради: “Менинг фикримча бу ерга қатнайдиган ўқувчиларнинг тахминан 50 фоизи...чиндан ҳам ниманидир ўрганишни истаганлари учун келадилар, қолган 50 фоизи эса дўстлари билан учрашиш учун келадилар”.

### *Жинс билан боғлиқ жиҳатлар*

Масаланинг жинс билан боғлиқ бўлган жиҳатлари хусусида фикр юритар эканмиз, репетиторлик бошқа кучлар билан ўзгача услубда муносабатда бўлиши мумкин. Бунинг энг яққол қўзга ташланадиган қўринишларидан бири машғулотга қатнашдаги фарқлардир. 2007 йилда ўтказилган ТРХИ форумида Тансел ва Биржан (Tansel and Bircan, 2007, p. 7) таъкидлаганларидек ривожланаётган мамлакатларда таълим борасида қиз болалар ўғил болалардан ортда қолмоқда ва бундан “Туркия мустасно эмас”. Уларнинг фикрича аёлларнинг таълим олишидан кутиладиган иқтисодий қайтим энг камида эркаклар учун кутиладиган фойда билан teng ёки ундан ҳам баланд бўлсада, ота-оналар кўпроқ ўз ўғилларининг таълими учун сармоя ажратишга мойил бўладилар. Бунга сабаб, айнан ўғил фарзандлар ота-оналарнинг ёши ўтган вақтда уларни қўллаб-кувватловчи фарзандлар ҳисобланади. Тансел ва Биржан (Tansel and Bircan, 2007, p. 11) келтирган маълумотларга кўра 2005-2006 йилларда хусусий ўқув марказларида жинслар ўртасидаги тафовут 5 фоиз кўрсаткичини ташкил этган бўлса, умумий давомат бўйича ўғил болалар 52,5 фоизни, қиз болалар эса 47,5 фоизни ташкил этган. Аммо бу фарқ ўрта мактаб битирувчилари бўйича кузатилган фарқдан нисбатан кичикроқ бўлган. Ушбу гурухдаги фарқ 9,2 фоиз кўрсаткичини ташкил этган (ўғил болалар 54,6 фоиз, қиз болалар эса 45,4 фоиз). Бу нуқтаи назардан қараганда хусусий ўқув марказларида жинслар ўртасидаги мувозанат расмий таълим тизими мусассасаларидағинга қараганда яхшироқ эканлиги кузатилади. Бунга сабаблардан бири шундан иборат бўлиши мумкинки, юкори даромадли оилалар ҳам ўғил ва ҳамда қизлари учун репетиторлик хизматини ёллашади ва бундай оилаларда жинслар ўртасида дискриминация нисбатан кам даромадли оилаларга қарагандан озроқ кузатилади.

Юқорида айтилгани каби жинслар ўртасидаги номутаносиблик Ҳиндистонда ҳам мавжудлиги Сужата (Sujatha, 2007) томонидан таъкидланади. У ерда ҳам репетиторларга ўғил болаларнинг нисбатан кўпроқ қатнаши урф-одат ва иқтисодий омиллар қориши маси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Худди шунга ўхшаш ҳолатларни акс этирувчи бошқа мамлакатлардан олинган маълумотлар куйидагилардан иборат:

- *Кенияда* Бучман (Buchmann, 2002, pp. 142–143) расмий таълим тизимида ўқувчилар орасида жинслар мутаносиблиги бўйича сезиларли даражада ривожланишни қайд этган. Шу билан бирга “ишга жойлашиш имкониятлари ва фарзандларнинг кейинчалик қай даражада уй ишларига хисса қўшишлари тўғрисидаги фикрларга асосланган жинслар билан боғлиқ бўлган стереотипларнинг ҳали ҳануз мавжудлиги

ота-оналар ўз қизларининг таълим олишлари учун қўшимча маблағ сарфлашни истамасликларини англатиши мумкин, айниқса оиланинг маблағлари кескин чегараланган бўлса (яъни камбағал оилалар ёки кўп фарзандлик оилалар хусусида гап кетмоқда)”. Бучман талқинига кўра қизлар уй ишлари билан ўғил болаларга нисбатан кўпроқ машғул бўладилар ва айнан шу ҳолат унинг фикрича қиз болаларнинг соядаги таълим тизимида иштирок этишга бўлган имкониятларини чегаралашда асосий рол йўнаган омил ҳисобланади.

- Корея бўйича Ким ва Ли (Kim and Lee, 2008, p. 25) олиб борган тадқиқот натижаларига кўра репетиторликка бўлган талабнинг даромад бўйича эластиклиги даражаси ўғил болалар учун 0,51, қиз болалар учун эса 0,57 ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар шундан далолат берадики, хусусий ўқитиш ўғил болалар учун зарур бўлган харидлардан бири деб қаралса, қиз болаларга келгандан дабдабали харидлардан бири сифатида қаралар экан. Ким ва Лининг таъкидлашича, аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштироки эркакларнинг иштирокига нисбатан сезиларли даражада паст бўлган ва шу сабабли эркаклардан кутиладиган наф даражаси ҳам юқори бўлади.
- Бангладешда Нат (Nath, 2008, p. 58) томонидан бошланғич таълим босқичи бўйича ўтказилган тадқиқотда аниқланишича ўғил болаларнинг 33,8 фоизи хусусий репиторлар машғулотига қатнаса, қизлар орасида бу кўрсаткич бор-йўғи 28,1 фоизни ташкил этган.

Аммо, шунга қарамасдан бундай ҳолатлар ҳамма жойга ҳам хос эмас. Масалан Данг (Dang, 2007, p. 692) Вьетнам бўйича ўтказган тадқиқотида на бошланғич ва на ўрта мактаб босқичларида ўғил ва қиз болалар ўртасида сезиларли даражада тафовут йўқлигини аниқлаган. Шунингдек, Кения бўйича САКМЕК томонидан йиғилган маълумотлар Бучман томонидан йиғилган маълумотларни тасдиқламайди (Paviot et al., 2008, p. 153). Худди шу каби, Элбадави, Ахлбург ва бошқалар (Elbadawy, Ahlburg, et al., 2006) томонидан ўтказилган тадқиқот Мисрда жинслар ўртасида тенгсизлик мавжудлигини аниқламаган. Жинслар ўртасидаги тенгсизлик асосий таълим тизимида мавжуд. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар “1998 йил Миср меҳнат бозори тадқиқоти”дан репетиторлик жабҳасида ушбу тенгсизлик янада сезиларли бўлишини кутишган эди. Уларнинг фикрича бу борада тенгсизликнинг кутилгандан кўра камроқ даражада бўлишлигига сабаб оила қуриш бозорида таълим даражасига бериладиган қиймат билан боғлиқ. Яъни, маълумоти юқорироқ бўлган қизларнинг бойроқ ва/ёки маълумотлироқ эркакларга турмушга чиқиш эҳтимоли кўпроқ. Баъзи мамлакатларда жинслар тенгсизлиги хусусида гап кетганда, бу ҳолат кўпроқ эркаклар эмас, аёллар фойдасига бўлиши кузатилган. Масалан Қирғизистонда Багдасарова ва Ивановларнинг (Bagdasarova and Ivanov, 2009, p. 117) аниқлашича репетиторга қатнайдиган ўқувчиларнинг 65,4 фоизи қизлар, 34,6 фоизи эса ўғил болалар бўлган. Бу ҳолатни тушунтиришда келтирилган асосли омиллардан бири ўқувчиларнинг деярли учдан иккиси зиёли олиларга мансуб бўлиб, уларнинг 65-70 фоизи ота-оналарнинг камида биттаси олий маълумотга эга эканлигини айтганлиги билан боғлиқ. Шунга қарамасдан, бу омил қизлар фойдасига бўлган тенгсизликдан кўра кўпроқ жинслар тенглигини таъминлашга хисса қўшишилиги кутилган бўлишлиги мумкин.

Жинслар билан боғлиқ бўлган масаланинг яна бир тарафи ўқитувчиларга тааллуқли. Баъзи жамиятларда репетиторлик кўпроқ эркак ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Комбоджияда ўтказилган бир тадқиқот натижасида аниқланишича бир қишлоқ мактабидаги 1-3-синф ўқувчилари ўртасида ҳеч ким репетиторга мурожаат қилмаган. Аммо, 4-, 5- ва 6-

синфларга кериб репетиторга қатновчи ўқувчиларнинг нисбати 50, 25 ва 90 фоизни ташкил этган. Нимага 5-синф ўқувчилари бўйича кўрсаткич 4- ёки 6-синф ўқувчиларининг кўрсаткичларидан шунчалик паст бўлғанлиги сўралганда, бунга жавобан бош ўқитувчи мазкур синфга аёл ўқитувчи дарс берганлиги ва у ўз оиласи билан банд бўлғанлиги сабабли мунтазам равишда репетиторлик қила олмаганинги айтган (Bray, 1999b, p. 60). Худди шунга ўхшаш ҳолат Хартман (Hartmann, 2008, p. 68) томонидан баён этилган. Унинг ёзишича Мисрдаги баъзи аёл ўқитувчилар ўз уйларида хусусий машғулотлар ўтсаларда, хусусий ўқув марказларига келганда улар бутунлайича эркак ўқитувчилар томонидан эгалланган. У ушбу ҳолатни қуидагича тушунтиради:

“Аёл ўқитувчилар хусусий дарсларни таклиф этиши эҳтимоли юқори эмаслигининг бир қатор оддий сабаблари мавжуд. Аввало бу аёлларнинг уй ишлари билан машғул бўлишлари сабабли бўш вақтлари ва қувватлари оз қолишлиги билан боғлиқ, айниқса агар улар оиласи бўлса. Бундан ташқари, аёлларнинг бундай фаолияти жамият томонидан яхши қабул қилинмайди. Айниқса ёш, турмушга чиқмаган аёл хусусида гап кетадиган бўлса улар куннинг иккинчи ярмини уйдан ташқарида ўтказишлари, ўқувчиларнинг уйларига боришлари ёки уларни ўз уйларига таклиф этишлари жамият томонидан маъқулланмайди... Шунингдек кўпинча аёл ўқитувчилар ўз турмуш ўртоқлари ёки оила аъзолари томонидан қўллаб-куватланадилар ва шу сабабли уларнинг қўшимча даромадга бўлган эҳтиёжлари эркак ҳамкарабариники каби юқори эмас”.

Албатта дунёning бошқа мамлакатларидаги урф-одатлар турлича. Аммо аксарият ҳолларда эркак ўқитувчилар аёл ўқитувчиларга қараганда бозорни кўпроқ ўрганадилар ва асосий таълим тизимидағи ўқувчиларини репетиторликни қабул қилишга ундейдилар.

### *Қишлоқ/шаҳарда жойлашганлик*

Юқорида тилга олинган ижтимоий тенгизликтининг кўринишларидан яна бири қишлоқ/шаҳарда жойлашганлик билан боғлиқ. Репетиторлик учта асосий сабабга кўра шаҳарларда кўпроқ учрайди. Биринчидан, шаҳар аҳолиси кўпинча нисбатан юқорироқ даромадга эга ва шу сабабли репетиторлар хизматини тўлаш имкониятлари юқорироқ; иккинчидан шаҳарларда ракобат даражаси юқорироқ бўлиб, у ердаги меҳнат бозорлари асосан маошга асосланган ва улар ўз навбатида юқори маълумотни талаб этади; учинчидан шаҳар жойлардаги аҳолининг зичлиги даражаси репетиторлар ўз хизматларини таклиф этишлари учун етарлича катта бўлган бозорни шакллантиради.

2007 йилдаги форум давомида Шарқий Европа ва Осиёда олиб борилган тадқиқот натижалари (Silova, 2007, p. 7) тақдим этилди. 8-жадвалда рўйхати келтирилган 12 мамлакатнинг ҳар бирида репетиторлик қишлоқ жойлардан кўра шаҳар жойларда кенгроқ тарқалган бўлиб, энг катта тафовут 24,2 фоиз кўрсаткичи билан Қозогистонга мансуб бўлган. Шунингдек, Сужата (Sujatha, 2007) томонидан Ҳиндистондаги танланган қишлоқлар бўйича келтирилган маълумотларга кўра қуи ўрта мактаб ўқувчиларининг 29 фоизи репетиторга қатнасалар, шаҳардаги уларнинг тенгкурлари бўйича бу кўрсаткич 64 фоизни ташкил этган (9-жадвалга қаранг.). Ушбу ҳолатлар бир-бирини тўлдирувчи омилларга айланди. Чунки репетиторга қатнамайдиган қишлоқ ўқувчилари асосий таълим системасида ҳам ўзлаштиришлари унчалик осон бўлмагани сабабли уларнинг ўқишини бутунлай ташлаб юбориш эҳтимоли янада ошган.

**8-жадвал.** Шарқий Европа ва Осиёда хусусий репетиторлардан фойдаланиш бўйича қишлоқ ва шаҳар

аҳолиси ўртасидаги тафовутлар, (%)

	<i>Қишлоқ</i>	<i>Шаҳар</i>
Озарбайжон	87.8	95.0
Босния ва Герцоговина	56.9	57.7
Хорватия	50.1	61.6
Грузия	76.9	81.2
Қозоғистон	56.6	70.1
Кирғизистон	37.7	61.9
Литва	54.9	69.7
Монголия	69.8	71.6
Полша	59.9	70.1
Словакия	54.7	58.2
Тожикистон	41.0	49.9
Украина	77.7	82.0

Манбаъ: Silova (2007), p.7.

**9-жадвал.** Ҳиндистоннинг тўртта штатида қишлоқ ва шаҳарлардаги қўйи ўрта мактаб ўқувчиларининг хусусий репетитор хизматидан фойдаланиш нисбати

	<i>Қишлоқ</i>	<i>Шаҳар</i>
Андра Прадеш	20.7	38.7
Керала	66.5	70.6
Махараштра	29.3	72.7
Уттар Прадеш	32.0	52.7
<i>Жаъми</i>	<i>29.0</i>	<i>64.0</i>

N = Қишлоқ: 492; Шаҳар: 2,539

Манбаъ: Sujaatha (2007), p.5.

Ушбу статистик маълумотлар бошқа илмий манбаъларда келтирилган маълумотлар билан ҳамоҳанг. Масалан, “1998 йил Миср меҳнат бозори тадқиқоти” доирасида мамлакатдаги 27 та вилоятнинг 22 тасида истиқомат қилувчи оиласардан 4 816 таси орасида сўровнома ўтказилган. Сўровнома натижаларига кўра қишлоқ жойлардаги ўқувчиларнинг 39,6 фоизи хусусий репетиторлар хизматидан фойдаланса, шаҳар жойлар учун бу кўрсаткич 52,0 фоизни ташкил этган (Elbadawy et al., 2006, p. 16). Ҳар бир бола учун йиллик сарфланадиган маблағ миқдорлари бўйича тафовут янада каттароқ бўлган – қишлоқ жойлар бўйича 188,9 Миср фунти, шаҳар жойлар учун эса 491,5 Миср фунти. Худди шунингдек, Бангладеш бўйича Нат (Nath, 2008, p. 58) томонидан келтирилган маълумотларга кўра қишлоқ жойлардаги бошланғич мактабларнинг 1-синф ўқувчиларидан 19,6 фоизи хусусий репетиторлар машғулотига қатнаши аниқланган бўлса, шаҳар жойлар бўйича ушбу кўрсаткич 43,6 фоизга teng бўлган. Бошланғич мактабнинг якуний босқичи бўлмиш 5-синфда ўқийдиган ўқувчилар орасида эса ўртадаги фарқ янада кенгроқ бўлган: қишлоқларда – 35,6 фоиз, шаҳарларда – 62,2 фоиз. Ушбу статистик маълумотларда ҳам талаб ҳамда таклиф ҳисобга олинган. Бу хусусида Австралиядаги ҳолат бўйича тадқиқот олиб борган Уотсоннинг таъкидлашича (Watson, 2008, p. 10) қишлоқ ва узоқ жойларда репетиторлик хизматлари таклифининг етарли эмаслиги ҳукуматнинг репетиторлик ваучери схемасини тадбиқ этишда сезиларли қийинчиликлар туғдирган. Айни чоғда бундай жойлардаги ўқувчилар стандарт имтиҳонларда муентазам равишда мамлакат бўйича ўртача

кўрсаткичдан паст балларни йиғиб келганлар.

### *Миллат ва ирқ*

Ижтимоий тенгизлизик асосланадиган омиллардан яна бири миллат ва ирқдир. Масалан, Вьетнамда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра 1997-1998 йилларда асосий миллат вакилларидан 37,0 фоизи бошланғич таълим босқичида репетиторлик хизматидан фойдаланган бўлсалар, кам сонли миллат вакиллари бўйича бу кўрсаткич 7,1 фоизни ташкил этган (Dang, 2007, p. 688). Қўйи ўрта таълим босқичида мазкур миллат гуруҳлари бўйича кўрсаткичлар 60,7 ва 19,0 фоизга тенг бўлган; юқори ўрта таълим босқичида эса 78,0 ва 55,9 фоизни ташкил этган.

Бундан фарқли равишда бошқа мамлакатларда кам сонли миллат вакилларининг репетиторлик хизматидан фойдаланиш кўрсаткичи нисбатан юқори бўлиши мумкин. Айрсон ва Рашфортнинг (Ireson and Rushforth, 2005, p. 6) таъкидлашича бозор иқтисодиётига асосланган Англияда келиб чиқиши Жанубий Осиё, Хитой ҳамда Афро-Карип гуруҳларига мансуб бўлган болалар (тадқиқот учун танланган намуна кичик бўлган бўлсада) репетиторларга оқ танли европаликлардан кўра кўпроқ мурожаат қилганлар. Канададаги Ванкувер ва Торонто шаҳарларидаги репетиторлик хизматларининг аксарияти Гонконг, Тайван ҳамда Хитойдан келган эммигрантлар томонидан бошқарилади. Булардан фарқлироқ бўлган АҚШда давлат томонидан бошқарилувчи “Ҳар бир болага эътибор” схемаси остида Афроамерикалик ва испан тилида гапиравчилар гуруҳига мансуб, ўзлаштириш даражаси паст бўлган болалар билан муваффақиятли иш олиб борилган (Zimmer et al., 2007; Mori, 2009).

### *Таълим соҳасига таъсири*

Аксарият соялардан фарқли равишда таълим тизимининг сояси ўзи акс эттираётган асосий танага таъсир кўрсатиши мумкин. Кўплаб мамлакатларда хусусий репетиторлик мактаб материалларини ўзлаштиришга қўшимча имкониятлар яратиш орқали асосий таълим тизимиға ёрдам беришига ишонилади. Аммо, баъзи ҳолларда репетиторлик асосий таълим тизимиға салбий таъсир кўрсатади. Ўзлаштириш даражаси паст бўлган ўқувчиларга ёрдам бериш учун давлат томонидан қўллаб-қувватланувчи репетиторлик схемалари бутунлайича бозор қонун-қоидаларига асосланган репетиторликдан тубдан фарқ қиласди. Албатта бу иккала категория ичida ҳам турли хил кўринишлар бўлиши мумкин. Пойссон (Poisson, 2007) репетиторликнинг таълим соҳасига бўлган таъсирининг кўплаб қирраларини ёритиб берган. Жумладан, мактаб иншоатларидан фойдаланиш, дарс бериш вақти, маърифий жиҳатлар ва педагогика, ўқитувчининг малакаси, ўқувчининг ўзлаштириши, синфдаги жараёнларнинг ўзгариши кабилар бунга мисол бўла олади (шунингдек қаранг Dang and Rogers, 2008, pp. 8-14). Бу мавзу бўйича мисоллар кейинги бўлимда келтирилган.

### *Ўзлаштириши даражаси паст бўлганлар учун давлат ҳомийлигидаги схемалар*

ТРХИ форуми қатнашчилари сафида Англиянинг Болалар, ўқув юртлари ва оилалар вазирлиги (БЎОВ – DCSF) ходими ҳам ташриф буюрган бўлиб, у 2007 йилда иш бошлаган катта синов лойихаси хусусида ҳисобот берди (Taylor, 2007). “Яхши натижаларга эришиш”<sup>3</sup> схемаси болалар ўзлаштиришини рағбатлантириш ҳамда таълимдаги кўрсаткичлар бўйича тенгизликларни қисқартиришга қаратилган индивидуал репетиторлик ёндошувини ҳам ўз ичига олган. Лойиҳадаги тайёргарлик ишлари доирасида лойиҳа муаллифлари Англия,

<sup>3</sup> ‘Making Good Progress’

Австралия ва АҚШда хусусий репетиторликнинг таъсири бўйича маълумотларни таҳлил қилганлар.

Хисоботда тилган олинган Англия бўйича маълумотлар асосан Айрсон (Ireson, 2004) ҳамда Рашфорт (Rushforth, 2005) томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланган. Сўнгти тилга олинган тадқиқотда (4-саҳифа) тадқиқот учун танлаб олинган 6, 11 ва 13 ёшли ўқувчилар намунасида гиларнинг 27 фоизи хусусий репетиторликдан фойдаланишлари маълум қилинган. Тадқиқотчилар кузатувига кўра энг кўп талаб математика ва инглиз тили (6 ёшлилар учун ўқиш ва ёзиш) ҳамда аниқ фанларга бўлган. Шунингдек тадқиқот қуидаги асосий натижаларни кўрсатган:

- Репетитор ёллашга асосий сабаб сифатида синов ва имтиҳонларда яхши натижа кўрсатиш иштиёқи кўрсатилган (ўқувчиларнинг учдан иккиси).
- Ўрта мактаб ўқувчилари баъзан топширилаётган вазифаларни ўз вақтида бажариб бориш ёки айтайлик касаллик сабабли ўтказиб юборилган дарсларни ўзлаштириш учун репетитор ёллар эканлар.
- Репетиторликнинг сифати боланинг ўзлаштиришига таъсир кўрсатиши эҳтимоли юқори бўлиб, репетиторлик дастурлари ўз самарадорлиги бўйича бир-биридан фарқ қилувчи кўп турларга эга.
- Репетиторлик оқ танли ўқувчиларнинг Ўрта таълим умумий шаҳодатномасига (ЎТУШ-GCSE) эришишига кам ёки умуман таъсир кўрсатмаслиги, аммо бошқа ирққа мансуб бўлган ўқувчиларга сезиларли даражада кўпроқ ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган (танланган кичик намуна доирасида бўлсада). Умумий қилиб олганда репетиторликнинг таъсири юқори бўлмаган ижобий таъсирдан иборат. Математика бўйича репетиторлик ЎТУШ га асосан қараганда қиз болалардан кўра ўғил болаларга кўпроқ наф келтирган.

Хусусий репетиторликнинг турлари шу қадар катта бўлганлиги сабабли нима, ким учун ва қандай шароитларда самарали бўлиши бўйича системалаштирилган маълумотлар кўп бўлмаган.

Австралияга эътибор қаратидиган бўлсак, Тейлор (Taylor, 2007, pp 5–6) 2003 йилда “Учинчи синф ўқувчилари учун ўқиш бўйича миллий мезон”га жавоб бермаган болаларга ёрдам бериш бўйича Австралия ҳукуматининг ташабbusи хусусида сўз юритади. Мазкур тизим бундай болаларнинг ота-оналари ёки васийларига фарзандлари учун индивидуал репетиторлик хизматини ёллай олишлари учун қиймати 700 Австралия долларига қадар бўлган ваучерлар тақдим этган (шунингдек қаранг: Watson, 2007, p.6). Ушбу схема мутахассислар томонидан боланинг ўқий олиши бўйича репетиторга қатнашидан олдин ва кейинги ҳолати мунтазам равишда баҳолаб борилган ва шунингдек репетиторлар ҳамда ота-оналар ёки васийларнинг боладаги ўзгариш даражаларини қанчалик хис этганлари бўйича маълумотларни ҳам ҳисобга олганлар. 2003 йилда таҳминан 19000 та 3-синф ўқувчилари қўйилган талабга жавоб бермаганлар (мамлакат бўйича мазкур когортанинг 7,6 фоизи). Улардан 6200 таси схемага қабул қилинган ва 5443 та ўқувчи репетиторлар билан тўлиқ курсни ўтганлар. Баҳолашда кўрсатилишича мазкур схема болаларга чалғимаган ҳолда ўқиш имконини берди ва шу туфайли уларнинг ўз диққатини жамлаш ҳамда ўрганиш қобилиятини ривожланишига сабаб бўлди. Шу билан бирга мазкур схема уларга хижолат бўлиб қолишдан қўрқмасдан ўқиша ёрдам берди ва ўзига бўлган ишончни орттириди. Мактаб ва оиласа алоқадор бўлган турли хил омиллар муваффақиятга эришишда аҳамиятга эга эканлиги,

баъзи штатларда улар жуда муҳим рол ўйнаганлиги маълум қилинган. Масалан, Виктория штатида ўқувчиларнинг 89 фоизи ўртача 1,7 йилда ўқиш бўйича ўзлаштириш даражаларини яхшилашга эришганлар. Аммо шунга қарамасдан мазкур схема синов лойиҳаси бўлган ва бу ўз навбатида якуний хулосаларга келиш учун кўпроқ тажриба талаб этилишини англатади. Уатсон (Watson, 2007, р. 9) бунга қўшимча қилган ҳолда ушбу схеманинг таълим бўйича қўлланилган бошқа услубларга солиштирганда молиявий нұқтаи назардан самарадорлигини таъкидлаш учун мавжуд бўлган маълумотлар етарли бўлмаганини билдиради.

Тейлор томонидан тилга олинган (Taylor, 2007, pp. 6–7) учинчи схема “Ҳар бир болага эътибор” (ҲББЭ) ёндошувининг Чикагода қўлланилиши бўлган. 2005 йилда Чикаго давлат мактаблари (ЧДМ – CPS) 343 та мактабдаги 60 мингдан зиёд ўқувчиларга хизмат кўрсатиш учун 30 та хусусий компаниялар ва агентликлар билан 50 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдорга шартнома тузди. Репетиторлик ҳам тижорий ҳамда нотижорий муассасалар томонидан амалга оширилган. Шу билан бирга ЧДМ ўз дастурига ҳам ҳомийлик қилган бўлиб, репетиторлик тақдим этилган ўқувчиларнинг ярмидан қўпи ушбу дастур томонидан қопланган.

Баҳолаш натижаларига кўра репетитор машғулотига қатнаган болалар бундай машғулотга қатнаш ҳуқуқига эга бўлган, аммо бундан фойдаланмаган болаларга қараганда бир оз яхшироқ натижалар кўрсатганиклари аниқланди. Репетиторлар машғулотига қатнаш ҳуқуқига эга бўлиб, бундан фойдаланган ўқувчилар мазкур дастурда иштирок этгунга қадар ўзлаштириш бўйича энг паст кўрсаткичларга эга бўлганлар. Бир йил давомида ушбу ўқувчилар ўқиш бўйича ўртача 1,09 йиллик, математика бўйича эса 0,94 йиллик ўсишга эга бўлганлар. Бу кўрсаткичлар ушбу ҳуқуққа эга бўлиб ундан фойдаланмаган ўқувчиларнига қараганда баландроқ бўлган, чунки уларнинг кўрсаткичлари ўқиш бўйича 1,03, математика бўйича эса 0,92 га teng бўлган. Айни чоғда репетиторга қатнаган бундай ўқувчиларнинг кўрсаткичлари шаҳар бўйича ўртача кўрсаткич – 1,06 (ўқиш) ва 1,01 (математика)дан паст бўлган. Чикагода олиб борилган тажриба асосида Тейлор тўртта асосий муаммони аниқлайди:

- Репетитор хизматидан фойдаланиш ҳуқуки мактабда бепул овқатланиш ҳуқуки асосида белгиланган. У эса асосан академик эҳтиёж эмас, иқтисодий мавқеъ асосида аниқланган. Болалар қайси фан бўйича репетиторга қатнашларини уларнинг ота-оналари танлаган бўлиб, улар доим ҳам тўғри танловни амалга оширганлар. Ўқитиши хизматларини таклиф этувчи компаниялар реклама ва имтиёзлардан фойдаланган бўлиб, уларнинг баъзиси кўпроқ миқдорда машғулотлар ўтишни таклиф этиганлиги ота-оналарни улар фойдасига қарор қабул қилишига олиб келган. Айни чоғда бундай дарслар билим бериш борасида доимо ҳам фойдали бўлмаган.
- Репетиторлар дарс ўтадиган гурухлар ҳажми жуда турлича бўлган. Баъзан репетиторлик индивидуал аснода ўтказилган бўлсада, аксарият ҳолларда машғулотлар гурухлар учун ўтказилган бўлиб, бундай гурухлардаги болалар сони гоҳо 20 тагача етган.
- Умумий баҳолаш мавжуд бўлмаган ва репетиторлик хизматини кўрсатувчилар ҳеч қандай масъулиятга эга бўлмаганлар. Мактаб ёки исталган бошқа таълим берувчидан фарқли ўлароқ репетитор бола йил якунидаги имтиҳонда кўрсатган ҳар қандай яхши натижаси учун мақтовга сазовор бўлади. Репетиторлик компанияларидан жуда камчилиги дарсларни намуна тарзида ўрганиб чиққанлар ёки баҳолаганлар ва жуда

ҳам озчилиги ота-оналар ёки бош ўқитувчиларни ташвишга солган саволларга жавоб берадилар.

- Болалар ўқитувчиларини репетиторлар сифатида ёллаган компаниялар кўпроқ таъсир кўрсатишга муваффақ бўлдилар. Ушбу ўқитувчиларнинг кўпчилиги репетиторлик қилиш учун уларга тақдим этилган материалларни болаларнинг эҳтиёжига қараб мослаштирганлар. Бундай ўқитувчилар ўқитган ўқувчилар одатда яхшироқ натижа кўрсатганлар, ота-оналарнинг улар тўғрисида билдирган фикри яхшироқ бўлган ва мактабларнинг уларга ишончи нисбатан юқори бўлган.

Ушбу натижаларни ҳисобга олган ҳолда 2007 йилда Англияда ишга туширилган синов лойиҳасида 484 та мактабдаги 2- ва 3- асосий босқичларда ўқувчилар (7 ёшдан 11 ёшгача ҳамда 11 дан 14 ёшгача бўлган болалар)нинг 10 фоизи учун индивидуал репетиторлар машғулоти қийматини 100 фоиз қоплаб бериш назарда тутилган. Бунга 10 соатлик дарс ўтиш ҳамда инглиз тили ва/ёки математика фанлари бўйича мактаб ёки репетитор билан алоқа ўрнатиш учун ажратилувчи 2 соат киради.

Шунга ўхшаш схема Сингапурда ҳам қўлланиб келинмоқда (Tan, 2009, p. 97). 1980 йилларда ҳукумат таълимда натижаларга эришиш борасидаги миллатлар ўртасидаги номутаносиблиқдан ташвишга тушган. Хусусан бунга малай миллатига мансуб бўлган ўқувчиларнинг хитой ёки ҳинд миллатига мансуб бўлган ўқувчиларга қўра заиф ўзлаштиришлари сабаб бўлган. Натижада ҳукумат Малай/мусулмон болалар учун таълим кенгаши (МЕНДАКИ-MENDAKI) га репетиторлик олиб бориш учун маблағ ажратди. Шунингдек ҳукумат мазкур Кенгашга дарс соатларидан кейин давлат мактабларидан фойдаланиш учун рухсат берди ҳамда кўнгилли равишда ёки кам тўлов эвазига ишловчи репетиторларни тайёрлаб берди. Репетиторлик схемалари аввал МЕНДАКИ томонидан, сўнгра эса Сингапур Ҳиндистон тараққиёт ассоциацияси (СХТА-SINDA) томонидан ўрнатилган бўлиб ўлар жуда мустаҳкам мавқеъга ва кучли рекламага иш олиб бордилар (қаранг: MENDAKI, 2009; SINDA, 2009).

Шунингдек ТРХИ форуми давмоида Редди (Reddy, 2007) баён этган Жанубий Африкадаги схема ҳам алоҳида эътиборга лойик. Жанубий Африка фан ва техника вазирлиги (ФТВ- DST) ўрта мактабларда аниқ фанларни ўзлаштиришнинг йўлларини аниқлаш мақсадида репетиторликни кўриб чиқиши талаб қилган. Таҳлил натижасида тақдим этилган тавсияларни ўрганиб чиққач, Вазирлик кам даромадли оиласаларга хизмат кўрсатувчи мактабларга асосий эътиборни қаратишига қарор қилган. Бунда индивидуал репетиторлик назарда тутилган бўлиб, ҳукумат молиявий кўмак учун хусусий секторга мурожаат қилган. Схема номутаносиблиқни қисқартиришга қаратилган ҳамда яхши ўзлаштирмаётган ўқувчиларга ёрдам бериш орқали асосий таълим тизимига таъсир кўрсатиши кутилган, давлат томонидан ҳомийлик қилинувчи ташаббуснинг кўргазмавий намунаси бўлган.

#### *Бозорга асосланган репетиторлик*

Репетиторликнинг бошқа схемалари, мазкур китобнинг олдинги қисмларида маълум этилганидек бутунлайича бозор қонун-қоидаларига асосланган субъектлар томонидан олиб борилади. Улар ҳам болаларнинг ўзлаштиришида ижобий силжишга эришишга ҳаракат қиладилар чунки акс ҳолда уларга бўлган талаб йўқолади. Аммо, ушбу ташаббусларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг баъзилари тақдим этилиши мумкин бўлган далилларга эмас, кўпроқ яхши тасаввур қолдиришни кўзлаган ва маркетингга асосланган ҳолда иш

кўрадилар. Бу соҳада кўп нарса репетиторликнинг табиати ҳамда ўқувчиларнинг ундан фойдаланишга нақадар тайёр эканлигига боғлиқ. Бундан ташқари, баъзи мамлакатларда репетиторлик соҳаси асосий таълим тизимиға зарар етказиши ҳолатлари ҳам бўлган.

Бу борада энг катта муаммо туғдирувчи жиҳатлардан бири хусусий репетиторлик асосий таълимнинг ўрнини босувчига айланиши ҳолатидир. Айниқса битирув имтиҳонларига оз қолган вақтларда баъзи мамлакатлардаги ўқувчилар ўз мактаблари уларнинг маҳсус эҳтиёжларига жавоб бериши қийин деган фикрга борадилар, чунки мактаблар кенгроқ йўналишлардаги талабларга жавоб беришлари лозим ва уларнинг кенгроқ ижтимоий ва сиёсий мақсадлари мавжуд. Туркияда бундай тушунча билан иш тутиш ўзининг энг юқори даражасига эришди. У ерда ўқувчилар мактабга келмаслик учун пора бериб касаллик варақаси сотиб олишга бориб етдилар. Бу айниқса ўқувчилар ўрта ва олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари топширадиган семестрларда кенг тарқалди. Шу йўл билан ўқувчилар асосий таълим муассасидаги дарсларга бормасдан вақтларини хусусий ўқув марказларига қатнаш ёки уйда имтиҳонларга тайёргарлик кўришга сарфлайдилар. Тансел ва Биржан (Tansel and Bircan, 2007, р. 8) таъкидлашларича шундай мавсумда “кўпчилик ўқувчилар касаллик тўғрисидаги сохта варақаларни қўлга киритадилар ва бу уларга расмий таълим тизимидағи дарсларга келмаслик ҳукуқини беради” ва бу ҳолат “кенг тарқалган ва қиммат жараёнга айланди”. 2005 йилда Туркия маърифатчилари уюшмаси (Turkish Union of Educators) ўрта мактаблардаги 1078 та юқори синф ўқувчилари ва 1073 та битирувчи ўртасида сўровнома ўтказди. Улардан имтиҳонларга тайёргарлик кўриш мактаб давоматига қандай таъсир қилганлиги сўралганда, юқори синф ўқувчиларидан 55 фоизи ва ўрта мактаб битирувчиларидан 49 фоизи сохта касаллик варақаси олганликларини маълум қилганлар.

Шунга ўхшаш ҳолатни Озарбайжонда ҳам кузатиш мумкин. Казимзаде (Kazimzade, 2007) таъкидлашича айниқса ўрта мактабнинг битирувчи синфида ўқувчилар одатда мактаб соатлари вақтида репетиторлар машғулотига бориши учун мактабга келмайдилар (яна қаранг: Silova and Kazimzade, 2006, р. 128). Баъзи ўқувчилар мактабга келмаслик аммо журнallарда дарсга қатнашганлар қаторида бўлиш учун ҳатто мактаб раҳбарларига пора ҳам берадиларки, бу вақтда хусусий дарсларга қатнашиш имконига эга бўлсинлар. Обигаду (Obeegadoo, 2007) нинг Мавритания бўйича билдирган фикрини давом эттирган ҳолда Казимзаде бундай мавсумда мактабдаги синф хоналари деярли бўм-бўш бўлиши, чунки ўқувчиларнинг кўпчилиги мактабдан ташқаридаги репетиторлар машғулотига қатнашаётган бўлишини билдирган.

Хусусий репетиторлик машғулотларининг жадаллик даражаси ҳам албатта ўқувчиларнинг ўз фикрини жамлай олиш қўламиға таъсир қилиши мумкин. Ким (Kim, 2007, pp. 16–17) Кореяда репетиторликнинг маҳсус ўрта мактаблар (МЎМ-SPHs)га ўқишига киришга бўлган таъсирини баён этади. Ўқувчилар орасида ўқув марказлари улар кўзлаётган мақсадга кўпроқ мос келадиган машғулотлар таклиф этади деган тушунча кенг тарқалган. Ўқув марказларида кўйиладиган талаблар оғир бўлганлиги сабабли, ўқувчилар кўпинча мактаб соатлари давомида ухлаб қоладилар. Буни ўқувчиларнинг ўзлари тан оладилар (Kim, 2007, р. 17):

“Мактаб ўқитувчилари МЎМга кириш учун харакат қилаётган ўқувчиларин ёқтиромайдилар. Улар дарсга эътибор бермайдилар ва ухлаб ўтирадилар. З-синфнинг иккинчи семестридаги баҳолар МЎМ томонидан эътиборга олинмайди. Шунинг учун ҳам ўқувчилар бу вақтдаги дарсларга эътиборсиз бўлганлиги сабабли ўқитувчилар уларни ёқтиромайди...

МЎМга хужжат топширган барча ўқувчилар юқор ўзлаштириш даражасига эга. Улар мактабдаги дарс давомида берилиб ўқимайдилар. Бу эса синфдаги вазиятни издан чиқаради... Аслида уларнинг қўпчилиги дарс вақтида ухлаб ўтирадилар ёки хусусий ўқув муассасаси томонидан берилган вазифаларни бажариш билан банд бўладилар ва ёки ўzlари учун керак бўлган бошқа нарсаларни ўқиш билан машғул бўладилар... Инглиз тили дарсида уларнинг [МЎМга ариза топширганларнинг] қўпчилиги ухлаб ўтиради. Улар бу мавзуларни ўрганиб бўлган бўлади. Ўқитувчилар ҳам буни биладилар”.

Юқорида тилга олинган масалалар нафақат ўқувчиларнинг диққатини жамлаши масаласи, балки расмий таълим синфларидағи тафовут муаммосини ҳам олдинга суради. Репетиторлик яхши ўзлаштирмаётган ўқувчиларга ёрдам берса, бу одатда ўртадаги тавофутни камайтиради ва бу билан расмий таълим тизимидағи ўқитувчиларга ёрдам беради. Аммо, бозор қоидалари бўйича иш кўрувчи репетиторларнинг аксарияти ўзлаштириш даражаси юқори бўлган ўқувчиларга хизмат қиласди. Бу борада Мавритания мисолида қўйидагича баён этилган (Bah-lalya, 2006, p. 75):

“Баъзи ўқувчилар хусусий репетиторлик [сабоқларини] олиб, бошқалари олмагандан расмий таълимдаги ўқитувчилар янада кучлироқ тафовутни хис этадилар. Қўшимча репетиторлик машғулотлари оддий дарсларни ўзлаштиришга ёрдам бергани ҳолда, у оддий мактаб соатлари давомида таълим олиш ва ўқитишдан чалғитиши мумкин”.

Яна муаммоли масалалардан бири шундан иборат бўлиши мумкинки, хусусий ўқитувчиларнинг педагогик услуби расмий таълимдаги ўқитувчиларнидан фарқ қиласди. Масалан математика фанини оладиган бўлсак, хусусий ўқув марказида ўқувчилар математика масалаларини у билан боғлиқ бўлган математик қонун-қоидаларни тушуниб етган ҳолда эмас, механик равишда ечишни ўрганишлари мумкин. АҚШдаги “Ҳар бир болага эътибор” схемаси қўшимча ўқитиш хизматларининг мактабдаги ўқув дастури билан ҳамоҳанглиги таъминланмаганлиги туфайли танқид қилинди. Танқидчилар бунга қўшимча қилиб репетиторлардан синф ўқитувчилари билан мулоқот ўрнатиш талаб этилмаганлиги ва натижада репетиторлик хизматлари “мактабларнинг муфассал ўқув дастури ишлаб чиқишга бўлган ташкилий салоҳиятининг заифлашувига олиб келган”лигини белгилаганлар (Sunderman, 2006, p. 118).

Албатта ўқитувчилар уларнинг ўқувчилари репетиторлардан дарс олишларини – аксарият ҳолларда бундай дарслар уларнинг ўzlари томонидан берилади – билганлари сабабли асосий дарс соатларида ўқитишга бепарволик билан қарашлари янада ташвишга соловчи муаммо ҳисобланади. Хартман (Hartmann, 2008: 52) Мисрда химия фанидан репетиторга қатновчи ва бу репетитор унинг мактабдаги ўқитувчиси бўлган бир ўқувчининг фикрларини қўйидагича келтиради:

“Динанинг айтишича мактабда болалар дарс вақтида гаплашиб ўтирадилар ёки бошқа фанлардан дарс тайёрлаш билан машғул бўладилалр. “Ҳеч ким эътибор бермайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчи дарсни тўлалигича ўтишга ҳаракат қилмайди. У мавзууни жуда юзаки, икир-чикирларга берилмаган ҳолда баён этиб бериши мумкин. У биз ҳаммамиз хусусий машғулотларга қатнашимизи билади. Шундай экан у нимагаям хавотир олсин?”

Шунингдек, Хартманнинг таъкидлашича (Hartmann, 2008 p.67) қўпчилик ўқитувчилар ўzlари ёзган дарслерлар орқали қўшимча даромад топадилар. Бундай китобларни одатда

бозорда ёки китоб дўконларида сотиб олиш мумкин, аммо улар мактабларда маън этилган чунки улар расмий равишда тасдиқланмаган ва ўқув дастурини ишлаб чиқсан расмий раҳбарлар томонидан назарда тутилган педагогик ёндошувларга путур етказишлари мумкин.

Репетиторлик кўрсатиши мумкин бўлган таъсирнинг бошқа жиҳатлари кейинги қисмда келтирилувчи учта ҳаётий мисолда баён этилган. Унга қадар эса хусусий ўқитиш ва расмий таълим ўртасидаги эҳтимолий боғлиқликлар бўйича Пойссоннинг хулоса чиқариш ёндошувини қўллаб, кўриб чиқишимиз мумкин (10-жадвал).

#### **10-жадвал. Хусусий репетиторликнинг расмий таълимга таъсири**

Таъсир доиралари	Таъсир кўринишлари	
	Ижобий	Салбий
Таълимни молиялаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Бутун дунё бўйлаб таълим га тобора кўпроқ маблағ а жратилмоқда</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Расмий таълим орқали самаралироқ ишлатилиши мумкин бўлган маблағларнинг бошқаларга йўналтирилиши</li> <li>Ўқитувчилар ота-оналарга хусусий ўқитишга пул тўлашлари учун босим ўтказадилар.</li> <li>Даромад солиғи тушумларида йўқотишлар</li> </ul>
Ўқитувчилар даромади	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўқитувчилар учун қўшимча даромад</li> </ul>	
Ўқитувчиларни бошқариш		<ul style="list-style-type: none"> <li>Бошқарув жараёнларининг бузилиши (энг кўп пул ишлаш имконини берадиган ишларга жойлаш учун босим ўтказиш)</li> </ul>
Мактаб моддий базаси дан фойдаланиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мактаб соатларидан кейин мактаб моддий базасидан фойдаланиш даражасининг ошиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Давлат мулкидан шахсий манфаат учун фойдаланиш</li> </ul>
Ўқитиш вақти	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мактабдан кейинги вақтдан унумли фойдаланиш (жу младан яхши назорат килинмаган ёшлар борасида)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Умумий ўқитиш соатларининг камайиши (ўқитувчиларнинг бепарволиги)</li> <li>Ўқитувчилар эътибори улар масъул бўлган, яхши ўзлаштирмаётган синфларга эмас кўпроқ хусусий репетиторликка берилиши</li> </ul>
Таълим таркиби ва педагогика		<ul style="list-style-type: none"> <li>Расмий дарсларда ўқув дастурининг факат бир қи смигина ўтилади</li> <li>Хусусий репетиторлар томонидан қўлланилувчи ё длаб олиш услуби кўчирилади.</li> </ul>
Ўқитувчи фаолияти	<ul style="list-style-type: none"> <li>Расмий таълимдаги ўқитувчиларнинг иш кўлами енгиллашади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўқитувчилар дарс давомида ҳар бир бола етарлича ўзлаштиришини таъминлашга камроқ куч сарфлайди.</li> <li>Репетиторлик қилувчи ўқитувчиларнинг чарчаши ва самарасизлиги</li> <li>Ўқитувчилар репетиторликка кўпроқ эътибор қартиши туфайли расмий ишларига бепарволик билан муносабатда бўлиши (абсентиизм)</li> </ul>
Ўқувчилар ўзлаштириши	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўқувчиларга оддий мактаб куни давомида тақдим этилган материалларни тушунишга ёрдам беради</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ортиқча меҳнат юки ва ўқувчиларнинг холдан тоши</li> <li>Синфдаги фаолиятларга қизиқиш йўқолиши</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўқувчилар репетиторлик машғулотларида лган ўргати услубларда фойдаланган ҳолда механик ра вища иш кўриши</li> <li>Ўқувчилар абсентиизми (бепарвонлиги) даражасин и ортиши</li> </ul>
Синф динамикаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>Суст ўзлаштирувчиларга б ошқа ўқувчиларга етиб ол ишда ёрдам беради</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хусусий репетиторлик синфдаги ҳамжиҳатлиқда иш кўришдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб бо рмоқда</li> <li>Ўқитувчилар томонидан қўлланиладиган ўқитиш ва ўрганиш ёндошувлари репетиторларнинг ёндо шувларига мос келмайди</li> <li>Расмий таълим ўқитувчиларига бўлган хурмат йў қолиши</li> <li>Расмий ўқитувчилар ўз синфларидағи тенгсизликинг ортганини кузатадилар.</li> </ul>
Бахолаш ва танлов тартиблари		<ul style="list-style-type: none"> <li>Репетиторлик туфайли имтиҳонларда кўйилувчи талаблар ортиб бормоқда</li> <li>Олий ўқув юртларига қабул жараёнининг издан ч иқиши</li> </ul>
Ўқувчиларнинг ютуқлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>Яхши ўзлаштирмаётган ўқувчиларнинг яхшироқ натижаларга эришиши</li> <li>Таълим бозорида ўқувчилар ўрганиши ва рақобатба рдошлигининг ортиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўқувчилар орасида ижтимоий тенгсизликнинг ортиши</li> <li>Аълочилар кўшимча машғулотларга қатнаши сабабли ўртадаги фарқнинг ортиши</li> <li>Хусусий дарслар олувчи ўқувчилар ўқитувчиларнинг “ёқимтойи”га айланиши</li> <li>Хусусий дарс олмайдиган ўқувчиларни жазолаш (синовларда қасдан йиқитиши)</li> </ul>
Дарсликлар тайёрлаш ва тарқатиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ишлатилиши қулай ва имтиҳонларга тайёрланишига ёрдам берувчи янги материяллар тайёрлашни рағбатлантириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Дарсликларда “ёдлаб олиш” услубининг илгари суримиши</li> </ul>

Манбаб: Poisson (2007), pp.14–15.

## Учта ҳаётий мисол

Турли мамлакатлардаги мауян ҳолатлар ушбу мавзунинг нақадар мураккаблигини англашга ёрдам беради. Ҳаётий мисоллар келтириш учун кўплаб мамлакатларни танлаб олиш мумкин эди, аммо ушбу мисолларнинг катталигини ҳисобга олган ҳолда факат учта мамлакат билан чегараланишига қарор қилинди. Корея танланишига сабаб бу мамлакатда кенг кўламда хусусий репетиторлик қилиш узун тарихга эга, ҳукуматлар бирин-кетин у билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга турли услублар қўллаганлар, лекин улар доим ҳам унчалик самарали бўлмаган. Мавритания бу борада баъзи жиҳатлар билан Кореяга ўхшаб кетади. Аммо бу мамлакат Кореяга солиштирганда ўрганиш мумкин бўлган жиҳатларга эга. Чунки Мавританияда аҳоли сони камроқ ва айни чоғда урф-одатлар ҳамда асосий ўрин тутувчи репетиторлик кўринишлари ҳам фарқли. Франция танланишига сабаб ушбу мамлакатда ҳукумат хусусий репетиторликни қўллаб-куватлаш учун маҳсус ташкилий

тизимлар ўрнатди ва бу борада яқиндан бери сезиларли ривожланишга эришилмоқда.

### ***Корея***

Сет (Seth, 2002, p. 1) Кореядага таълим хусусида гапирап экан уни “миллий иштиёқ” деб сифатлайди. У кореяликлар баъзан ўзларининг “таълим хасталиги” (шунингдек қаранг: Lee, 2005) деб атовчи ҳолатни тадқиқ этиши натижасида аниқлашича таълим иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг асосий қуроли бўлган ва хусусан 20-асрнинг ўрталарига келиб, хусусий ўқитиш ушбу қуролнинг муҳим қисмларидан бирига айланган. Ким томонидан ТРХИ форумида таъкидланганидек (Kim, 2007, p. 1) ҳисоб-китобларга кўра 2007 йилда ўрта мактаб ўқувчиларининг 63,1 фоизи хусусий дарслар олганлар. Қуи ўрта мактаб босқичида ушбу кўрсаткич 78,4 фоиз бўлган бўлса, бошланғич таълим босқичида у 88,2 фоизни ташкил этган. Кореяда репетиторлик турли хил кўринишларга эга. Масалан, 2007 йили ўрта таълим босқичидаги ўқувчиларнинг 45,5 фоизи “хаквон”лар (*hakwons*) деб аталувчи хусусий муассасаларда ўқиётган бўлса, 25,4 фоизи индивидуал ёки гуруҳларда репетиторлардан сабоқ олганлар, 10,4 фоизи эса компаниялар томонидан тақдим этилган иш жадваллари асосида ўқиганлар ва бунда уларни оила аъзолари назорат қилиб туришгани ҳолда вақти-вақти билан репетиторлар ҳам жалб этилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Яна 5 фоиз ўқувчилар интернет орқали репетиторлардан дарс олганлар (Kim, 2007, p. 7). 2006 йилда оиласаларнинг таълимга сарфлаган умумий ҳаражатлари 24 млрд. АҚШ доллари эквивалентига teng бўлган (Kim and Lee, 2008, p. 3). Бу ўз навбатида Ялпи ички маҳсулотнинг 2,8 фоизига ҳамда давлат томонидан давлат бошланғич ва ўрта таълими учун ажратилган маблағларнинг 80 фоизига teng бўлган.

Ушбу рақамлар ҳам ҳукумат расмийлари ҳамда оддий омма томонидан жуда ҳам турлича қабул қилинди Ким бу борада шундай ёзади (Kim, 2007, p. 1):

“Кореяда ... хусусий қўшимча таълим энг ғашга тегувчи муаммолардан бири. Уни отоналарнинг иқтисодий юкини оғирлаштирганликда, бой ва камбағаллар ўртасидаги фақрни орттирганликда, мактаб ўқув дастурларини издан чиқарганликда, мактаб ўқитувчилари хурматига путур етказганликда ҳамда ўқувчиларнинг мутаносиб ривожланишига зарар етказганликда айблашган”.

Айни чоғда оиласалар томонидан хусусий ўқитишга бўлган талаб ҳам катта ҳамда барқарор. Иккинчи Жаҳон Урушининг сўнгиди, Корея Япония мустамлакасидан озод бўлганида, саводсизлик даражаси жуда юқори ва мамлакат жуда ҳам қашшоқ бўлган. Орадан қирқ йил ўтгач, мамлакат индустрисал трансформацияга эришишга муваффак бўлди ҳамда 1996 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига – яъни таъбир жоиз бўлса ривожланган мамлакатларнинг “бойлар клуби” деб юритилувчи ташкилотга аъзо бўлишни уддалади (Henry, Lingard, et al., 2001, p. 7). Сетнинг кузатишларига кўра (Seth, 2002, p. 3) таълим тизими, жумладан хусусий репетиторликка берилаётган алоҳида эътибор ушбу муваффақиятга эришишга олиб келган асосий омиллардан бири бўлган. Бунга “унинг ўқитувчилар ҳукмини саволга тутиши, қисман ўқув юртларига киришдаги жуда ҳам рақобатли жараёнлар сабаб бўлган кучли рақобат жуда юқори даражада саводхон ҳамда интизомли бўлган ишчи кучи ҳамда капиталистик саноат тузумининг рақобат табиатига тайёр бўлган жамиятни шакллантир..” ганлиги ҳам қисман сабаб бўлган.

*Имтиҳонлар ҳукмронлиги ва муваффақиятсиз ислоҳот*

Япония мустамлакасига қадар бўлган асрлар давомида Кореяда давлат хизматига

қабул қилишда имтиҳондан ўтказиш одати кучли бўлган бўлиб, у давлат хизматидаги лавозимларга эришиш пиллапояларини назорат қилган ҳамда “тор дарвозадан” киришга муваффақ бўлган озчиликка катта мавқеълар ато этган (Zeng, 1999). Ушбу тизим Хитой тизимини мослаштириш асосида яратилган ҳамда Конфуционизм анъаналари билан ҳамоҳанг ҳолатга келтирилган бўлиб, мазкур таълимотда расмий таълим олиш ҳамда илмли бўлиш муҳим ижтимоий рол уйнайди. Аммо ҳозирги имтиҳонлар тизими 20-асрда Япония мустамлакаси остида яратилган бўлиб, у Корея мустақилликка эришгач бироз ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолинган. Ўтган асрнинг 50-йилларида ўрта таълим, юқори таълим ва олий таълим муассасаларига ўқишига киришда жуда кучли имтиҳонлар тадбиқ этилган. Улардан биринчиси айниқса катта аҳамиятга эга бўлиб, у бошланғич мактаб ўқувчиларига катта босим ўтказган. Баъзи мактаблар кечқурунлари ва дам олиш кунлари олиб бориладиган маҳсус пуллик курсларни ташкил эта бошлади. Натижада мактабдан кейинги қўшимча машғулотлар ҳам мактаблар ҳамда ўқитувчилар учун муҳим даромад манбаъига айланди.

Ўқув дастуридан ташқари равишда имтиҳонларга тайёрланишининг бундай услуби болаларни стресс ҳолатига солиши, ота-оналарга молиявий жиҳатдан қўшимча юқ бўлиши ҳамда ижтимоий тенгиззикни кучайтириш сабабидан катта танқидга учради. Таълим вазирлиги томонидан чиқарилган бир қатор расмий ҳужжатларда ушбу йўналишга чек қўйишига буйруқ берилди. 1955 йилда қабул қилинган фармонда Президент Ри Сингман кўплаб мактаблар ва ўқитувчилар “ўқишига киришни истовчилар ҳамда мактабларда мавжуд бўлган таъсир этиш имконияти ўртасидаги номутаносиблиқдан” фойда кўрганликларини айтиб ўтади ва келажакда бундай ҳаракатлар, жумладан ўқув дастуридан ташқаридаги машғулотлар “қонун асосида тўлалигича ўз жазосини олади” деб эълон қиласди (Seth, 2002, р. 143).

Аммо, бундай маън қилишлар катта самара бермади. Шу сабабдан хукумат раҳбарлари таълимнинг турли босқичларида ўқувчиларни танловдан ўтказиш тизимларини ислоҳ қилиш орқали қўшимча ўқитиши камайтиришга қаратилган кейинги қадамни қўйдилар. 1969 йил Сеулда, 1970 йилда бошқа катта шаҳарларда, 1971 йилда эса бутун мамлакат бўйича тадбиқ этилган энг муҳим чоралардан бири ўрта мактаб имтиҳонлари ўрнига эҳтимолий лотареяни тадбиқ этишдан иборат бўлди (Kim, 2004, р. 9). Ушбу ислоҳотдан қўйидаги мақсадлар кўзланган эди:

- Стресс ҳолатини камайтириш орқали болаларнинг нормал ривожланишига имкон берниш
- Бошланғич мактабни тўлалигича бутун эътиборини ўрта мактабга кириш имтиҳонларига тайёргарликка бағишилашининг олдини олиш
- Хусусий ўқитишига бўлган қизиқиши сурайтириш
- Турли хил ўрта мактаблар ўртасидаги фарқларни камайтириш
- Оилалар хис этувчи молиявий ва руҳий босимни камайтириш.

Ушбу чоралар барча ўқувчиларни тўққиз йиллик мажбурий таълим билан таъминлашга қаратилган миллий мақсадга эришиш йўлида мактабга қабул қилиши кенгайтириш бўйича ҳаракатлар билан биргаликда олиб борилди.

Ислоҳот қисман муваффақиятли бўлди, энг камида – қисқа муддатни баҳолаганда. Аммо айни чоғда у бошқа муаммоларни келтириб чиқарди. Мактаблар қабул қилинаётган ўқувчилар орасидаги тафовут даражаларининг янада ошганлигини кўрди ва ўз навбатида ўқитувчилар шунга кўра ўз услубларини мослаштирилар. Ўрта мактабга кириш

имтиҳонлари бекор қилиниб, мактабларга қабул ҳажмининг кенгайтирилганлиги мураккаб имтиҳонлар кейинги босқичга кўчирилганлигини англатар эди. Ҳам иқтидор ҳамда катта мақсадларга эга бўлган ўқувчилар қобилият даражаси турлича бўлган синфлардан иборат бўлган ўрта мактабларда уларнинг талаблари кераклигича қондирилмаётганлигини хис этдилар ва юқори мактабга кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш учун асосий ётиборларини хусусий репетиторлар хизматига қарата бошладилар.

Ушбу ҳолатни кузатгач, 1974 йилда хукумат лотарея тизимини юқори мактабга ўқишга кириш босқичига ҳам тадбиқ этди. 1980 йилда Сеул ва Пусан шаҳарларида тадбиқ этилиши бошланган ушбу чора, 20 та шаҳарда кўлланилди ва 2003 йилга келиб юқори мактаб ўқувчиларининг 73 фоизини қамраб олди (Kim, 2004, p. 9). 1982 йилда аниқ фанлар, хорижий тиллар, спорт ёки бошқа йўналишларда иқтидорга эга бўлган ўқувчилар учун истисно кўринишидаги маҳсус мактаблар ташкил этиш режаси эълон қилинди. Бу қарор лотарея системаси ўрта миёналикни юзага келтирганлиги тўғрисидаги танқидларга жавобан қабул қилинди. 2007 йилда бундай маҳсус мактаблар ўрта таълимдаги жаъми ўқувчиларининг 4,2 фоизига хизмат қилди (Kim, 2007, p. 3).

Айни соғда, юқори мактабга қабул учун рақобатли кириш имтиҳонларининг бекор қилиниши, энг аввало, яна бир бор “чиғирикни” олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига кўчириди. Аслида, ушбу босқичдаги имтиҳонларининг аҳамияти шунчалик кучайдики, у қуйи даражаларга ўз таъсирини кўрсатди. Сет таъкидлашича (Seth, 2002, p. 157) олий ўқув юртига киришга тайёргарликнинг бошланғич нуқтаси “борган сари қуириқ даражаларга кўча бошлади ва охир оқибат болаларнинг аксарияти хусусий дарслар олиш ва мактабдан кейинги курсларга қатнашни бошланғич мактабда бошлаб юбордилар, агар ундан ҳам эртароқ бўлмаса.” Ўрта ва юқори мактабга кириш имтиҳонларининг бекор қилиниши яна юқори мавқеъли ўқув юртлари жойлашган мавзелардаги мактабларда ўқишининг аҳамиятини ҳар доимгидан ҳам кучайтириб юборди. Баъзи мавзеларда жойлашган мактаблар уларнинг битирувчилари олий ўқув юртларига киришда кўпроқ муваффақиятга эришганлиги орқали ҳурмат қозона бошладилар. Бу эса ўз навбатида мазкур мавзедаги қўчмас мулк нархлари ошишига олиб келди. Кейинчалик мазкур ҳурмат ўз-ўзини тўлдирувчига айланди. Чунки бундай мавзелар бойроқ оиласлар яшайдиган анклавларга айланди. Бу оиласлар эса хусусий репетиторлар хизматини bemalol тўлашлари мумкин эди.

### *Таъқиқлаш бўйича янги ҳаракатлар*

1980 йили Чун Ду Хан ҳарбий хукуматнинг янги раҳбари сифатида иш бошлаганида ҳисоб-китобларга кўра бошланғич мактаб ўқувчиларининг 12,9 фоизи, ўрта мактаб ўқувчиларининг 15,3 фоизи ҳамда юқори мактаб ўқувчиларининг 26,2 фоизи хусусий репетиторлардан сабоқ олаётганди (Kim, 2007, p. 1). Ушбу муаммони хал қилишга аҳд қилган Президент Чун олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини ўтказиш ҳуқуқини бундай ўқув юртларининг ўзидан олиб, янги ташкил этилган Олий ўқув юртларига кириш бўлинмасига топширди. У юқори мактабларда дарсдан ташқари машғулотлар ўтказиш ва академик фанлар бўйича хусусий репетиторликни таъқиқлади. Бу бугунга қадар қўлланилган энг қатъий чора бўлди. Хусусий сабоқ бериш фақат спорт, санъат турлари, мусиқа, тэквандо ҳамда гуллар безови бўйича рухсат этилди.

Аммо яна бир бор, мазкур таъқиқловни тадбиқ этиш жуда мушкул бўлиб чиқди. Бу борада Сет (Seth, 2002, p. 186) шундай ёзади:

“Ота-оналар хусусий репетиторликка қўйилган таъқиқловларни четлаб ўтиш учун

қаттиқ ҳаракат қылдилар. Олий ўкув юрти талабаси бўлган репетиторлар хусусий дарс беришга келаётганида ўқувчиларининг уйлари жойлашган бинога киришда гумон туғдирмаслик учун баъзан юқори мактаб ўқувчилари формасини кийишар эди. Баъзи оиласлар репетиторлар уйларни кузатувчиларнинг шубҳасини уйғотмаган ҳолда бир ёки бир нечта оиланинг фарзандларига дарс бера олишлари учун репетиторларга квартиralарни ижарага олиб беришар эди. Кўпинча хордиқ меҳмонхоналари ва оддий меҳмонхоналар ва кўп қаватли уйларга жойлашган хусусий хонадонларда маҳфий хусусий мактаблар фаолият юритар эди. Бойлар ўз фарзандларини хусусий дарслар олишлари учун хорижга юборар эди.”

Мавжуд хатарлар бундай машғулотлар нархини ошириб юборди ва маҳфий репетиторлик кўп даромад келтирувчи касбга айланди.

Бу масала бўйича муросага келиш заруратини хис этан ҳукумат аста-секин мазкур чекловни юмшатиб борди (Yang, 2001):

- 1984 йили юқори мактабнинг юқори синф ўқувчиларига қишки таътил вақтида тил ўқитиши хусусий марказларига қатнашга рухсат берилди. Ўзлаштириш даражаси энг паст бўлган ўқувчилар (энг куйидаги 20 фоиз)га мактаб ўқитувчиларидан қўшимча дарслар олишларига рухсат берилди.
- 1988 йили барча ўқувчиларга мактабларда ўз ўқитувчиларидан пуллик аснода қўшимча дарс олишга рухсат берилди.
- 1989 йили олий ўкув юртлари талabalariiga бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларига дарс беришга рухсат этилд. Шунингдек қўшимча ўкув материаллари ёзилган аудио кассеталар тайёрлаш, сотиб олиш ва ижарага олишга рухсат берилди. Бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчилари таътиллар даврида хусусий ўкув муассасаларига қатнашларига рухсат берилди.
- 1991 йили бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларига академик дарслар олиш учун мактаб мавсумида хусусий ўкув муассасаларига қатнашга рухсат этилди.
- 1996 олий ўкув юртлари битирувчиларига бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларига репетиторлик қилишларига изн берилди.

Чекловларнинг бундай юмшатилиши бу йўналишнинг тез ўсишига ёрдам берди. 1993 йили мамлакат бўйича хусусий ўқитишига 3 410 млрд. Вон (4,3 млрд. АҚШ доллари) сарфланганлиги аниқланган. Ушбу миқдор 1994 йилга келиб 4 696 млрд. Вон, 1995 йилда эса 9 320 млрд. Вонга етди (Yoon et al., 1997, p. 1). Ҳисоб-китобларга кўра 1997 йилга келиб бошланғич, ўрта ва юқори мактаб ўқувчиларининг хусусий машғулотлари учун сарфланган йиллик маблағлар миқдори жон бошига ялпи миллий маҳсулот миқдорининг 12 – 16 фоизига teng келган ва бу Япониядаги шундай кўрсаткичдан 3-4 баравар юқори (Kwak, 1999) бўлган. Репетиторликдан фойдаланиш бошланғич мактаб босқичида айниқса кучли бўлган ва кўпроқ шаҳарларда аниқ кўзга ташлангани ҳолда, қишлоқ жойларда ҳам саломқли кўламга эга бўлди.

Қисман репетиторликдан фойдаланишнинг шу даражада кучайиб кетганлиги сабабли 1997 йилга келиб репетиторликни таъкиқлаш масаласи яна сиёсий мунозаралар кун тартибиغا қайтадан кўйилди. Президент Ким Де Жун 1998 йили лавозимга киришиш нутқида у “ёшларни ўкув дастурларидан ташқари фаолиятлардан кутқариш ва ота-оналарни хусусий репетиторликнинг оғир молиявий юқидан қутқариш”лигини айтди (Yi, 2002, p. 2). 1998 йили ҳукумат ўрта таълимдаги ўқувчилар учун академик репетиторликни яна босқичма-босқич

таъқиқлашини эълон қилди: 1999 йили ўрта мактабнинг қуи синфлари ўқувчиларига ва юқори мактабнинг биринчи йил ўқувчиларига, 2001 йили эса ўрта мактабнинг барча ўқувчиларига репетиторлик қилиш таъқиқланди.

Аммо бу ҳаракат салмоқли ишончсизлик билан қаршиланди. Тандқидчилар репетиторликни енгишни уни фақат кераксизга айлантириш орқали қилиш – яъни репетиторлик орқали қозонилиши мумкин бўлган рақобатдаги устунликни сусайтириш ҳамда расмий таълимнинг сифатини ошириш орқали – амалга ошириш мумкинлигини таъкидлашар эди. Оммавий даврий нашрларнинг бири (*Asiaweek*, 1997, p. 20) да чоп этилган мухаррирнинг мақоласида шундай дейилади:

“Корея ҳукумати раҳбарларининг бошланғич ва ўрта таълимдаги ўз камчиликларини репетиторликни таъқиқлаш орқали ҳал қилишга уринишлари ўғрилик муаммосини барча аҳолини қашшоқ бўлишини таъминлаш орқали ечишга уринишга ўхшайди. Рақобат тобора ортиб бораётган Осиёда қонунларни энг қуи умумий маҳраж манфаатига мос равиша ишлаб чиқишининг ҳеч қандай маъноси йўқ.”

Таъқиқлов бўйича янгидан бошланган ушбу ҳаракат ҳам ўз аждодларидан кўп яшамади. 2000 йили судлар ушбу таъқиқловни конституцияга қарши ҳамда инсон ҳуқуқларининг поймол қилувчи деб эълон қилдилар.

#### *Алтернатив ечимлар излаш*

Тарихдаги тажрибадан келиб чиқкан ҳолда Корея раҳбарияти масалага кенгроқ ёндошишга қарор қилди ва 2004 йили “Давлат таълим тизимини қайта тиклаш орқали хусусий репетиторликка йўналтириувчи ҳаражатларни қисқартириш сиёсати” деб аталувчи ташаббусни илгари сурди. Ҳукумат барча босқичларда давлат таълимини таъминлаш орқали омманинг ижобий фикрини қозонишга ҳаракат қилди. Бунда ҳукумат репетиторликни таъқиқлаш касалликнинг келиб чиқиш сабабларини эмас, фақат унинг белгиларини бартараф этишини англаб етган ҳолда иш кўрди. Мазкур сиёсат доирасида қўйидаги 10 та маҳсус чоралар эълон қилинди (Kim, 2004, p. 22):

1. Электроник таълим дастурлари ёки «Таълим теледастурлари хизмати» телеканали ва интернет орқали олий ўқув юртларига кириш имтиҳони (College Scholastic Ability Test - CSAT) га тайёргарлик қўришга изн бериш;
2. Мактабларга дарслардан кейин ўқувчиларнинг ўзлашириш даражасидан келиб чиқкан ҳолда турли босқичлардаги қўшимча дарслар беришга руҳсат этиш;
3. Ўқув дастуридан ташқари тадбирларни кўпайтириш;
4. Ишловчи аммо фарзандларини болалар марказига юборишга курби етмайдиган ота-оналарнинг бошланғич синфларда ўқийдиган кичкина фарзандлари учун мактабдан кейинги дарслар ташкил этиш;
5. Малакали ўқитувчиларни ишга олиш ва ўқитувчилар фаолиятига баҳо берувчи кенг қамровли тизимни жорий этиш;
6. Ўқитиши ва баҳолаш услубларини ўзгартириш;
7. Ўқувчиларни ўзлашитириш қобилиятларидан келиб чиқкан ҳолда турли хил синфларга ажратишга асосланган ўқитиши тизимини яратиш орқали юқори мактаблардаги тенглаштириш сиёсатини ўзгартриш;
8. Олий ўқув юртларига қабул тизимини юқори мактабларда олинган баҳолар ва дарсдан ташқари тадбирларда қатнашиш даражасига асосий эътиборни қаратиш ва CSAT балларига бўлган эътиборни камайтириш орқали ўзгартриш;

9. Таълимда ўзлаштиришнинг минимал даражасини кафолатлаш;
10. Жамият ва анъаналарга етказилган зарап асосида ҳосил бўлган жароҳатни даволаш.

Мазкур чора-тадбирларнинг баъзилари олдинги ислоҳотларни ортга қайтарди ёки сезиларли даражада янгилашга олиб келди. Олий ўкув юртларига қабул тизимининг янгиланиши мактаблардан берилувчи тавсияномаларга ҳамда мактабдан ташқари тадбирларда қатнашиш даражасига эътибор қаратилиши бошқа ўринларда марказлаштирилган имтиҳон олиш тизимини кучайтириш ва баҳолаш мезонларини стандартлаш орқали коррупцияни камайтиришга бўлган ҳаракатлардан катта фарқ қиласди (Gorgodze, 2007). Хусусий таълим тизимидағи баъзи хусусиятларни расмий таълим тизимиға тадбиқ этишни мақсад этган ҳолда янги ислоҳотларда қўшимча таълим марказларининг машхур маъruzачиларидан баъзиларини ишга олиш ва уларнинг асосий предметлар бўйича телеведиенинг сунъий йўлдош орқали ишловчи каналлари ва интернет орқали бепул дарс беришларини ташкил этиш режалаштирилган эди (Lee, 2007, p. 1228).

Шунингдек юқори мактаблардаги тенглаштириш сиёсатида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ушбу сиёсат 1974 йилда ilk бор тадбиқ этилганида ҳам мантиқан тўғри ҳамда қизиқарли туюлган эди ва бошқа давлатлар томонидан ҳам, ҳеч бўлмаганда ilk назар солинганда тадбиқ этишга лойик чора каби кўриниши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Ким ва Ли (Kim and Lee 2008, p. 29) каби машхур баҳоловчиларнинг мазкур сиёсатни “хусусий таълимга бўлган талабнинг ошишида тўғридан-тўғри айблаш мумкин” деб билдирган фикрларини ўқиши ҳайратга солади. Бошқа баҳоловчилар (масалан, Vuip, 2008) ушбу сиёсатни баҳолашга нисбатан нозикроқ ёндошганлар. Аммо шундай бўлсада, шу нарса маълумки, мазкур сиёсат ҳаётга тадбиқ этилишида ҳам ўз таъсирини кўрсатишда ҳам у қадар қатъийликка роия қилмаган.

#### **11-жадвал.** Хусусий дарслар олувчи ўқувчилар нисбати, Корея, 1980–2007 йй.

	<i>Бошлангич макта б</i>	<i>Ўрта мактаб</i>	<i>Юқори мактаб</i>
1980 й.	12,9	15,3	26,2
1997 й.	72,9	56,0	32,0
2007 й.	88,2	78,4	63,1

Манбась: Kim (2007), 1-бет.

Юқорида келтирилган ўнта маҳсус чоралар ичида қолганларидан катта фарқ қилувчи чора рўйхатдаги сўнгги чора, у ҳам бўлса, “Жамият ва анъаналарга етказилган зарап асосида ҳосил бўлган жароҳатни даволаш” чораси бўлди. Чунки у жуда ҳам умумий бўлиб, уни таърифлаш ёки ҳаётга тадбиқ этиш қийин эди. Кореяда рақобатчилик руҳи ва таълимга бўлган ҳурмат ҳалқнинг қалбига чуқур илдиз отган тушунчалар бўлиб уларни осонликча ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бир қатор ҳукуматлар томонидан олиб борилган ҳаракатларга қарамасдан репетиторлик геометрик прогрессия тезлигига ўсиб борди (11-жадвал). Репетиторлик марказлари (“хаквон”лар) нинг сони 1980 йилда 381 та бўлган бўлса, 2000 йилга келиб 14 043 та, 2007 йилда эса 31 000 тани ташкил қилди (Kim and Lee, 2008, p. 9). Хусусий репетиторлик хизматлари учун йўналтирилган ҳаражатлар даромадлардан кўра тезроқ ўсишда давом этди (Kim and Lee, 2008, p. 3). Шунга қарамасдан Корея ҳукумати хали ҳам ушбу масалага жиддий ёндошишда давом этмоқда. Ли ва Жанг

(Lee and Jang, 2008, p. 15) бу борада ҳақли равишда “сабрли бўлиш ва муаммога узокни кўзлаган ҳолда ёндошиш” лозимлигини ва бу ёндошув “кўп қиррали ва яхлит ёндошув” бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар.

### 3-бокс. Босимларни енгиб ўтиш

Корея ҳукумати мактабларда тенглаштириш сиёсатига кирмайдиган маҳсус юқори мактаблар гурухи ни ташкил қилди. Табийки бундай мактабларга киришни истаганлар ўртасида катта рақобат юзаге ке лган бўлиб, хусусий репетиторлик бу рақобатнинг четлаб ўтиб бўлмайдиган қисмига айланди. Ким Кі (m, 2007) турли оиласалар ушбу босимни енгиб ўтиш учун тутган йўлларни ўрганиб чиқди. Жумладан Да Жунг исмли қиз ва унинг онаси борасида маълумот келтирилган. Мисолда Да Жунгнинг ҳаётида айниқса қизгин давр акс эттирилган; аммо худди шунга ўхшаш босим, бу қадар кучли бўлмасада, Кореялик миллионлаб болаларнинг мактаб даври давомидаги ҳар бир кунига хосдир.

Да Жунг маҳсус юқори мактабга қабул имтиҳонларидан икки ой олдин хусусий ўкув муассасасига ёзилди ва у ерда корейс тили, инглиз тили ва математика фанларидан дарс ола бошлади. У хусусий ўкув в масканига мактабдан кейин, кечги соат 5 да борар ва соат 10 га қадар ўқир эди. У мазкур ўкув муассасининг мустақил машғулот хонасида тунги соат 2 га қадар дарс қилар ва кейин уйга қайтар эди. У тунги соат 3 ларда уйқуга кетар ва эрталаб соат 6 да туриб мактабга жўнар эди.

Да Жунгнинг онаси у қанчалик оз ухлаши хусусида шундай дейди:

Мен уни уйғотишм билан ўрнидан туради. Мен уни уйғотар эканман ўзимни жуда ноқулай хис қиласман. Мен унга раҳмим келганлиги сабабли эрталабки 6.00 да уйғотмадим, унинг жаҳли чиқди. У менга “Сиз кучли бўлишингиз керак. Бу сизга қанчалик қийин бўлмасин, мени уйғотишиз ке рак. Бу менинг фойдам учун керак. Уйғонишм учун мени силташингиз ва ҳаттоқи уришингиз ке рак” деди.

Да Жунгнинг онаси мазкур давр давомида қизининг ҳаёти нақадар оғир бўлганлигини хис этсада, унинг хусусий репетиторда шуғулланишини сармоя деб билади. У бунга бошқа оналар билан учрашиб, уларнинг болалари репетиторларда қандай шуғулланаётганлигини эшитганида яна қайта иқор бўлади.

Да Жунг учун репетиторлик муассасасида шуғулланиш унинг келажақдаги имкониятларини кенгайти ради. Да Жунг у ерда рақобатни хис этди ва янада кучлироқ ўқиди. Аммо, унинг хусусий ўкув муассасига қатнашлиги мактабдаги дарсларга бепарво бўлишиги олиб келди. У хусусий ўкув муассасасид а тунги соат 2 га қадар ушланиб қолиши туфайли кўпинча мактабдаги дарсларда ухлаб қолар эди.

Манбаъ: Ким (Kim, 2007), 7–8-саҳифлар.

## **Мавритания**

Худди Кореядаги ҳамкасабалари каби Мавритания ҳукумати раҳбарлари ҳам узоқ вақт давомида хусусий репетиторлик муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қилдилар ва улар ҳам катта муваффақиятта эриша олмадилар. ТРХИ форумида Мавританиянинг иккита собиқ Таълим вазирлари Армугум Парсурамен (1983-1995) ва Стивен Обигаду (2000-2005) қатнашдилар. Сиёсий қарашлар бўйича улар бир-бирларига рақиб ҳисобланар эдилар, аммо Форум давомида ҳар иккиси ҳам бир овоздан хусусий репетиторлик муаммосини ҳал қилувчи чора-тадбирларни топиш накадар кийин эканлиги хусусида гапирдилар. Улар ўзлари дуч келган муаммолар улардан олдинги ва улардан кейинги вазирларнинг ҳам йўлида учраганлигин таъкидладилар.

Ҳақиқатдан ҳам Мавританияда хусусий репетиторлик билан боғлиқ бўлган муаммолар бир асрдан зиёд вақт давомида диққат эътиборда ҳисобланади. Фундун (Foondun, 2002, p. 488) 1901 йилги асарида ўша вақтда мамлакатда ёлғиз ҳисобланувчи ўғил болалар ўрта мактабининг директори хусусий репетиторликнинг салбий жиҳатларига таъриф берганлиги аммо унинг олдини олиш “бефойда” деб билдирган фикрларини келтиради. Худди шундай фикрлар 1911 йилда Кюрпипдаги Мавритания Қироллик Колледжи директори томонидан билдирилган (Мавритания тилида келтирилган, 1994, 1-2 - сахифалар) бўлиб, у ходимлардан 12 киши ҳафтасига 13 соатдан 33 соатгача хусусий репетиторлик билан шуғулланишини айтган. Фикрининг давомида у шундай дейди:

“Ушбу фаолиятни етарлича бадал тақдим этмасдан бутунлай таъқиқлашнинг иложи йўқ ва менинг фикримча бундай қилишнинг кераги ҳам йўқ. Жаноблар колледж соатларидан ташқаридаги бўш вақтларини истаганларича ўтказишлари мумкин ва уларнинг кимdir бундай тўхтатиши керак деб ўйламайман. Худди шунингдек чегаралаш ўрнатишнинг ҳам иложи йўқ деб ўйлайман. Буни қандай тадбиқ этиш мумкин? Аъзолар иш вақтидан кейинги фаолиятлари назорат қилинmasлиги кераклигини айтиб қаттиқ эътиroz билдиришлари мумкин. Бу фаолиятнинг заарали эканлигига тўлалигича қўшиламан, аммо ушбу муаммони ҳал этиши мумкин бўлган бирон ечимни таклиф қила оламайман”.

Ўттиз йилдан сўнг, 1941 йилда таълим бўйича ҳисботнинг муаллифи ўқитувчилар душанбадан жумага қадар ҳар тунда икки соатдан қўшимча дарс ўтсалар ўз ишларида самарали фаолият кўрсата олмасликларини таъкидлайди. Ҳисботда шундай дейилади (Мавритания тилида келтирилган, 1994. 2-саҳифа):

“Агар ... иш куни етарлича узун бўлмасан, уни узайтириш мумкин. Бутун синф учун хусусий устозлик қилишнинг кераги йўқ; бундай устозлик ўзлаштиришда ортда қолаётган бир нечта болалар учун синф ўқитувчиси томонида бунинг учун унга маош тўланаётган мажбуриятларнинг бир қисми сифатида олиб борилиши керак”.

### *Армугум Парсурамен бошқаруви даври (1983-1995)*

Армугум Парсурамен хусусий репетиторлик масаласи тобора кўпроқ ташвишга солиб бораётган даврда раҳбарлик қилди ва ушбу муаммони бартараф этишга аҳд қилганлигин баён этди. Унинг бошқаруви давом этган ўн йилликнинг бошида чоп этилган Расмий ҳисботда (Mauritius, 1984, p. 15) шундай дейилади:

“Ҳукумат хусусий репетиторликнинг сустеъмол қилинаётганлигидан ташвишда –

айниңса бошланғич мактабларда. Хусусий машғулотлар учун пул түлай олмайдын оиласарнинг фарзандлари мактаб ҳаётининг бошиданоқ қуириқ шароитда бўладилар. Ҳукумат хусусий репетиторликнинг кўлами ва унинг мактабларга кўрсатаётган таъсирини мукаммал тафтишдан ўtkазишни таклиф қилди. Олиб борилажак тадқиқот натижалари бўйича аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилади. Аммо хусусий репетиторликнин заарли таъсирига қарши олиб борилажак фаолиятда асосий эътибор мактаблардаги таълим сифатини оширишга қаратилади. Агар ўқитувчилар ўзларига юклатилган вазифани сидқидилдан ва вижданан бажарадиган бўлсалар, бошланғич мактабларда хусусий репетиторликка бўлган талааб сезиларли даражада камайиши мумкин”.

Тафтиш Мавритания Университетидаги мутаҳассислар гурухи томонидан лозим тарзда олиб борилди. Тадқиқотда 1986 йили хусусий репетиторлар хизматидан фойдаланаётган бошланғич мактаб ўқувчиларнинг нисбати 1-стандарт (синф)да 11,2 фоизни ташкил этган бўлса, 6-стандартга келиб бу нисбат 72,7 фоизга етганлигини аникланди. Ушбу нисбат ўрта мактабнинг 1-формаси (синфи) га келиб 37,3 фоизга тушган, аммо 6-формага етганда яна ўсиб 87,8 фоизни ташкил қилган (Joynathsing, Manzoor, et al. 1988, p. 31 and p. 43). Бошланғич мактабнинг охирги синфларига келиб кўрсаткичларнинг ўсиши ўрта мактаб тизимиға йўл очувчи “Бошланғич таълим шаҳодатномаси”ни олиш учун топширилувчи имтиҳоннинг нақадар муҳим эканлигидан далолат беради. Ушбу босқичдан ўтиб олгач, ўқувчиларнинг хусусий репетиторларга қатнаш нисбати кескин тушиб кетган ва бу ҳол “Мактаб шаҳодатномаси” ва “Юқори мактаб шаҳодатномаси” имтиҳонлари яқинлашгунига қадар давом этган. Мавританияда ўрта мактаб тизими жуда қўп қатламли бўлган ва бошланғич мактаб босқичида хусусий репетиторларга мурожаат қилишга зўр бериш Фундун (Foondun, 1992) ““беш юлдузли” ўрта мактабдан жой эгаллаш учун девоналарча пойга” деб атаган омил орқали кучайиб борган. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилияти қанчалик юқори бўлса, уларнинг хусусий репетиторга қатнаш эҳтимоли шунчалик юқори бўлган.

Репетиторликнинг манзили босқичга қараб ўзгариб борган. Бошланғич мактабдаги репетиторликнинг аксарияти ўқитувчиларинг ўзлари томонидан мактабда олиб борилган ва бунда ўқувчилар хусусий дарслар олиш борасида катта босим хис этганлар. Ўрта мактаб даражасида эса одатда репетиторлик муайян фан ўқитувчиси томонидан олиб борилиб, у доим ҳам мазкур ўқувчининг мактабида ишловчи ўқитувчи бўлмаган. Репетиторлик кичик гурухлар учун ўқитувчиларнинг уйларида, катта гурухлар учун эса ижарага олинган жода ўтказилиши мумкин бўлган. Мавританияда Кореядаги “хаквун”ларга ўхшаш бир нечта муассасалар мавжуд бўлган.

Мавритания Университети томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича аниқ таклифлар бериilmади, аммо қуидагилар аникланди (Joynathsing et al., 1988, pp. 64–66):

- Хусусий репетиторликнинг тарқалиши ўз устида ишлаш тизимининг бир қисми бўлган. Кенг омма мактабда берилаётган билимлар имтиҳонлардан меваффақиятли ўтиш учун етарли эмас деган фикрда бўлган ва натижада ўқувчилар хусусий репетиторларга мурожаат қила бошлаганлар. Аммо ўқувчилари хусусий дарслар олишини билган ўқитувчиларнинг қўпчилиги мактабдаги дарсларда ҳар бир ўқувчи имтиҳонга етарлича тайёр бўлишини таъминлаш бўйича камроқ ҳаракат қилган. Шу тариқа хусусий репетиторликка бўлган эҳтиёж тилаб олинган оғатга айланди.

- Хусусий репетиторлик таълим тизимиға таркибий жиҳатдан ўрнашиб олгач, катта кучга эга бўлган турли манфаатдор томонлар уни қўллаб-кувватлашни истадилар. Ота-оналар репетиторликка фарзандларини ижтимоий ва иқтисодий муваффақиятга элтувчи йўл сифатида қарай бошладилар, ўқитувчилар репетиторликни солиқقا тортилмайдиган даромад манбаъи деб баҳолар эдилар, кенг омма эса репетиторликни солиқ тўловчиларга ҳеч қандай оғирлиги тушмаган ҳолда билим олишни юксалтириш йўли деб ҳисоблар эди. Ушбу сабаблар мавжуд экан репетиторлик қамровини камайтириш бўйича таклифлар самарали бўлишининг эҳтимоли кам эди. Агар бундай таклифлар мактабдаги таълим сифатини ошириш бўйича жиддий чоралар билан биргаликда амалга оширилмаса, ушбу эҳтимол шундай заифлигича қолаверади.
- Хусусий репетиторликка бўлган талабни таълим тизими фаолият кўрсатувчи параметрларни ўзгартириш орқали камайтириш мумкин, масалан, имтиҳонларни олинган билимларни эмас қобилиятни баҳолашга йўналтириш орқали ёки ишга олувчиларни ходимларни ёллашда уларнинг академик малакасига эмас, зукколигини баҳолашга ўргу беришга ундаш орқали. Аммо ислоҳот фақатгина ижтимоий ва иқтисодий воқеъликка асосланган бўлсагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Мазкур омилларни ҳисобга олмаган ҳар қандай ечим инқирозга маҳкум бўлади.

Таълим вазири сифатида Парсурамен Мавритания Университети томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига Парламент томонидан эътибор қаратилишига эришди. Натижада ушбу натижалар 1988 йили Парламентда кучли мунозараларга сабаб бўлди. Парсурамен болалар ҳаддан зиёд қўп соатлар давомида ўқиш билан банд бўлаётганига, репетиторлик машғулотлари олиб борилаётган “даҳшатли шароитларга”, жумладан улар ўқитувчиларнинг гаражларида ва шу каби жойларда олиб борилишига ҳамда кам даромадли оиласарнинг мушкул аҳволда қолганлигига эътиборни жалб этди. Бош вазир мазкур мавзуга эътибор қаратди ва Ота-она – Ўқитувчи Ассоциациялари (Parent-Teacher Associations -PTAs)ни болаларнинг манфаатларини қўзлаган ҳолда мутаносибликни оширишга ёрдам беришга ундади. У шунингдек бошланғич таълимнинг охирги йили сўнгида ўтказиладиган имтиҳонларни сусайтириш ва бу орқали ўрта таълимни кенгайтириш лозимлигини таъкидлadi ҳамда бошланғич мактабгача бўлган босқичдан токи З-стандартгача бўлган давр мобайнида хусусий репетиторликни таъқиқлаш масаласини ўртага қўйди. У сиёсатчилар ўз фарзандларини хусусий репетиторлардан дарс олишга юбормаслик орқали намуна кўрсатишларини таклиф қилди.

Кенг омма учун хукумат “Хусусий репетиторлик бўйича умуммамлакат семинарини” ташкил қилди. Мавритания атига бир миллион аҳолига эга бўлган кичик давлат бўлганлиги сабабли мазкур семинарда қатнашиш бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди. Жумладан ҳам ота-оналар гуруҳлари ҳамда ўқитувчиларнинг уюшмаларидан қатнашувчилар даражаси юқори бўлди. Айни вақтда мазкур тадбир репетиторликнинг нақадар чуқур илдиз отганлигини кўрсатди. Шу сабабли 1989 йилда Вазир қуйидагилар бўйича бир қатор чораларни тадбиқ қилишга қарор берди (Parsuramen, 2007):

- Ёш болаларнинг соғлигини ҳимоя қилиш учун З-стандартгача бўлган босқичларда хусусий репетиторликни таъқиқлаш;
- Дарс жадвалларини стандартларни камайтириш фойдасига қайта кўриб чиқиши,

жумладан фуқаролик асослари, ижодий ва жисмоний таълим ҳамда ўқишига ажратилган соатларни кўпайтириш;

- Репетиторга қатновчи 4-, 5- ва 6-стандартлар ўқувчилари ўқитувчиларнинг уйлари ёки ижарага олинган жойлардаги зич шароитларда эмас мақбул мухитда шуғуланишларига имконият яратиш учун репетиторлик машғулотларини синф хоналарида олиб боришга рұхсат бериш;
- Хусусий репетиторлик гурухларидагиларнинг сони энг кўпи билан 40 дан ортмаслиги ва репетиторлик машғулотларининг хафтасига 10 соатдан ошмаслигини жорий этиш.

Кейинги қадам ушбу тартиб-қоидаларнинг қонунчиликка ўтишидан иборат бўлди. Мазкур қонун лойиҳаси 1991 йили Парламентга ҳавола қилинаётганида Парсурамен ўқитувчилардан репетиторлик бадалини тўлашга қурби етмайдиган ўқувчиларни ҳам қабул қилиш талаб этилажагини ҳамда у “Касбий одоб кодекси”ни ва ушбу чораларни қўллаб-кувватлаши учун “Ўқитувчилар кенгаши”ни жорий этишни режалаштираётганлиги таъкидлаб ўтди. Мунозаралар давомида Парламентнинг мазкур ташаббусга қарши бўлган аъзолари томонидан ушбу чора репетиторлик қилиш хуқуқига эга бўлган 4-6- синфлар ўқитувчилари ва бундай хукуққа эга бўлмаган 1-3- синфлар ўқитувчилари категорияларини келтириб чиқариши билан боғлиқ бўлган таҳликага эътибор беришга чорладилар. Шунингдек улар 4-6- синф ўқувчилари учун репетиторликка давомий тарзда хайриҳоҳ муносабатда бўлиш “ўта даражада номақбул”лиги, чунки у параллел таълим тизими фаолиятини таъминлаб боришини таъкидладилар. Вазир ўз фикрига содиқ қолди ва мунозалардан сўнг қонун қабул қилинди (Parsuramen, 2007).

Ўша йилнинг ўзида параллел равишда рўй берган яна бир ҳодиса бошланғич мактаб босқичида ўзлаштириш бўйича ҳисоботнинг чоп этилиши бўлиб, унда “Бошланғич таълим шаҳодатномаси” (БТШ) учун ўтказилувчи имтиҳонлардаги муваффақиятсизликларга (Manrakhan, Vasishtha,et al., 1991) алоҳида эътибор қаратилган эди. Ҳисоботда репетиторлик кўплаб ота-оналар учун иқтисодий жиҳатдан қўшимча юк бўлсада, уларнинг салмоқли қисми фарзандлари яхши ўрта мактабга жойлашишларини таъминлаш илинжида ушбу юкни кўтаришга рози эканликлари таъкидланган. БТШга талабгорларнинг деярли 70 фоизи репетиторга қатнаганликларини айтган бўлиб бундай қатновлар давомийлиги хафтасига 2 кундан 5 кунгача бўлган. Болаларнинг аксарияти (88 фоизи) битта репетитор ёрдамидан фойдаланган бўлса, 9 фоизи иккита, 3 фоизи эса учта репетиторга қатнаган. БТШ имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган болаларнинг 90 фоизи хусусий репетиторга қатнаган бўлса, имтиҳондан ўта олмаганларнинг ярми репетиторга қатнамаган.

Ушбу рақамларга асослангна ҳолда ва Вазир томонидан ота-оналар эътиборини кучайтиришга қаратилган ҳаракатлар давомида ҳукумат “Хусусий ўқитишидан фойдаланиш ва уни сустеъмол қилиш” деб номланувчи китобчани чоп этди (Mauritius, 1994). Ушбу китобчада тартиб-қоидалар, ёрдам ва талаблар қоришмасидан иборат бўлган жорий сиёсатнинг қисқача баёни келтирилган. 1-3- синфларга хусусий репетиторлик қилишнинг маън этилиши ҳамда бир ҳафтада хусусий машғулотлар соати ва гурухлардаги болалар сонини чегаралаш тартиб-қоидалар қисмига мансуб бўлган. Ёрдам бериш эса хусусий репетиторлик учун мактаб хоналаридан фойдаланишга рұхсат берилиши билан боғлиқ бўлган. Болалар таълим олишга мослаштирилмаган шароитларда азият чекмасликларини таъминлаш билан бар вақтда ушбу чора расмий раҳбарлар ўрнатилган тартиб-қоидаларга қай даражада риоя қилинаётганлигини текширишлари учун ҳам шароит яратди. Талаб қисмига

келсак, унда ўқитувчилар кам даромадли оиласлар фарзандларини ажратиб қўймасликларига қўйилган талаб назарда тутилган.

Кўшимча чоралар сифатида бошланғич ва БТШ имтиҳонлари дастурлари янгиланди ва ўқувчиларнинг битта ўқитувчи боғлиқ бўлиб қолишларининг олдини олиш учун фанларни ўқитиши 4-стандартдан (синфдан) жорий қилинди. Бош ўқитувчилар ва нозирлардан репетиторлик дарсларини олмаётган ўқувчиларни дискриминация қилаётган ўқитувчилар тўғрисида хабар бериш вазифаси юклатилди ҳамда ўрта мактаблар ўртасидаги тафовутларни камайтириш ва бу орқали “беш юлдузли” мактабга кириш борасидаги рақобатни камайтириш бўйича кўшимча чоралар кўрилди.

Тартиб-қоидалар асосан расмий таълим синфларида усиз ҳам масъул бўлган ўқувчиларига хусусий сабоқ берувчи ўқитувчиларга қаратилган эди. Аммо бундай фаолиятларни таъқиқлаш репетиторликнинг бирон кўринишининг олдини олишдан кўра осонроқ бўлиб, 1-3- синф ўқучиларининг ота-оналари орасидаги шухратпастлари хусусий репетиторларни ёллашда давом этдилар. Шунингдек, Парламент аъзоларидан баъзиларининг ташвишлари тўғри бўлиб чиқиб, 1-3-синфларга репетиторлик қилинишининг таъқиқланиши мактаблардаги қатламлар шаклланишини янада кучайтириб юборди. Чунки, Мавритания газетасида талқин этилганидек (*L'Express*, 20 June 1993, quoted by Foondun, 2002, p. 506) куйи синфлар ўқитувчиларига “хусусий репетиторлик бўлмиш мазали тортнинг бир қисмидан баҳраманд бўлиш таъқиқланган” эди. Натижада мактабларда ўқитувчиларнинг юкорироқ синфларни олиш иштиёқидаги ҳаракатлари кескинлашди. ЮНИСЕФнинг 1994 йилда чоп этилган ҳисботида (35-саҳифа) шундай дейилади:

“4-стандартнинг бошида ўқитувчи томонидан ота-оналарга у томонидан ўз ўқувчиларига хусусий сабоқ беришни бошлаганлигини билдирувчи ёзма хабар юбориш оддий ҳолга айланди. *“Faiseurs de boursiers”* (“стипендиянтларни тайёрловчи”) деб номланувчи ўқитувчилар хусусий репетиторликка зўр бердилар. Табиеки, молиявий аҳволи яхши бўлган ота-оналар энг яхши ўқитувчиларнинг якка тартибдаги хусусий сабоқларини сотиб олишлари мумкин. Шу тариқа демократик жамиятдаги тенглаштирувчи, бепул таълим тизими амалиётда олий тоифадагилар тизимига айланиб унда яхши натижалар ва юқори сифатли таълим ўз нархига эга бўлди”.

Парсурамен Таълим вазири сифатидаги ўзининг узоқ йиллик меҳнат фаолиятини 1995 йили якунлади. Ўзининг давомий сайъ-ҳаракатларига қарамасдан икки йилдан сўнг у “муаммо ҳали ҳам мавжуд” эканлигини (Parsuramen, 1997, p. 51) надомат билан тан олди. У “мазкур мушкул муаммони ҳал этиш учун” унинг ўрнига келган инсон қандай янги чоралар қўллашини кўришни кутди.

#### *Кадрес Р. Чедумбарум Пиллай бошқарувни олиши (1997-2000)*

Персураманнинг ўрнига Жеймс Бурти Дэвид келди, аммо у ушбу лавозимда бор-йўғи бир ярим йил ишлади ва репетиторлик муаммоси билан шуғулланмади. Факат Кадресс Р. Чедумбарум Пиллай хусусий репетиторлик ва таълим тизимидағи қатламлар шаклланиши муаммоси билан шуғулланишини давом эттиради. У нисбатан узоқроқ муддатга қаратилган таркибий ислохотларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Жумладан баъзи ўқув муассасалари “беш юлдузли” деб танилиб, бошқалари иккинчи ёки учинчи даражали бўлиб қолатни сусайтиришга давомий равишда ҳаракат қилди. Параллел равишда бошланғич мактаблар

ўртасидаги тафовутни камайтириш бўйича чоралар кўрилди ва бунда ўқувчилар БТШ имтиҳонларида нисбатан бир-бирига тенг бўлган имкониятга эга бўлишини таъминлаш мақсад қилиб қўйилди. Ушбу чора-тадбирлар хукуматнинг 1997 йилдаги ҳисоботидан ўрин олган бўлиб, унда (Mauritius, 1997, p. 28) хусусий репетиторлик “ўта даражада ракобат кучли бўлган таълим тизмининг, ўқитувчилар малакасини ошириш схемасининг йўқлиги, ўқитувчилик касбига энг иқтидорли инсонларни жалб этиш учун шарт-шароитлар ҳозирланмаганлиги ҳамда сифатни таъминлаш тизимининг умуман мавжуд эмаслигининг оқибати”дир деб таъкидланди. Ҳукумат ҳисоботида кескин чоралардан воз кечилган, унда таълим соҳасидаги кенг миқёсда олиб борилажак ислоҳотлар натижасида хусусий репетиторлик муаммоси ўз-ўзидан ҳал бўлиши хусусидаги фикр илгари сурилган. Аммо шунга қарамасдан, мазкур ҳужжатда қўйидагилар назарда тутилган (28-29-саҳифалар):

- Мактаб бино ва иншоатларида хусусий репетиторлик машғулотлари олиб борилишини таъқиқлаш;
- Ўқитувчилардан ўтказилган хусусий машғулотлар тўғрисида маълумот беришни ва унда ўтилган соатлар, катнашган ўқувчилар сони, маълум муддатдаги дарслар сони, вақти ва манзили кабиларни кўрсатишни талаб этиш;
- Дам олиш кунлари ва байрамларда репетиторлик машғулотлари ўтказилишини таъқиқлаш;
- Ўқитувчилар мактаб соатларидан кейин пуллик қўшимча дарслар ўтишларига хайриҳоҳлик қилиш;
- Ўқитувчилар мавқеини қайта кўриб чиқиш;
- Комиссия орқали ўқитувчилар фаолиятини жиддий назорат қилиш ва уларнинг белгиланган мақсад ва стандартларга қатъий риоя қилишларини таъминлаш;
- Ота-оналарга мактабда ўтилган дарслар бўйича қўшимча машғулот ўтказишларига ёрдам бўлиши учун оммавий ахборот материалларини тайёрлаш ва электрон почтадан фойдаланиш;
- Ота-оналар ва оммага хусусий репетиторликнинг заарли таъсири борасида маълумот бериб бориш;
- Ўқитувчилар орасида лавозимни кўтариш масаласи кўрилаётганда бу борада ўрнатилган тартибларга риоя қилинмаганлик ҳолатларини ҳисобга олиш
- Янги «Ўқувчилар ҳукуклари хартияси»га қатъий риоя қилиш.

Мазкур сиёсатнинг олдинги олиб борилган сиёсатдан тубдан фарқ қилувчи жиҳатларидан бири мактаб худудидан фойдаланиш хусусидаги тартиб бўлди. Айтиб ўтилганидек, муқаддам тузумда хукумат томонидан мактаб худудида репетиторлик машғулотлари ўтказилишига рухсат берилган эди ва мазкур чора ушбу фаолиятни очиқка олиб чиқиши ва катта гурухларга машғулотлар уйларда ёки бошқа мос бўлмаган жойларда ўтказилиши хавфининг бартараф этиши билан асосланган эди. Кўзланган мақсадлардан яна бири кичик ёшдаги болаларнинг мактабдан репетиторлик ўтказиладиган манзилгача ўзлари боришлири билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишдан иборат бўлган. Пиллай мазкур сиёсатни бутунлай ортга қайтаришга қарор қилди. Буни у собиқ сиёсат омма мулкини сустестъмол қилинишига йўл берганлиги ҳамда ўқитувчилар ўз ўқувчиларига хусусий дарслар олиш борасида босимни кучайтиришлари эҳтимоли ошганлиги ва бунга сабаб ўқувчиларнинг репетиторликдан қочиш эҳтимоли камроқ бўлганлиги кабилар билан асослаган.

Аммо, Пиллай тез орада унинг саъй-ҳаракатлари ҳаттоқи ҳукумат вакиллари орасида ҳам қарама-қаршиликлар келтириб чиқарганлигига гувоҳ бўлди. У омманинг репетиторликни қўллаб-куватловчи фикрига қулоқ солаётган баъзи вазирлар ва юкори лавозимдаги расмийларга қарама-қарши вазиятга тушиб қолди. Натижада унинг бундай ҳамкасабалари устун келдилар: Пиллай ҳориж сафарига йўл олди ва бу вақт ичидан Маҳкамама унинг сиёсатини бекор қилди.

#### *Стивен Обигаду (2000-2005) бошқарувида ҳаракатларнинг янгиланиши*

Стивен Обигадунинг раҳбарлик даври ундан олдинги ҳамкасбининг фикрларига ўхшаш ҳаракатлар билан бошланди. Бундай ўхшашлик кўрсаткичларидан бири “Бошланғич таълимдаги девоналарча пойгага барҳам бериш” (Mauritius, 2001) номли сиёсий ҳужжатнинг қабул қилиниш бўлди. Мазкур ҳужжатда яна бир бор “юлдузли” мактабларга жойлашиш учун олиб борилаётган рақаботга эътибор қаратар экан (З-саҳифа) тизимни “ҳам ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарига кучли руҳий босим ўтказувчи ва мактабнинг жамиятдаги энг асосий вазифасини бузук кўринишга келтирувчи” деб таърифлайди. Бу даврда қуйигача ислоҳотлар тўплами тадбиқ этилди ((Obeegadoo, 2007, p. 4):

“Давлат ўрта мактабларининг сони икка баравар оширилди, олий тоифали ўрта мактаблар 6-форма колледжларига айлантирилди ва ўрта мактабларга қабул яшаш манзили асосида олиб борилиши йўлга қўйилди ва бу орқали бошланғич мактабни тамомлашдаги имтиҳонларнинг мавқеъи жуда юкори бўлиб кетишига барҳам бериш назарда тутилди. Айни вақтда, мактаб куни узайтирилди ва бу орқали [репетиторлик учун] вақт оз қолдирилди ҳамда барча ўқитувчилар маошига маҳсус қўшимча таклиф этилди. Бундан ташқари, ўзлаштириш даражаси паст бўлган (ва кам таъминланган) болалар учун бепул қўшимча дарслар олиб борилувчи таълим фаолияти ҳудудлари ташкил этилди”.

Аммо ҳукумат мазкур жараёнда қаршилик ҳамда инерцион сустликка дуч келди. ТРХИ форуми давомида Обигаду томонидан бунга келтирилган мисоллардан бири қонунчилик тизими билан боғлиқ. Ўзи олий тоифадаги адвокат бўлганлиги сабабли Обигаду қонунчилик тизимидан фойдаланишга жиддий эътибор берди. Унга ота-оналардан кўплаб аризалар келиб тушар эди ва охири у мазкур аризалар ичидан репетиторни судга беришга қаратилган бирини топди. Аммо мазкур суд жараённи икки йил давом этди ва охир оқибатда Давлат прокуратураси директори бу ишда чора кўрилиши керак бўлган асос йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Инерцион ҳаракат билан боғлиқ бўлган яна бир холат Обигадунинг ўз ҳамкасабалари билан боғлиқ бўлди. Репетиторликни камайтиришга қаратилган тизимни ишлаб чиқиши устида қаттиқ иш олиб борар экан у нима учун жараён бунчалик суст кетаётганлигини тушуна олмас эди. Охири у Таълим ва илмий тадқиқот вазирлигига ишловчи ўзининг маслаҳатчилари репетиторлик қилишлари ва мавжуд тизимдан наф кўраётганликларини аниқлади. Мазкур маслаҳатчилар таълим тизимида ўқитувчилар, директорлар ва ундан кейин Вазирлик ходимлари сифатида ишлаб кўтарилган бўлганлиги сабабли репетитор сифатида яхши нархда иш олиб боришлари учун етарли обрў ва ҳурматга эга бўлганлар.

Обигаду томонидан ТРХИ форумида айтилган, мазкур ҳолатлардан тубдан фарқ қилувчи бир мисол репетиторлик қилишни истамаган ўқитувчи билан боғлиқ бўлди. Ушбу ўқитувчи ўз бўш вақтини сарфлаш учун янада фойдалироқ юмушлари борлигин айтиб репетиторликдан бош тортган. Ота-оналарнинг эса бундан жаҳллари чиққан. Чунки улар

фарзандларига репетитор лозимл, ўқитувчи эса буни рад этиш орқали ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошайпти деган фикрда бўлганлар. Натижада мазкур ўқитувчи бошқа мактабга ўтказилишига тўғри келган. Обигадунинг айтишича бундай воқеалар оддий ҳолатга айланди.

Буни асословчи рақамлар мавжуд бўлмасада, Обигадунинг айтишича у тадбиқ этган чоралар натижасида бошлангич мактабларда репетиторликка бўлган талаб даражаси тушган. Аммо, бу кўрсаткич шунда ҳам юқори даражада қолган. Таълим тизими бўйича тайёрланган ҳисоботда (Bah-lalya, 2006, p. 75) шундай дейилади:

“Сўровномада қатнашган респондентлар таъкидлашича болалар ва ота-оналарнинг фикрига кўра агар [хусусий репетиторга қатнамасалар] улар ўқув дастурини ўзлаштира олмайдилар. Табийки, нисбатан кўпроқ муваффакиятга эришган ўқитувчилар ўз билимлари маркетинги билан ҳам шуғулланганлар ва бу ўз дарсликларини ишлаб чиқиш ва ўқувчилар уларни репетиторликнинг бир қисми сифатида сотиб олишларини таъминлашдан иборат бўлган. Ҳисоботда айтилишича хусусий репетиторлик ва ўз дарсликларини сотиш орқали ўқитувчилар ўз маошларидан икки баравардан ҳам зиёдроқ микдорда даромад кўришлари мумкин бўлган. Бунинг оқибатларидан бири шундан иборат бўлганки, Вазирлик ва бош ўқитувчилар мактаб ўқитувчиларининг мактаб соатларидан кейин хизмат кўрсатишлари, ота-оналар билан учрашишлари ёки шунга ўхшаш мактабдан ташқари фаолият олиб боришлари учун вақт топиш имкониятлари кам бўлган ёки деярли бўлмаган. Ўқитувчилар ҳам ўз навбатида ўз вақтлари ва хусусий репетиторлик қилишларига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ташаббус ёки ислоҳотга жиддий қаршилик кўрсатганлар. Ўқувчиларда мактабдан кейинги фаолиятларда қатнашиш иштиёқи бўлмаган. Қисқа қилиб айтганда, кўшимча машғулот олиб бориш паразит юмушга айланиб, бошқа мақсадда яхшироқ ишлатилиши мумкин бўлган ҳам молиявий маблағлар ҳамда инсон ресурсларининг исроф қиласиган тузокқа айланиб қолиши мумкин бўлган”.

Аммо мавжуд яққол муаммолар ва Стивен Обигадунинг ҳаракатларига қарамасдан, турли хил манфаатдор тарафларнинг позицияси кучлилигича қолди. ТРХИ форумида Обигаду таъкидлаганидек унинг бошқарув даврида мунозараларга сабаб бўлган ислоҳотлар кейинчалик бекор қилинди ва натижада хусусий репетиторликка янгича куч тақдим этилди.

### *Кейинги чоралар*

Стивен Обигадунинг ўрнига 2005 йили Дарам Гокхул тайинланди. У бошқа партия аъзоси бўлиб, ундан олдинги ҳамкасбининг сиёсатини танқид қилган бўлсада, ўзи алтернатив чоралар топиши осон бўлмади. Репетиторлик ўтказиш учун жойлар масаласи бўйича ўқитувчиларга яна мактаб биносидан фойдаланишга рухсат берилди, аммо улар мазкур хизмат учун бадал тўлашлари керак бўлди (Bah-lalya, 2006, p. 94). Гокхулнинг таъкидлашича (2006, pp. 4–5) хусусий репетиторлик “билим олиш жараёнини бузади” ва “таълимдан қўзланган асосий мақсадга путур етказади”. У таклиф қилган чора яна бир бор ўқув дастури, айниқса БТШ имтиҳонлари устида иш олиб бориш бўлди. Ваҳоланки омманинг баъзи вакиллари (масалан, Mahadeo, 2008) тарихни эслатиб, бу жараён нима учун бунча узоқ вақт давом этаётганлиги хусусида савол бера бошладилар ва қўйилган мақсадга осонлик билан эришиш мумкинлигига ишончсизлик билдирилар.

Айниқса мазкур китобнинг мавзусига мос келувчи бир мақола Мавритания

матбуотида эълон қилинган. Унда ТРХИ форумининг мазкур масаладан хабардорлиги ва мавжуд ҳолат бўйича фикрларини баён этилган (Etienne, 2007). ТРХИ тадбирига таъриф бериш билан бошланган мақолада “таълим бўйича бир талай мутахассислар Парижда тўпланиб ... кўпчилик [хусусий репетиторликнинг] “лозим бўлган зарари” деб юритувчи жиҳати бўйича мунозара олиб боришга аҳд қилганлар” дейилади. Форумнинг мавзусига “Мавританиядаги ҳолатга айниқса тааллуқли” деб баҳо берилиб, мамлакатда репетиторлик “ҳам педагогик ҳамда иқтисодий таъсирга эга бўлган оғат”га айланганлиги айтилади. Мақоланинг давомида қуйидагича сатрлар мавжуд:

“Мавританияда хусусий репетиторлик билан боғлиқ бўлган асосий муаммо у хусусийликка умуман алоқаси йўқлигидан иборат. Репетиторлик болаларнинг кичик гурухлари мактабда ўрганган мавзулари бўйича савол беришларига имкон яратувчи жой ва вақт бўлишнинг ўрнига, аксарият ҳолларда у қирқталаб болалар бир вақтнинг ўзида ўқитувчининг гаражида тиқилиб ўтирадиган ҳолатга айланди. Хусусий ўқитувчи баъзи фанларни яхши ўзлаштиrolмаётган ўқувчиларга ёрдам бериш ва бир вақтнинг ўзида 2-3 та бола билан шуғуланишга ортиқча вақти ва сабри бўлган ўқитувчилар учун яратилган бўлиши лозим эди. Мавританияда олиб борилувчи репетиторлик машғулотларининг аксарияти ушбу моделдан жуда ҳам узоқда...

Фақат тизимни қайтадан кўриб чиқилишгина репетиторликнинг мавжуд кўринишини заифлаштириши ёки унга барҳам бериши мумкин. Айни вақтда репетиторлик шундай мудҳиш доирага айланганки, ота-оналар фарзандларини хусусий репетиторга юбормасликка жазм қила олмайдилар чунки ота-оналарнинг деярли ярми ўз фарзандларини репетиторга юборади. Натижада агар бола репетиторга бормаса у бошқа болалар олдида заифроқ билим ва имкониятларга эга бўлади. Бунинг устига, баъзи ўқитувчилар мактаб соатлари мобайнида дарс беришга унчалик жиддий ёндошмасликлари мумкин, чунки улар ўқувчилари хусусий машғулотлар давомида мавзуни ўзлаштириб олишларини биладилар”.

Бундай жиддий қайта қуриш дастури Гокхулдан кейинги Вазир – Васант Бунвари (Mauritius, 2008) томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур хужжатда (39-саҳифа) “таълим соҳасини белгиловчи кучли рақобат”га эътибор қаратилади ва таълим табиати ва баҳолаш услубларига жиддий ўзгартиришлар киритиш лозимлиги таъкидланади. Ҳисоботда “хусусий репетиторликка бўлган эҳтиёжни йўқотиш томон босқичма-босқич харакат; хусусий репетиторлик бошланғич таълимнинг фақат учинчи доираси (яъни 5-6-стандартлар)дан муайян муддатга рухсат этилажаги” каби вазифаларни белгилаб берди (12-саҳифа). Бу йўналишда “Zones d’Éducation Prioritaires”<sup>4</sup> (ZEPs) тизимида баъзи натижаларга эришилганлиги хабар берилган бўлиб, мазкур тизим нисбатан қолоқ минтақаларда ижобий аралашув орқали ижтимоий тенгсизликка қарши курашишга қаратилган. Ҳисоботда айтилишича, ўқувчиларнинг имтиҳонлардаги натижалари бўйича қаралганда жараён суст кетаётганлиги аниқланган, аммо таълим бўйича умумий ёндошувда, мактаб ва ҳамжамият ҳамкорлигига ва ота-оналарнинг фаол иштироки каби йўналишларда яхши амалиётлар шаккланаётганлигига ургу берилган. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад ўқитувчиларнинг касбий малакасини ошириш ва ўқув дастурларини ислоҳ қилиш орқали мактабларни “ҳақиқий билим олиш масканлари”га (85-саҳифа) айлантириш ва шу тариқа репетиторликка қарамлик даражасини камайтиришдан иборат.

Мазкур хужжатдан сўнг, ундаги ғояларга асосланган ҳолда Вазир Бунвари 2009 йилда

<sup>4</sup> Французча: “Таълим устиворлиги худудлари” (тарж.)

кейинги йилдан 4-стандартни тамомламаган болаларга хусусий сабоқ бериш таъкиланишини эълон қилди (Meetarbhan, 2009). Шу тариқа мазкур чора 18 йил олдин Вазир Парсурен ташаббусининг кучли акс-садоси сифатида майдонга чиқди. Аммо, ўқитувчилар уюшмаси дарҳол кучли эътиroz билдирилар (Hilbert, 2009), шунинdek омма фикри ҳам мазкур сиёsatдан кўзланган мақсадларга етиш бундан олдинги даврлардаги ҳаракатлардан осон бўлmasлигидан далолат берди. Мавритания хусусий репетиторликнинг ҳам симптомлари ҳамда сабабларига қарши курашиш бўйича илгари сурилган ташабbusлар борасида узоқ тарихга эга. Аммо ҳар бир ўнг йилликда сиёsatчилар мазкур анъана чуқур илдиз отганлиги ва уни ўзгартириш осон эмаслигини бирма-бир тушуниб етдилар.

#### **4-бокс Нима учун Мавританияда хусусий репетиторлик бунчалик кучли?**

Тарихан Мавритания таълим тизими доимо жуда кучли танлов ва рақобатга асосланган бўлган ва бундан қўйидагилар кўзланган: (а) ўрта таълим босқичида аъло даражадаги ўқув юртларига кириш (бу ўз-ўзини кувватлаб борувчи афсонага айланиб бормоқда), ва (б) хориждаги университетларда ўқиш учун ҳукумат томонидан ажратилувчи стипендияларни кўлга киритиши.

Хозирги замонда репетиторликка бўлган талаб хали ҳануз таълим танловга асосланган фаолият бўлиб, у ҳаддан зиёд оғир ўқув дастурлари ва “яхширок” деб ишонилувчи университетларга киришда муҳим рол ўйнайдиган юқори мавқеъдаги имтиҳонларга асосланган эканлигидан далолат беради. Шу тариқа репетиторлик ракобатда кучли жиҳатларга эга бўлишни таъминловчи воситага айланган. Репетиторликка бўлган талаб шу қадар кучлини, репетиторлик қилишни истамайдиган ўрта мактаб ўқитувчилари муаммоларга дуч келиши эҳтимоли юқори.

Таклиф томонидан қаралса, нисбатан паст бўлган маошлар репетиторлик қилишга ундовчи омил хисобланади. 2002 йили бошланғич мактабда иш бошлаган ўқитувчининг ойлик маоши жон бошига ЯИМ нинг 80 фоизига тенг бўлган. Таққослаш учун шуни айтиш мумкинки, бу кўрсаткич ИҲРТ га аъзо бўлган мамлакатларда 170 фоизни ташкил этади, жон бошига ЯИМ бўйича Мавритания билан бир хил даражадаги мамлакатларда – 200 фоизни ташкил этган. Репетиторлик орқали бошланғич мактаб ўқитувчилари ўз даромадларини икки ёки уч баравар ошириш имконига эга бўладилар.

Манбаъ: Obeegadoo (2007), p.2.

### **Франция**

Корея ва Мавританиядан фарқли ўлароқ Францияда репетиторлик соҳаси нафақат ижтимоий ва иқтисодий кучлар, балки ҳукумат ташабbusлари томонидан қўллаб-кувватланган. Бунга оиласларга қўшимча машғулотларни коплаш учун берилувчи солиқ имтиёzlари ҳам киради. Бундай ташабbusлар орқали ҳукумат таълим бўйича эришилувчи натижаларни юксалтириш ва буни молиявий харажатларни биргаликда қоплашни мақсад қилиб қўйган.

Францияда хусусий репетиторлик бўйича илк катта тадқиқот Гласман ва Колонгес (Glasman and Collonges, 1994) томонидан олиб борилган. Уларнинг китобида репетиторлик тарихи энг камида ўтган асрга бориб тақалиши таъкидланади, аммо таълим тизимининг кенгайиши ва қамровининг ошиши билан репетиторликнинг кўриниши сезиларли даражада ўзгарганлиги айтилади. Гласман ва Колонгес хусусий репетиторликнинг табиати ва ролини ижтимоий рақобат ва қатламлашув нуқтаи назаридан таҳлил қиласдилар. Уларнинг китоби Рона Алплари худудидаги 12 та лицейда ўқувчи 9 400 та талабалардан йиғилган маълумотларга асосланган. Талабаларнинг ўртача 15 фоизи репетиторлардан сабоқ олиши ва

яна 10 фоизи келажакда бундай қилишни режалаштираётганды, 36 фоизи эса ўрта мактабда ўқиб юрган даврида маълум вақт репетиторга қатнаганлиги аниқланган (Glasman and Collonges, 1994, p. 30). Талаб энг юкори бўлган фанлар қаторига математика (57 фоиз), физика ва химия (20 фоиз) ва француз тили (5 фоиз) кирган. Репетиторлик кичик шаҳарлардан кўра каттароқ шаҳарларда кўпроқ олиб борилган ҳамда репетиторга қатнаш давлат мактабларида ўқийдиган болаларга нисбатан хусусий мактабларда ўқийдиган болалар орасида кенгроқ тарқалган.

Мазкур тадқиқот ўтказилгандан кейин ўтган вақт давомида репетиторлик ҳам ўси ҳамда таркибий жиҳатдан кенгайди. Ўн йилдан сўнг Гласман (Glasman, 2004) ушбу мавзуга Миллий таълим вазирлиги ҳамда Олий таълим ва тадқиқот вазирлиги томонидан топширилган “Haut conseil à l’évaluation de l’école” [Мактабни баҳолаш олий Кенгаси] (МБОК) ҳисоботида қайтади. Ҳисоботда (51-саҳифа) ҳукумат томонидан оилаларга уй юмушлари, бола парвариши ва хусусий репетиторлар билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар асосида даромад солигини камайтиришга ариза бериш рухсат этилиши кўрсатган таъсир хусусида сўз юритилади. Бу Таълим вазири эмас Ижтимоий бирдамлик вазири томонидан таклиф этилган ташаббуснинг бир қисми ўлароқ тадбиқ этилган эди. Мазкур вазирлик ёлғиз ота-оналар ва бошқаларга ёрдам бериш ҳамда баъзи касбларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлашни истаган. Чора натижада масаланинг молиявий тарафини ўйлаб репетиторларга мурожаат қиласаётган баъзи ота-оналарга туртки бўлиб хизмат қилган. Аммо бундай қарор хали ҳам қандайдир молиявий ҳаражатлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли репетиторларга шундаям фақат бошқа баъзи ҳаражатлардан воз кечишга тайёр бўлган оилаларгина мурожаат қилар эди. Кўплаб тадбиркорлик субъектлари ушбу қонундан нафланишга муяссар бўлдилар. Бу борада репетиторлик хизматлари бозорида Акадомия деб номланувчи компания етакчилик қилар эди. Ушбу компания қимматли қоғозлар биржасида рўйхатдан ўтган бўлиб, ўз хизматларини агрессив равишда реклама қилар ва бунда асосий эътиборни солик тўлашдаги имтиёзларга қаратар эди.

Гласман ҳисоботи чоп этилгандан сўнг бир йил ўтгач МБОК бу борада ўз изохларини эълон қилди (Forrestier, 2005). Хусусан МБОК масаланинг ижтимоий тенгсизлик билан боғлиқ бўлган жиҳатларига урғу берар экан мониторинг ўтказишга эҳтиёж мавжудлигини таъкидлади. Бунга жавоб тарзида ҳукумат репетиторлик ва ахборот ва коммуникация технологиялари (АҚТ) жабҳасидаги имкониятлар тенгсизлиги мавзусида семинар ташкил қилди. Семинар интернет хужжатлар манбаълари томонидан қўллаб-қувватланди ва бир қатор тартиб-қоидалар ўрнатилишига сабаб бўлди (Bassy et al., 2006).

Ўша йилнинг ўзида Кавет томонидан (Cavet, 2006) “Institut national de recherche pédagogique (INRP)” номидан хужжатлар манбаълари билан боғлиқ равишида тайёрланган кейинги чуқур таҳлил тақдим этилди. Ҳужжатда 2003 йилда олиб борилган расмий сўровномада тўпланган маълумотларга эътибор қаратилади. Мазкур маълумотларга кўра хусусий репетиторликдан асосан ўрта мактаб босқичида фойдаланилиши ва таълим босқичи ортиб бориши билан репетиторга қатнаш жараёни ҳам кучайиб бориши кўрсатилади. Қуйи юкори мактаб ўқувчилари бирон бир фанни (айниқса математикани) ўзлаштиришда қийинчилик сезганларида репетиторга мурожаат қиласалар, 25 фоизи аллақачон яхши кўрсаткичларга эга бўлганлар ва репетиторликка аъло даражага эришиш стратегиясининг бир қисми сифатида қараганлар (Cavet, 2006, p. 2). Камдан кам ҳолларда хусусий дарслар олиш қарорини қабул қилишда ўқитувчиларнинг қўли бўлган. Аксарият ҳолларда бундай ҳаракат ота-оналар томонидан ёки баъзи (юкори мактабнинг қуйи синфларида 23%, юкори

синфларида – 40%) холларда ўқувчиларнинг ўзлари томонидан бошланган. Репетиторликка сармоя ажратувчи ота-оналарнинг аксарият қисми ижтимоий жиҳатдан юқори синфларга мансуб бўлган ва улар репетиторларга мурожаат қилишига асосий сабаб ёки ўзларининг вақтлари бўлмаганлиги ёки ўқув дастурини уддалашга қурби етишига иккиланишидан иборат бўлган. Хусусий дарслар камдан кам холларда оддий ўқитувчи томонидан олиб борилган. Аксарият холларда репетиторлик бошқа талабалар (34 %), бошқа ўқитувчи (31 %) ёки хусусий муассаса (21 %) томонидан олиб борилган. Кавет (Cavet, p.4) Гласман билан олиб борилган сухбатдан бир парча келтиради, унда Гласман баъзан ота-оналар фарзандлари билан ўртасидаги зиддиятли ҳолатлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида репетитор ёллашини баён қиласди. У билим олишдаги кўникмалар билан боғлиқ бўлган можаролар билан оила аъзоси бўлмаган инсон шуғулланишига изн бериш оиласидаги муносабатларнинг уйғун бўлишига ёрдам бериши кузатилганлигини билдиради.

Яна бир ҳужжат 2007 йили, бозор таҳлили билан шуғулланувчи компания томонидан чоп этилган. Мазкур ҳисоботда (Melot, 2007, p. 104) ушбу тармоқнинг ривожланишига “портловчи” талқини берилади ва яна “мактаб тизимидағи камчиликларга дуч келган ота-оналарнинг ташвишга тушуши туфайли кескин ривожланган, шунингдек ... солиқлар нуқтаи назаридан юқори даражада қулай мухитга эга бўлган хусусий репетиторлик учун 2006 йил 15 фоизлик ўсиш узлуксиз давом этайдиган олтинчи йил бўлди” дейилади. Репетиторлик бозорининг умумий ҳажми борасида Мелот ўрта мактаб қуий синфлари ўқувчиларининг 25 фоизи ва юқори синф ўқувчиларининг 33 фоизи репетиторларга қатнаши, бунда айниқса математика етакчилик қилаётганлигини таъкидлар экан худудлар ўртасида тафовут борлигини ҳам айтиб ўтади. Хусусан, Мелотнинг кузатишича репетиторга қатнаш нисбати айниқса Парижда юқори. Бу борада у Акадомия маълумотларига кўра (105-саҳифа) Париждаги катта лицейлар талабаларининг 75 фоизи репетиторларда шуғулланишини билдиради. Мамлакат миқёсида олганда 2008 йилда бир миллиондан зиёд ўқувчи-талабалар репетиторлардан сабоқ олиши аниқланган (Pech, 2008).

Мазкур бозорда репетиторлик таклиф этувчиларнинг икки асосий қўриниши мавжуд:

- **Якка тартибда фаолият юритувчи хусусий ўқитувчилар.** Ота-оналар ва ўқитувчилар бир-бирларини тавсиялар ёки рекламалар орқали топадилар ва бунда борган сари кўпроқ интернетдан фойдаланилмоқда. Бевосита мулоқотга чиқиш энг кенг тарқалган услугуб ҳисобланади. Ўртадаги молиявий муносабатлар одатда эълон қилинмасада, солиқ томонидан берилган имтиёзлар ўқитувчиларга ўз фаолиятини конунлаштириб, бу орқали ўз хизматларини оиласарга янада қизиқарлироқ қилишига туртки бўлди. Баъзи (хали ҳам ишлаётган ёки нафақдаги) ўқитувчилар тажрибага эга бўлса, айни вақтда бошқалари талабалар ёки ўқиши битириб иш қидираётган ёшлардан иборат бўлган.
- **Мактабдан кейин репетиторлик машгулоти ўтказувчи компаниялар.** Мазкур компаниялар қуйидагича турли услубларда фаолият олиб борган:
  - **Хусусий дарслар:** компания томонидан йўлланган ўқитувчи томонидан уйда олиб борилади, ёки кичик гуруҳларга агентликка қарашли бўлган масканда ўтказилади. Бундай дарслар энг кенг тарқалган бўлиб ўтган давр мобайнида кескин ўсганлиги кузатилган.
  - **Интенсив курслар:** таътил даврида кичик гуруҳлар учун ташкил этилади. Бу қўринишнинг ривожланиши секин кечмоқда.
  - **Мураккаб дастурлар:** билим олишни ҳордик чиқариш ва бола парваришлиш

кабилар билан биргаликда олиб борилади. Ушбу кўриниш энди шакллана бошлаган.

- Интернет орқали дарслар: хали ҳам яхши ривожланмаган, аммо кенгайиб бормоқда.
- Мактаб машки: асосан кенгроқ жабҳаларда, масалан ўз кучига ишонч, мотивация, ташкилотчилик кабилар бўйича олиб борилади ва хали ҳануз фақат олий тоифадаги инсонлар томонидан қабул қилинади.

Компаниялар фаолият юргазиши услублари бўйича ҳам бир-бирларидан фарқ қилган. Баъзилари ўз масканларида гурухларга дарс ўтсалар, бошқалари ўқувчиларнинг уйига бориб дарс ўтиш учун репетиторларни ишга ёллаганлар. Баъзи компаниялар муайян фанлар ва/ёки таълимнинг маълум босқичларига ихтисослашган бўлсалар, бошқалари нисбатан умумий ёндошувни қўллаган. Бир гурӯҳ компаниялар репетиторликни бола парваришлаш ва уйдаги бошқа юмушларни бажариш каби хизматларнинг бир қисми сифатида таклиф этганлар. 12-жадвалда мазкур бозорда етакчи бўлган компаниялар бўйича статистик маълумотлар келтирилган. Ушбу компанияларнинг баъзилари Франциянинг муайян ҳудудларида иш олиб борса, бошқалари барча катта шаҳарларда фаолият юргизган ёки шундай қилиш режасига эга бўлган. Улардан камида иккитаси трасмиллий компания сифатида иш юритган – 2Амат (2Amath) Канада ва Марокашда ўз бўлинмаларига эга бўлса Кипスクул (Keepschool)нинг Германия ва Буюк Британияда ўз ширкатлари фаолият юргизган. Бу борада улар бош идораси АҚШда бўлиб, Франция бозорига киришга аҳд қилган Силван (Sylvan) компаниясининг маслакдошлари бўлган.

#### **12-жадвал.** Асосий репетиторлик компаниялари, Франция

Компания	Тингловчилар сони	Франциядаги идоралари сони	Фаолиятнинг эълон қилинган ҳажми (млн. еврода)
Акадомия (Acadomia)	100,000	97	87
Курс Легенд (Cours Legendre)	30,000	9	16
Комплетюд (Complétude)	23,000	34	23
Силван (Sylvan)	берилимаган	18	8
Анакорс (Anacours)	16,000	50	5
2 Амат (2Amath)	10,000	72	12
КипСкул (KeepSchool)	8,000	80	5
Домикорс (Domicours)	6,500	20	5

Манбаъ: Melot (2007).

Мазкур хусусий иш олиб борувчилар ўз хизматларини таклиф қилиш борасида ҳам маълум даражада ривожланишга эришдилар. Гласман (Cavet, 2006, р. 11) турли даврларда компанияларнинг номлари қандай ўзгарганига эътибор қаратади:

- 1960-70- йилларда репетиторлик компаниялари ўзларини асосан *созловчи* сифатида таърифлаганлар. Компаниялар Мат-Ассистанс, Мат-Секорс ва Орто-Мат (Math-Assistance, Math-Secours, Ortho-Math) каби номларга эга бўлганлар.
- 1980 йилларнинг ўрталарига келиб мазкур тармоқ ўзини *рақобатчи* сифатида таърифлай бошлади. Компаниялар Этюд Плас, Перформанс, Стад Авенир ва

Прогресс Систем (Études Plus, Performance, Stud Avenir, Progress System) каби номлар ола бошлади.

- Энг сүнгги авлод компаниялари “оддий”, мўътадил маъноларни афзал кўради. Домикорс, КипСкул, Комплетюд ва Апре ла Клас (Domicours, Keepschool, Complétude, Après la Classe) каби номлар одатийга айланди.

Хусусий компаниялар томонидан равшанлик имиджи айниқса мактабда ўқиш ва меҳнат бозори билан боғлиқ бўлган қийинчилик ва толиқишилар тўғрисида гапириб музокара олиб боришда қўл келиши мумкин. Франциядаги бундай иқтисодий ва ижтимоий шароитлар Корея, Мавритания ва бошқа мамлакатлардагиндан фарқ қиласи. Ҳаттоқи Франциянинг ўзида ҳам улар ижтимоий-иктисодий гурухлар ва манзиллар (айниқса катта шаҳарлар, кичик шаҳарчалар ҳамда қишлоқлар) ўртасида бир-биридан фарқ қиласи. Ушбу кузатишлар репетиторликни муайян масалаларга ажратган ҳолда кўриш лозимлигидан далолат беради. Айни вақтда репетиторлик хизматларини таклиф этувчи компаниялар академик рақобатни ва мактаблардаги зиддиятларни кучайтирадиган ҳар қандай омиллардан наф кўрадилар. Буларга масалан хусусийлаштириш, мактаблар ўртасидаги рақобат ҳамда мактаб тизимидағи таркибий қисмлар сифатининг ёмонлашиши кабилар кириши мумкин.

Аммо, мазкур йўналиш тадқиқодчилар томонидан сифат кўрсаткичлари бўйича танқидга учради. Масалан, 2009 йили Франция телевидениесида намойиш этилган хужжатли фильмда (Bendall and Tourte, 2009) репетиторларнинг кўпчилиги ҳаваскор эканлигига урғу берилиб, уларни ёллаган компанияларнинг маркетинг бўйича ишлатган ибораларини саволга тутилади. Мелот таъкидлаганидек (Melot, 2007, р. 99) тармоқнинг асосий қисми норасмий тарзда иш олиб боради ва бозорнинг ўзини эса “майдаланган, ўта ўзгарувчан ва умуман шаффоф эмас” деб таърифлаш мумкин (119-саҳифа).

Франция билан Корея ва Мавританияда қўлланилган ҳукумат ёндошувлари ўртасидаги энг асосий фарқ оилаларни репетиторликни молиялашга рафбатлантирувчи солик тизимининг ролидан иборат. Франция ҳукумати вакиллари бу услуг ижтимоий тенгсизликни кучайтириши тўғрисидаги танқидларга икки тарафлама жавоб берганлар. Бир тарафдан давлат томонидан молиялаштирилувчи уй вазифаси бажаришга бепул ёрдам бериш тизимини кенгайтириш мумкин. Давлат томонидан бошқарилувчи мазкур тизимлар 1980 йилларда ташкил этилган ва улар тўртта вазирлик (Таълим, Бандлик, Соғлиқни саклаш, Ижтимоий Ҳимоя) қарамоғида иш олиб борган ҳолда 2000 та уюшма ва бутунлай ёки қисман давлатга тегишли бўлган муассасалар тармоғи асосида фаолият юритади (Cavet, 2006, р. 4). Иккинчидан, давлат томонидан мактаблар тармоғида репетиторликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар эълон қилинди ва бу барча ижтимоий-иктисодий гурухларга мансуб бўлган ўқувчиларга ёрдам таклиф қилишга қаратилган эди. Аввалида ушбу таклиф баъзи мактабларда мажбурий, баъзиларида эса ихтиёрий аснода эълон қилинди. Кейинчалик ҳукумат томонидан барча мактаблар ушбу схемага қўшилажаги эълон қилиниб, унда ҳафтасига тўрт кун давомида кечки соат 4 дан 6 га қадар уй вазифасини бажаришга кўмаклашиш, маданий ва спорт тадбирлари олиб бориш кабилар амалга оширилади. Ушбу сиёсатни тадбиқ этишга ҳукумат 140 млн. евро пул ажратди (Ventura, 2008b, р. 9).

### 5-бокс. Францияда хусусий репетиторликнинг молиявий арифметикаси

Франция Ҳукумати репетиторлик компанияларига тўланган маблагнинг 50 фоизини даромад солиги тўлаш мажбуриятидан чиқариб ташлашга рухсат беради. Акадомия ушбу имтиёздан усталик билан фойдаланаётган компаниялардан бири ҳисобланади. Ушбу компания даллол сифатида иш кўради ва ре петиторлар билан ота-оналар ўртасида алоқа ўрнатилишини ташкил этади. Ота-оналар эса репетитор

ларга лозим бўлган маблағни тўлайдилар ва солиқдан чегирма олишга ҳужжат топширадилар.

Фарзандларини рўйхатга киритиш учун ота-оналар 75 евро миқдоридаги илк бадални тўлайдилар. Бу маблағ солиқдан чегирилмайди. Кейин эса улар репетиторликнинг ҳар бир соати учун ўртача 32 евро дан тўлайдилар ва унинг 14 евроси (баъзан камроғи) ўқитувчига берилади, 5 евроси иш берувчига, қоған 13 евроси эса Акадомияга тўланади. Ушбу умумий 32 европнинг 16 евроси ота-оналар томонидан солиқдан чегириб қолинади. Шунинг учун ота-оналар учун бир соатлик репетиторнинг хизмати 16 еврога тенг бўлади. Репетитор солик декларациясида  $14 + 13 = 27$  евро миқдоридаги даромадни кўрсатиши лозим бўлади, аммо Акадомияга тўланган 13 европни “харажатлар” сифатида чиқариб ташлаши мумкин бўлади.

Манбась: Cavet, 2006, p. 12.

### **3. Жавоб чоралари**

Бундан олдинги боб “Ташхис” деб номланган эди ва у хусусий репетиторлик таълим тизимининг сиёсатчилар томонидан жавоб чоралари кўрилиши лозим бўлган жиҳатлари ва таъсирини аниқлашга бағишлиланган эди. Корея, Мавритания ва Франция тажрибалари таҳлил қилингандан ушбу мамлакатларда кўрилган баъзи жавоб чоралари тўғрисида маълумот бериб ўтилди. Китобнинг ушбу бобида турли мамлакатларда сиёсатчилар қўллаши мумкин бўлган жавоб чоралари хусусида фикр юритилади. Бунда муваффақиятли чоралар билан бир қаторда баъзи мамлакатларда қўлланилган, аммо кутилган натижага олиб келмаган чоралар хусусида ҳам гап юритилади.

Ушбу мавзу тақдимотини хариталашдан бошлаймиз чунки ҳар бир мамлакат ўз хусусиятларига эга ва чора-тадбирлар ҳам мавжуд шароитларга мослаштирилган бўлиши лозим. Сўнгра репетиторлик хизматига бўлган талаб ва ушбу хизматлар таклифига ўтилади. Бобнинг якунида сиёсатчилар каттароқ мақсадларга эришиш учун қандай қилиб бозор кучларини тизинга олишлари мумкинлиги ва қўлланилиши мумкин бўлган бошқарув тузумлари хусусида маълумот берилади.

### ***Хариталаш моҳияти, вазифалари ва кўринишлари***

Хариталашнинг бирон кўринишига киришар эканлар сиёсатчилар ишни қуидаги иккита асосий саволдан бошласалар фойдадан холи бўлмайди:

- Соядаги таълим қай даражада маърифий, ижтимоий ва иқтисодий мақсадларга путур етказувчи ва чора кўрилишини талаб этувчи муаммога айланди (ёки айланиши кутилмоқда)?
- Соядаги таълим хали тўлалигича ишлатилмаган ва қўллаб-кувватланиши лозим бўлган қандай салоҳиятга эга?

Китобнинг олдинги бобида баён этилганидек, кўп мамлакатларда хусусий репетиторликка икки ёқлама муносабатда бўлиш мумкин. У хукумат ёки солик тўловчиларга ҳеч қандай ҳаражат юкламаган ҳолда таълимдаги мақсадларга эришишга ёрдам беради ҳамда асосий таълим тизимидан қониқмаётан ва репетиторларни ёллашга курби етадиган оиласлар учун ўзига хос эҳтиёт чораси ролини ўйнайди. Аммо, бутунлайича бозор муносабатларига асосланган репетиторлик ижтимоий тенгсизликни кучайтириши мумкин ва асосий таълим тизими учун ноxуш оқибатларга олиби келиши мумкин. Шунингдек, хукумат томонидан бепул таклиф этилувчи хизматлар билан бир қаторда хусусий сектор томонидан ўхшаш хизматларни айни вактнинг ўзида, айнан ўша мижозларга пуллик аснода таклиф этилиши хавотирга солувчи иккиланишни юзага келтириши мумкин.

Сиёсатчилар ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, маданий қарашлари ва бошқа омилларни ҳисобга олишлари лозим. Хукумат хусусий репетиторликни яхши ўзлаштирмаётган ўқувчиларга ёрдам беришини қўллаб-кувватловчи Австралия ва АҚШдаги ҳолатлар, хусусий репетиторлар машғулотлари асосан аълочиларга олиб бориладиган Корея ва Япониядаги ҳолатдан тубдан фарқ қиласди. Шунингдек, ўқитувчилар ўзлари мактабда дарс ўтадиган ўқувчиларига репетиторлик қилишлари таъкиқланган Сингапурдаги ҳолат, бундай услугуб оддий хол бўлган Мавританиядаги ҳолатлардан тубдан фарқ қиласди. Шунингдек сиёсатчилар ўрта мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари,

нафахўрлар ва бошқалар репетиторлик қилишларига қай даражада хайрихохлик қилиш ёки таъқиқлаш борасида ҳам ўз фикрларига эга бўлишлари мумкин. Шунингдек, фарқли жиҳатларга репетиторликнинг услубларини ҳам киритиш мумкин. Якка тартибда репетиторлик машғулотини ўтказиш катта гурухларга машғулот олиб бориш ёки катта залларда маъруза қилишдан фарқ қиласди; шунингдек юзма-юз дарс ўтиш узоқдан туриб интернет орқали дарс ўтишдан аниқ фарқ қиласди.

Сиёсатчилар ўз мамлакатларида мавжуд бўлган хусусий репетиторликни таснифлашни ва уларнинг фикрича қўллаб-кувватланиши ёки таъқиқланиши лозим бўлган ҳар бир репетиторлик турини белгилаб чиқиши мумкин. Буни 13-жадвалда келтирилгани каби форма ёрдамида амалга оширса бўлади. Унда репетиторликни нафақат тури ва олиб борилиши услуби бўйича, балки унинг ҳозирда қанчалик кенг тарқалганлиги ва келажакда қанчалик талабга эга бўлишини ҳам акс эттириш мумкин. Репетиторликнинг турли хил даражаларини бундай белгилашни қуидагича категорияларга ажратиш орқали янада аниқ бажариш мумкин бўлади:

- *Даромад гуруҳи*: Репетиторликнинг баъзи турлари фақат муайян даромад гуруҳидаги оилалар учун мавжудми ва сиёсатчилар уни бошқалар учун ҳам хизмат кўрсатишига ёрдам бермоқчимишлар?
- *Жинс*: Қиз болалар ўғил болаларга нисбатан камроқ имкониятга эгамишлар (ёки аксинча), жинслар ўртасида тенгликни таъминлашга харакат қилиниши лозимми?
- *Миллат*: Репетиторлар хизматидан бир миллат вакиллари бошқа миллатлар (ирқлар) вакилларига нисбатан кўпроқ фойдаланадиларми ва бу муаммоли хол деб баҳоланадими?
- *Манзил*: Баъзи минтақалар, шаҳар/қишлоқ жойлари кўпроқ ёки камроқ имкониятга эгамишлар, географик жиҳатдан мутаносибликни таъминлаш лозимми?

### 13-жадвал. Хусусий репетиторликни таснифлаш тизими

<i>Хусусий репетиторлик тақлиф этувчишлар</i>	<i>Услуб</i>	<i>Ҳозирда қай даражада тарқалган (даромад гурухлари, жинс, миллат ва манзил бўйича бўлинган бўлиши мумкин)</i>	<i>Келажакда қай даражада тарқалган бўлиши мақсадга мувофиқ (бу ҳам даромад гурухлари, жинс, миллат ва манзил бўйича бўлинган бўлиши мумкин)</i>
Ўз ўқувчиларига репетиторлик қилаётган ўқитувчишлар	якка		
	кичик гурӯҳ		
	катта гурӯҳ		
Бошқа ўқитувчишларни ўз ўқувчиларига репетиторлик қилаётган ўқитувчишлар	якка		
	кичик гурӯҳ		
	катта гурӯҳ		
Ўқувчи-талабалар (ўрта мактаб ва/ёки олий ўқув юрти)	якка		
	кичик гурӯҳ		
	катта гурӯҳ		
Бошқалар (масалан мутахассислар, нафақаҳўрлар, уй бекалари)	якка		
	кичик гурӯҳ		
	катта гурӯҳ		

Репетиторлик иялари компан (маҳаллий, ми- ллий, франчайзинг тар- моги)	якка		
	кичик гурӯҳ		
	катта гурӯҳ		
	маъруза зали		
	ўқув курслари		
	дастурий кўма к ёрдамида		
Интернет орқали ўқит увчилик	якка		

Таснифни янада мукаммал бўлишлигини таъминлаш учун қуидагича қўшимча омилларни ҳам ҳисобга олиш мумкин:

- *Жадаллик*: Қайси синф босқичларида, қандай мавсумларда ҳамда қайси фанлардан репетиторларга мурожаат қилиш кучаяди?
- *Сифат*: Репетиторликнинг сифати қандай ва нафақат имтиҳонларга тайёрланиш борасида, балки бошқа йўналишларда ҳам билимни оширишга қанчалик ёрдам беради?
- *Нархлар*: Репетиторлик машғулотларининг нархи қандай ва ушбу нархлар оиласалар учун қанчалик қийинчилик туғдиради?
- *Иқтисодий омиллар*: Репетиторлик машғулотлари ишга жойлашишни истаган ёки қўшимча даромад қидираётган инсонлар учун қанчалик фойдали? Ҳукумат репетиторликни солиқ тизимиға кўпроқ тортишни истайдими? Репетиторликнинг турли кўринишлари яна қандай иқтисодий омилларга эга?

Умуман олганда статистик маълумотлар кам бўлгани учун сиёсатчилар ҳозирда таҳминга асосланган ҳолда иш кўришга мажбурлар ва бунда улар ўз тушунчаларига ва ўз мамлакатлари ёки бошқа мамлакатлар бўйича йиғилган мавжуд рақамларга суюнадилар. ТРХИ форуми ва ушбу китобнинг ҳам асосий тавсияларидан бири шундан иборатки, турли хил муҳитлар бўйича маълумотлар йиғишга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим.

#### 6-бокс. Япониядаги “жуку”нинг турли кўринишлари ўртасидаги фарқларни аниқлаш

Баъзи мухбирлар, хусусан япон бўлмаганлари, “жуку” муассасасини анча умумий кўринишда баён этганлар ва одатда ушбу сўзни “тайёрлов мактаби”<sup>5</sup> деб таржима қиласадилар ва унинг кўплаб турлари м авжудлигини айтиб ўтмайдилар. Нисбатан тўлароқ таҳлилларда “жуку”нинг турли кўринишларига ан иқлиқ киритилади. Ҳар бир кўриниш сиёсатчиларнинг алоҳида эътиборига лойик.

Роезгард (Roesgaard, 2006, p. 32) аввало академик “такишу жуку” билан санъат, техника, инглиз тили нутқи ва бошқалар ўртасидаги умумий фарқларни кўрсатиб ўтади. Ундан кейин “такишу жуку”нинг ихтисосла

<sup>5</sup> Инглиз тилидаги “cram school” нинг таҳминий таржимаси.

шув бўйича таснифи келади. “Хошу жуку”да хатоларни тўғирлаш орқали ўқитишга урғу берилса, у “фукуш жуку”да қўшимча дарс бериш амалга оширилади. “Ёшу жуку”да тайёрлов машғулотлари олиб бо рилади. “Шингаку жуку” ўзлаштириш даражаси юқори бўлиб, янада аъло кўрсаткичларга эришмоқчи бўлган ўқувчиларга хизмат кўрсатса, “кёсай жуку” мослашувчан ёндошувга эга ва бу билан у ёдлаб олиш ва рәқобатни рағбатлантирувчи машқларга асосланган “дориру жуку”дан фарқ қиласди. “Жуку”ларнинг баъзи лари “деай но ба” ёки “идокоро” (дўстлар билан учрашиш маскани) да ёки ҳаттоки “такужижо” (парвариши марказлари) да фаолият юргизади.

Роезгард янада чуқурроқ таҳлилга киришар экан 8 омилга асосланган типологияни яратди:

- *Муҳим*: ўқув муассаси рақобат, рағбатлантириш, тинчлантирувчи, қўллаб-қувватловчи каби таъри фланиши мумкин бўлган мухитларнинг қай бирига асосланганлиги.
- *Машғулотлар йўналиши*: ўқув курслари анъанавий таълим тизимига йўналтирилган ёки қабул имт ихонларга тайёргарликка йўналтирилганлиги.
- *Мактабга алоқаси*: муассаса ёки ўқув курси анъанавий мактабдаги билим олишга ёрдам бериши ёки ўз мақсадлари асосида машғулот ўтказишига қаратилганлиги.
- *Тингловчилар*: мижозларнинг характеристикаси, жумладан уларнинг ўзлаштириш даражаси.
- *Ўқитиши материаллари*: мактаб, тижорий ва мустақил тайёрланган материаллар қоришини.
- *Қамров*: мижозлар сони ҳамда “жуку”нинг муассасалар силсиласига алоқаси.
- *Қабул*: мижозлар қабул синовларидан ўтиши ёки муассасада жой бўлсагина имтихонсиз қабул қил иниши.
- *Реклама*: қабул қилиш оддий овоза орқали амалга ошириладими ёки тижорий реклама орқалими ва бунда педагогик жиҳатлар ёки университеттага тайёрловдаги муваффақиятнинг қай бирига урғу бер илиши.

## Инструктив типология асосида тузилган “жуку” кўринишларининг матрикаси:

	<i>Шингаку жуку</i>	<i>Хошу жуку</i>	<i>Кёсай жуку</i>	<i>Дориру жуку</i>
<i>Мұхит</i>	рақобат/ рағбатлантириш	тінчлантириш/күллаб- қувватлаш	Тарбиялаш/күллаб- қувватлаш	Тінчлантириш (күпинча үйда ўқитиши)
<i>Машгүлотла р йұналиши</i>	Қабул имтихонлари	Үзлаштириш ва макта б имтихонлари	Асосий дарслар	Асосий күникмалар
<i>Мактабга ал оқаси</i>	Йүк	Мактабдаги дарслар б илен изма-из, күпинча яқин алоқада	Йүк ёки жуда оз	Йүк
<i>Тингловчилар</i>	Аълочилар	Үртача үзлаштирувчил ар	Заиф үзлаштирувчилар	Барча даражалар
<i>Үқитиши мат ериллари</i>	Махсус тайёрланган	Уйда тайёрланган, тиж ориј ёки мактаб дарсл иклари	Уйда тайёрланган, тиж ориј ёки мактаб дарсли клари	Махсус тайёрланган
<i>Қамров</i>	> 200 тингловчи, баъз ан франчайзинг	< тингловчилар	< 100 тингловчилар	Бир неча минг
<i>Қабул</i>	Қабул имтихони ёки с инови	Жой бўлсагина	Жой бўлсагина	Чегаралов йүк
<i>Реклама</i>	Тижорий, университе тга киришга ургу берि лади	Овоза асосида, педагог ик жиҳатларга ургу бе рилади	Овоза асосида, педагог ик жиҳатларга ургу бер илиди	Тижорий, баъзи холлард а педагогик жиҳатларга ургу берилади

## **Репетиторликка бўлган талабга эътибор**

Австралия, Англия, Франция, Сингапур ва АҚШ хукуматлари турли хул услублар ёрдамида репетиторликка бўлган талабни рағбатлантиришга ҳаракат қилганлар. Австралияда махсус схема 2004 йилда ишга туширилган бўлиб, у “Репетиторлик ваучери ташаббуси” деб аталган ва у мазкур ваучердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ота-оналарга 700 Австралия доллари (тахминан 547 АҚШ долл.)га қадар миқдорда ўз фарзандларига репетитор ёллаш имконини берган. 2007 йилда Австралия Федерал хукумати кейинги, “Тенг старт” номли ташаббуси учун кейинги тўрт йилга маблағ ажратди (Watson, 2008, р. 7). АҚШда ҳам шунга ўхшаш тизим ишга туширилган (Burch et al., 2006). Ўз навбатида ҳам АҚШ ҳамда унга намуна бўлган Австралия схемалари Англиядаги тадбиқ этилган услугуга асос бўлган (Taylor, 2007). Сингапур хукумати ўзлаштириш даражаси паст бўлган ўқувчиларга ёрдам бериш учун ҳамажамият гурухларини махсус грантлар ва бошқа услублар ёрдамида күллаб-қувватлашга эътибор берган (Tan, 2009). Улардан фарқли ўлароқ, Франциядаги солиққа асосланган имтиёзлар тизими ўзлаштириш даражаси паст бўлган ўқувчилар ёки кам даромадли оиласларга алоҳида эътибор қаратмаган (Melot, 2007).

Ушбу услубларнинг ҳар бири ўзига яраша қийинчиликларга дуч келган. Уотсон (Watson, 2007, р. 9) Австралияда репетиторликнинг қанчалик самарали бўлганлигини баҳолаш учун мавжуд маълумотлар етарли эмаслигини, яхши малакага эга бўлган репетиторлар топиш мушкул эканлигини ва бу айниқса қишлоқ жойлар ва узоқ жойлашган аҳоли пунктлари учун катта муаммо эканлгини таъкидлайди. Бу ўз навбатида урбанизация даражаси юқори бўлган Сингапур учун муаммо бўлмаган. У ерда асосий қийинчилик ўзлаштириш даражаси паст бўлган ўқувчиларнинг репетиторларга бўлган талабини

таъминлаб боришдан иборат бўлган. Чунки бозорда мавжуд бўлган кучлар ўзлаштириш даражаси юқори бўлган ўқувчиларни ўқитиши орқали ўтрадаги тафовутни янада кенгайтириб борганлар (Cheo and Quah, 2005; Tan, 2009). Ўз навбатида Сандерман (Sunderman, 2006, р. 119) АҚШдаги “Эн-Си-Эл-Би”<sup>6</sup> тизимининг самарадорлигини танқид қиласар экан, баъзи репетиторлар тингловчиларни жалб этиш учун “дуч келган услублар”дан фойдаланганлигини айтиб ўтади. Шунингдек, у мамлакат бўйича мазкур имтиёздан фойдаланиш хуқуқига эга бўлган ўқувчиларнинг бор-йўғи 20 фоизга яқинигина ушбу дастурда чиндан ҳам қатнашганлигини таъкидлайди. Ушбу далиллар юқоридагиларга ўхшаш услублардан фойдаланишни режалашатираётган сиёсатчилар томонидан ҳисобга олинса фойдадан холи бўлмайди.

Бошқа мамлакатларда талабни рағбатлантириш эмас, аксинча суさいтириш асосий масала ҳисобланади. Корея мисолида ушбу мамлакатда мазкур йўналиш бўйича жуда кўп стратегиялар ишга солинганлиги, жумладан ҳаттоқи хусусий репетиторликни бутунлай таъкиқлашга қадар борилганлигини кўриш мумкин. Мавританияда ҳам шунга ўхшаш ҳаракатлар орқали 1-3- стандарт ўқувчилари учун репетиторлик олиб боришни таъкиқлаш қўлланилган. Бундай чоралар кўплаб мамлакатларда қўлланилган. Бунга Комбоджия (Bray and Bunly, 2005, р. 75), Миср (Hartmann, 2008, р. 48), Кения (Wanyama and Njeru, 2004, р. 1), Туркия (Tansel and Bircan, 2007, р. 6), Уганда (Eilor, 2007, р. 28), Ҳиндистоннинг Жанубий Бенгал штати (Jalaluddin, 2007, р. 2) кабиларни мисол қилиш мумкин. Аммо ушбу таъкиқлаш мисолларининг ҳеч бири муваффақиятли бўлмаган. Масалан Мисрни оладиган бўлсак, Хартман (Hartmann, 2008, р. 48) Херера (Herrera, 1992, р. 75)нинг репетиторлик фаолияти таъкиқланиши “пиёдаларнинг белгиланмаган жойдан кўчани кесиб ўтишлари хуқуқбузарлик эканлигига ўхшаёт, чунки бу учун ҳеч қандай қонуний чора кўрилиши хавфи бўлмаганлиги сабабли у кенг қўлланилишда давом этади” деган фикрига қўшилади. Ҳаттоқи Корея ва Мавритания каби репетиторликни таъкиқлаш кенг қўлланилган мамлакатларда ҳам бу қанчалик кенг овоза қилиниши ва хукуматнинг саъи-ҳаракатларига қарамасдан мазкур таъкиқловлар иш бермади. Ўқитувчилар ўзлари расмий мактабда дарс бераётган ўқувчиларига репетиторлик қилишни таъкиқлаш бўйича жиддий чоралар кўриш мумкин, лекин бу репетиторликни бутунлай маън қилишдан фарқ қиласади.

Шунинг учун умуман олганда хусусий репетиторликка бўлган талабни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мазкур талабнинг белгиларига эмас, унинг келиб чиқиши сабабларига йўналтирилган бўлишлари лозим. Бундай сабабларнинг аксариятини фақат таълим вазирликларининг ҳаракати билан хал этиб бўлмайди, чунки улар маданий ва иқтисодий таъсирга эга. Маданий омилларга таълим борасида ютуқларга эришиш жамият томонидан қай даражада яхши қабул қилиниши ва бу учун одамлар нималардан воз кечишига тайёрлиги кабилар кирса, иқтисодий омилларга юқори таълим босқичларининг даромадга таъсири ҳамда ушбу юқори даромадлар келтируви таълим даражасига эришиш учун репетиторлик қай даражадаги сармоя сарфлашга лойиқлиги кабилар киради. Мазкур фронтдаги ҳаракатлар Иқтисодий ривожланиш вазирликлари ва Оила ривожланиши вазирликлари ёки уларга ўхшаш вазирликлар ҳамда Таълим вазирликлари томонидан биргаликда олиб борилиши лозим. Австрияда ҳам Кореяда ҳам баъзи асосий ташабbusлар таълим соҳасидаги мутахассислардан томонидан эмас, хукуматнинг энг юқори даражаларидан таклиф этилган. Шунингдек хукумат раҳбарлари фуқаролик жамияти ташкилотларига, жумладан диний ташкилотлар ва ижтимоий фаровонлик гурухлари билан ҳамкорлик қилиш масаласига ҳам эътибор қаратишлари фойдадан холи бўлмайди.

<sup>6</sup> NCLB

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Таълим вазирликларидағи баъзи мутахассислар соядаги таълим тизимининг табиати ва қамровига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган воситаларга эга бўладилар. Жумладан, улар қуидагиларга эътибор қаратишлари мумкин:

- *Имтиҳонлар.* Кўп мамлакатларда имтиҳонларнинг табиати хусусий репеторликка бўлган талабни белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Кўплаб имтиҳонлар “юқори кўрсаткичлар”га асосланган бўлади ва улардан олинган натижа имтиҳон топширувчиларнинг ҳаётидаги имкониятларга таъсир кўрсатади. Имтиҳонларнинг формати мавзуларни чуқур ва пухта ўзлаштиришга эмас репетиторлар ёрдамида қисқа муддатли ёдлаб олишга ундовчи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам таълим соҳаси раҳбарлари имтиҳонлар табиатини ўрганиб чиқишилари лозим. Аммо улар имтиҳонларни ислоҳ қилиш осон бўлади деган калтабин фикрга бормасликлари керак. Корея ва Мавритания мисолларида кўрилганидек бунда кўплаб кучли томонларнинг манфаатлари билан мутаносибликни таъминлаш талаб этилиши мумкин.
- *Босқичдан босқичга ўтиши даражаси.* Баъзи мамлакатларда талабгорларнинг факат бир қисмигина таълимнинг бир босқичидан иккинчисига ўтиши мумкин бўлганлиги репеторликка бўлган талабни кечайишига сабаб бўлади. Хусусий репеторликка бўлган талабни камайтиришнинг услубларидан бири бу ўтиш даражасини оширишдан иборат бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан бу чора бари бир ҳам бевосита чора ҳисобланмайди. Баъзи жамиятларда ўтиш даражаси кенгайтирилса масала қайси ўқувчи кейинги босқичга ўтиши эмас, қайси ўқувчи қандай кейинги босқични қай бир ўқув муассасида давом эттириши билан боғлиқ бўлиб қолишига ўзгаради. Олий тоифадаги ўқув муассасаларига қабул жиддий танлов асосида ўтказиладиган ва саноқли талабгорлар қабул қилинадиган жамиятларда ушбу имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиш учун репеторликка бўлган талаб юқорилигича қолаверади.
- *Кенг омма ишончи.* Репеторликка бўлган талабнинг асосий сабабларидан бири ота-оналарнинг расмий таълим тизими умуман олганда жамиятнинг ва хусусан уларнинг фарзандларининг талабларига мос равишда хизмат кўрсата олишига унчалик ишонмаслиги билан боғлиқ. Мактабларга кўпчилик билан мулоқотда бўлишни ўрганиш ва бошқа турли хил мақсадларга эришиш учун хизмат қиладиган муҳим муассасалар сифатида қаралади. Аммо айни вақтда улар бераётган билим қўшимчага муҳтоҷ деб саналиши мумкин.
- *Қанчалик ажабланарли туюлмасин,* баъзи жамиятларда бунга айнан репеторликка бўлган талабни камайтириш учун босқичдан босқичга кўчиш даражасини ошириш сабаб бўлади. Аммо, ҳукумат расмийлари шуни билиши лозимки, репеторликка бўлган талабнинг асосий қисми ўзлаштириш даражаси паст бўлган ўқувчилар эмас, аълочи ўқувчилар ҳисобига шаклланади. Ҳалқаро миқёсда солишитирганда эса репеторлик таълим тизими юқори кўрсаткичларга эга бўлган мамлакатлар, масалан Шарқий Осиёдаги мамлакатларда, таълим тизими кўрсаткичлари паст бўлган мамлакатлар, масалан Африкадаги мамлакатларга нисбатан кенгроқ тарқалганлиги намоён бўлади.

Сиёсатчилар ва режалаштирувчилар репеторликнинг турли кўринишларидан айнан нима кутилишини тушунишга ҳаракат қилсалар фойдадан холи бўлмайди. Нима учун ота-оналар 110 бола қатнашаётган синфга фарзандларини бериш учун пул тулайдилар (7-бокс) ваҳоланки, агар давлатнинг бепул мактабида синфдаги болаларнинг сони 35 тадан ошиб

кетса улар жиддий шикоят қилишга ўтадиларку? Ота-оналар фарзандлари репетитор билан якка тартибда ёки кичик гурухда шуғуллансалар одатий мактабда ёки ота-онанинг уй вазифаларни бажариш билан берган ёрдамидан ололмайдиган нимани олади деб ўйлайдилар? Қандай шароитларда расмий ўрта мактабдаги малакали ўқитувчининг ишига қўшимча равишда етарлича малакага эга бўлмаган университет талабасининг ўрта мактаб ўқувчисига соатбай асосида ёрдам беришига хақ тўлаш самарали сармоя ҳисобланади?

#### 7-бокс. Мисрдаги устоз репетитор

Қуйида Хартманн (Hartmann, 2008, p. 43) томонидан Мисрда катта хурматга ва бозорда ўз мавқеъига эга бўлган репетитор ҳақидаги ҳикоя келтирилган. Айтиб ўтилганидек у ҳам катта гуруҳларда иш ол иб боради.

Мен химия фанидан дарсга .... таклиф этилган эдим. Шу сабабли хонанинг қизлар ўтиради ган тарафидаги энг охирги қатордан жой эгаллаб, ўтирдим. Дарс бошланганда 110 та ўқувчи борл игин санадим. Уларнинг бари 14 ёш атрофида эди. Уч-тўртта ёш хизматчилар уларни жим ўтири шга ва дарсга қулоқ солишга чорлаб турар эди. Жаноб Хишам хонага кирганида галағовур тўхтад и ва 110 жуфт кўз устоз томонга йўналди. Жаноб Хишам тахминан 45 ёшлар атрофидаги озғинда н келган, сочи сийрак, ингичка мўйлабли киши эди. У оддий кийинган, эгнида кўйлак, галстук, ла йм рангидаги жемпер бор эди. Аммо одми кўриниши аслида у ҳақида янглиш фикр туғдириши м умкин.

Кейинги икки соат ичida аён бўлишича жаноб Хишам нафақат тажрибали ва машхур ўқиту вчи, балки иқтидорли “томуша устаси” ҳам экан. Жаноб Хишам ўз тингловчилари қаршисида чақ қон харакатланар экан доскага турли хил формулалар ёзар ва айни вақтда уларнинг микрофонга б аланд овоз билан, қофияли қилиб ўқиб, тингловчиларга тушунтириб борар эди. Баъзан у ёки бу ф ормула ёки жумлаларни хиргойи қилиб айтар экан унинг кетидан барча йигилгандар айни аснода тақрорлар эдилар. Бу тўпланган ўқувчилар улардан нима кутилишини яхши билишларидан далол ат берар эди... Ўқувчилар деярли савол бермас эдилар. Ваҳоланки, улардан саволлари бўлса бир п арча қоғозга ёзиб, устознинг ёрдамчиларидан бири орқали бериб юбориш сўралган эди.

### **Репетиторлик хизматлари таклифи билан курашиш**

Баъзи ҳолатларда таклиф талабни келтириб чиқариши мумкин. Мазкур сарлавҳа остида учта ҳолатни кўз олдимизга келтиришимиз мумкин:

- *Ўз бозорини яратувчи ўқитувчилар.* Айтиб ўтилганидек баъзи мамлакатларда ўқитувчилар мактабда усиз ҳам ўқитишга масъул бўлган ўз ўқувчилари учун қўшимча дарслар таклиф этиши оддий ҳолга айланган. Ушбу муаммонинг энг нохуш кўринишларида ўқитувчилар ўз ўқувчиларига мактабдаги оддий дарс соатлари давомида ўқув дастурининг фақат бир қисмини ўтиб, уларнинг кейинги синфга ўтиши энг камида қисман бўлсада унга боғлиқ эканлигини англашиб орқали босим ўтказадилар. Силова (Silova, 2007, p. 8) томонидан айтиб ўтилганидек “мажбурий” хусусий репетиторликда:

“ўқитувчилар ўз ўқувчиларига босим ўтказиш (баъзан ҳатто шантаж қилиш орқали дарсдан кейин қолиб, уларнинг қўшимча дарсларига киришга мажбурлайдилар, бунда кўпинча ўқувчилар бош тортадиган бўлсалар, уларга пастроқ баҳо кўйиш билан пўписа қиласидилар”.

Силова томонидан қамраб олинган ҳудудлар ичида ушбу услугуб айниқса Марказий Осиё (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Монголия)да ва Кавказ (Озарбайжон ва Грузия)да кенг тарқалғанга ўшайды.

- *Тенгдошлар босими.* Ҳамма репетиторга қатнаётгандай туулган бир вақтда бундай құлмаган ўқувчилар ва уларнинг оиласлари ҳам ўзларини четда қолиб кетган ва эътиборга лойикмасдай хис қила бошлайдилар. Ким (Kim, 2007, p. 9) томонидан олинган интервьюда бир она айтганидай:

“Барча оммавий ахборот воситаларида одамлар хусусий репетиторга қатнаши түғрисида хабар берилади ва [фарзандим] дўстларининг оналари уларнинг фарзанди уни ёки буни хусусий муассасада ўрганганлигини айтиб турадилар... Мен унинг ҳаёти яхшироқ бўлишини истайман ва уни хусусий муассасаларга юбораман ҳамда унга кўпроқ сармоя йўналтираман”.

- *Репетиторлар томонидан реклама.* Тижорий мухитдаги репетиторлар ўзларини худди бошқа ишбилармонлар каби тутадилар ва ўзлари таклиф этаётган хизматга бўлган талабни шакллантиришни истайдилар. Баъзилари кўчаларда, газеталарда ва жамоат транспортларида реклама қиласдилар. Уларни ишларининг сифати синаб кўрилиб, тасдиқланган бўлмаслиги мумкин ҳамда худди расмий таълим тизимидағи каби агар натижалар паст бўлса, бунда ўқитувчини эмас ўқувчини айблаш мумкин бўлади. Интернетниг ривожланиши таклиф олдидаги баъзи географик тўсикларни олиб ташлади. Баъзи мамлакатларда талаб франчайзинг орқали янада кенгайтирилиб борилади. Дэвис ва Аурини баён этгани каби (Davies and Aurini, 2006, p. 124):

“Ушбу услугуб билан кичик бизнеслар марказлашган тармоққа уланади ва франчайзинг эгаларининг корпоратив силсилярдан фарки шундаки, унда маҳаллий тадбиркорлар ўз тадбиркорлик нуқталарига эга бўладилар ва харажатнинг асосий қисмини ўз бўйниларига оладилар. Маҳаллий иш эгалари ушбу бизнесга ўз маблағларини тикканлари сабабли улар ушбу франчайзинг хизматларининг самаралироқ тақдим этилишида маош олиб ишлайдиган менежерларга нисбатан кўпроқ манфаатдорлар. Ушбу кичик сармоядорлар аллақачон бозорда ўрнашиб, танилган маҳсулотни сотиш ҳуқиқига эга бўладилар ва бунда маркетинг бўйича ёрдам оладилар, бошқарув бўйича машғулотдан ўтадилар ҳамда маҳсулотни текшириш кўмагидан фойдаланадилар... Улар кофе сотадими, автомобилни ижарга бериш билан шуғулланадими ёки ўқувчиларга репетиторлик қиласдими бундан қатъий назар франчайзинг эгалари эл назарига тушган маҳсулотни бевосита бошқариш имконияти ва ўрнатилган мижозлар базасига эга бўладилар”.

Ўқитувчиларнинг ўз ўқувчиларига репетиторлик қилиши муаммоси кенгроқ маънодаги коррупция муаммоси доирасида кўриб чиқилиши мумкин (Hallak and Poisson, 2007; Poisson, 2007; Dawson, 2009). 8-боксда Клитгарднинг масалалар моҳиятини шакллантиришга бағишлиланган формуласи келтирилган. Ушбу формулани хусусий репетиторликка қўллайдиган бўлсак, у ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг билим олиши устидан монополистик хукмронликка эга, ким синовдан ўтиши, ким эса ўтмаслигини эркин хал қилишлари ва тизимнинг бошқа қисмлари олдида ҳеч қандай ёки жудаям кам жавобгарликка эга эканликлари, шунингдек нисбатан кенг имкониятга ва шу сабабли коррупцияга аралашиб эҳтимолига эга эканликлари намоён бўлади. Мавританияда 4-6-стандартларда барча фанлар бўйича дарс берувчи ўқитувчиларни ҳар бир фан бўйича дарс берувчи алоҳида ўқитувчилар билан алмаштириш орқали ушбу ўқитувчиларнинг

монополистик ҳукмини камайтиришга ҳаракат қилинганд. Бошқа чора-тадбирлар ўқитувчилар томонидан ўқувчиларни эркин қарорларини камайтириш ҳамда уларнинг мактаб ва таълим тизими босқичидаги жавобгарлигини оширишга қаратилган.

#### **8-бокс.** Коррупция = Монполия + Эркинлик – Жавобгарлик

Коррупциянинг табиати ва сабабларига эътибор қаратар экан Клитгаард (Klitgaard, 1988, p. 75) асосий унсурларни қўйидаги формулага жойлади:

Коррупция = Монполия + Эркинлик – Жавобгарлик.

Унинг фикрича ноқонуний ҳаракатлар қачонки бозор агентлари мижозлар устидан монополистик ҳукмга эга бўлганда, бозор агентлари эркинлик билан ҳаракат қила олсалар ва уларнинг жавобгарлиги даражаси паст бўлганда гуллайди.

Бисвал (Biswal, 1999, p.223) ушбу концепция хусусий репетиторлик ва коррупциянинг бошқа кўри нишлари ўртасидаги паралелларни намоён қилишини айтади. Хусусан бу асосий таълим тизимидағи ўқитувчилар ўз ўқувчиларига репетиторлик қилиши ҳолатларига тааллуқли. Бисвалнинг фикрича ушбу ўқитувчилар “ўз хизматларини ўқувчиларга етказиб берувчи монополистлар, улар нимани етказиб бер иш бўйича тўла эркинликка эгалар ва айни вақтда ўз ҳаракатлари бўйича деярли жавобгарликка эга эм аслар. Бу эса ўқитувчилар дарсларда бепарвонлик билан дарс ўтиб ва мактабдан ташқарида пулга дарс ўтишлари орқали ўзларига етарлича мижозлар доирасини шакллантира оладиган муҳитни яратади.

Джонсон (Johnson, 2008) ўқиталажак фан тури, ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи ҳамда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси каби ўзгарувчиларни олиб кириш орқали ушбу концепцияга қандайдир маънода жило берди. У Қирғизистондаги олиб борган ишини ёдга олар экан шундай дейди (Johnson, 2008, p.213):

“коррупцияда аралашганлиги аниқланган ёки аниқланмаган ўқитувчилар орасидаги фарқ уларнинг жинси, миллати, ёши ёки маъмурий лавозими орқали аниқланмайди. Аслида уларнинг ўқувчилари ким, ҳамкасаба ўқитувчилари кимлиги, улар меҳнат қилаётган мактабнинг директори кимлиги, улар қайси фандан дарс беришлари ҳамда қайси туманда яшашлари орқали аниқланади”.

Хусусан (219-саҳифа):

“Қирғизистонда ўта порахўр ўқитувчи катта эҳтимол билан математика, қирғиз тили ёки инглиз тили каби фанлардан дарс беради. У тарих каби талаф кам бўлган фандан дарс бермайди. Бундай ўқитувчилар кўпроқ ижтимоий-иқтисодий мавқеи юқорироқ бўлган ўқувчиларга ва БЎК [баҳолар ўртачаси кўрсаткичи] даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга дарс берадилар. Улар кўпроқ заиф ривожланган ёки бир миллат вакиллари яшайдиган шаҳар ёки қишлоқларда дарс берадилар. Ўта порахўр ўқитувчи шундай мактабда ишлайдики, ундаги бошқа ўқитувчиларнинг “қаттиққўллиги” ва мактаб директорининг профессионаллиги мазкур ўқитувчи ўз ҳукмини юритишига ҳалақит бермайди”.

Шундай қилиб Джонсон Клитгаардинг асосий таклифи тўғрилиги билдиради. Чунки бундай ўқитувчилар катта талабга эга бўлган таълим маҳсулоти устидан монополистик ҳукмга ва уни қанчалик етказиб бериш бўйича катта эркинликка эга. Аммо Джонсон томонидан қўшимча қилинган ўзгарувчилар ўқувчиларнинг харид қобилияти асосидаги талаби ҳамда фаннинг тури кабилардан иборат бўлди. Ушбу борада коррупцияга мойил ўқитувчи ўз ўрнида коррупцияга мойил мижозларга муҳтоҷ. Сиёсатчилар бундан чиқаришлари керак бўлган хулоса шундан иборатки, турли хил шароитларда турли хил ўзгарувчилар ҳисобга олиниши лозим.

Бу борада баъзи таълим тизимлари ўқитувчиларнинг эркинлигини камайтириш ўрнига, уларни ошириши бир қарашда туюлгани каби формулага зид бўлмаслиги мумкин. Катта мавқеъга эга бўлган имтиҳонларнинг оқибатини камайтиришнинг бир йўли имтиҳонлар натижасини якуний баҳони шакллантирувчи омиллардан фақат биттасига айлантиришдан иборат. Якуний баҳода мактаб давридаги турли кўринишдаги синовлар натижалари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Мактабдаги турли хил синовлар шак-шубҳасиз ўқитувчиларнинг ролини оширади ва бу орқали уларнинг эркинлигини оширади. Бу ўринда сиёсатчилар жавоб бериши керак бўлган асосий савол мактаб синовларининг кенгайтирилиши тизимни яхшиланишига олиб келадими ёки қўшимча муаммолар келтириб чиқарадими. Жавоб асосан ўқитиш билан машғул бўлган мутахассисларнинг профессионаллиги ва уларнинг қай даражада ўзларини бошқаришлари билан боғлиқ. Бундай ўзгариш Қирғизистоннинг баъзи жойларида тўғри бўлмаслиги мумкин, аммо айни вақтда мамлакатнинг бошқа жойларига ёки бошқа мамлакатларга тўғри келиши мумкин, айниқса бу ҳаракат хусусий репетиторликнинг ўзи учун ёки хусусий репетиторликни ҳам ўз ичига оловчи кенг маънодаги ўқитиш учун касб этикаси кодексини ишлаб чиқиш билан биргаликда олиб борилса (Poisson, 2007, p. 17). Агар мазкур масала бўйича иштироклари таъминлай олинса, ўқитувчилар уюшмалари бу борада фойдали ҳамкорларга айланиши мумкин.

Шунингдек Тейлор томонидан Англиядаги “Яхши силжишга эришиш” схемаси учун тадқим этилган моделлар тўплами (Taylor, 2007, pp. 17–18) билан танишиб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ (14-жадвал). Ушбу схемада асосий эътибор ўқитувчиларнинг ўз ўқувчиларига репетиторлик қилиши масаласига қаратилган ва бунда бошқарувчилик структуралари етарли бўлиши (бошқа сўз билан айтганда етарлича масъулият мавжудлиги) ва аҳлоқий жиҳатдан муаммо йўқлиги таъкидланади. Шунингдек бошқа мактаблар ўқитувчилари, профессионал репетиторлар, “Малакали ўқитувчи статуси”га эга бўлган устозларни ҳам қамраб олган. Малакага эга бўлмаган университет талabalari ҳисобга олинмаган. Амалиёт ўтаётган ўқитувчилар фақат истисно ҳолатларидагина агар улар ўқувчилар ўқийдиган мактабга таниш бўлсалар, ҳисобга олинган. Ушбу моделлар тўплами бошқа ўринларда ҳам фойдали бўлиши мумкин. Аммо у кучли молиявий ресурсларга ва ўқитувчилар малакаси бўйича мустаҳкам асосга эга бўлган мамлакатда ишлаб чиқилганлигини ёдда тутмоқ лозим.

#### **14-жадвал. Англияниг “Яхши силжишга эришиш” схемасидан ўрин олган моделлар**

<i>Опциялар</i>	<i>Фойдали жиҳатлар</i>	<i>Чегараланганлик</i>
Синф ўқитувчиси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқувчилар ва уларнинг эҳтиёжлар ини билади</li> <li>• Ота-оналарни билади</li> <li>• Синфда мавзуни давом эттириш о сонроқ</li> <li>• Сифатни таъминлаш ишончлирок бўлиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Боланинг синф ўқитувчисига худди мактабдан ташқаридаги репетиторга каби жавоб бериши</li> <li>• Болани жалб этиш учун янги ёндошув/ шахс керак бўлиши мумкин</li> <li>• Ўқитувчининг жорий иш кўлами муаммо туғрдириши мумкин</li> <li>• Ўқитувчи доимо мактабдан кейинги фолият билан банд бўлар экан унинг вақти чегараланган бўлиши мумкин</li> <li>• Ота-оналарнинг ўқитиш бўйича фикри – репетитор синф ўқитувчисидан бошқа одам бўлиши керак</li> </ul>

Мактабдаги ёки мактаб билан лаоқаси бўлган бошқа ўқитувчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Кўриниш ва услугуб ўзгариши</li> <li>● Кенгрок тажрибага эга бўлиш</li> <li>● Мактаб тизимлари ва қоидаларида н хабардорлик</li> <li>● Жуфтликда бўлиб ишлаш имкони яти</li> <li>● Синф ўқитувчиси ва ота-оналар б илан боғланиш осонроқ бўлиши</li> <li>● Баҳолар ва режалар билан таниши ш имконияти</li> <li>● Бола ва ота-онага таниш бўлган и нсон бўлиши мумкин</li> <li>● Сифатни таъминлаш ишончлирек бўлиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ўқувчилар ўзгаришга ишончсизлик ан бил қарashi</li> <li>● Бола эҳтиёжларидан хабардор бўлмаган ўқитувчи</li> <li>● Ўқитувчининг жорий иш кўлами муамм о бўлиши мумкин</li> <li>● Ўқитувчи доимо мактабдан кейинги фа олия билан банд бўлар экан унинг вақт и чегаралangan бўлиши мумкин</li> <li>● Ота-оналарнинг ўқитиши бўйича фикри – репетитор синф ўқитувчисидан бошқа одам бўлиши керак</li> </ul>
Қарама-қарши репетиторлик Яъни ҳамкор мактаблар ўқитувчилари	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Янги инсон/янги ғоялар</li> <li>● Ўқитувчилар учун янги тажриба</li> <li>● Кейинги босқичга ўтишни такоми ллаштиради ва кучайтиради</li> <li>● Турли мавзелар мактаблари яхши услублар билан ўртоқлашиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Жорий “босқичдан ташқаридаги” ўқитувчилар учун машгулот талаб этилиши мумкин</li> <li>● Ўқитувчилар ўзгаришига қўпроқ кўник иб колган нисбатан катта ёшдаги ўқувчилар учун яхшироқ</li> <li>● Мазкур босқичдан кутиловчи натижала рдан бехабар бўлган ўқитувчилар</li> <li>● Боланинг эҳтиёжларини билмайдиган ўқитувчилар</li> <li>● Репетиторлик машғулотлари сифатини кузатиб бориш нисбатан қийинроқ</li> </ul>
Исталган ўқитувчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Янги инсон/янги ғоялар</li> <li>● Ўқувчи эҳтиёжларига янгича назар</li> <li>● Ўқитувчиларнинг дастурда иштирокини кенгайтиради</li> <li>● Бошқа йўналишлар бўйича ишлаш тажрибаси</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Фан бўйича асосий босқичдаги етарлич а билимга эга бўлмаслик</li> <li>● Мактаб тизимини тушунмаслик</li> <li>● Синф ўқитувчиси билан алоқа ўрнатиш вақт ва ўргадаги масофа туфайли нисбатан қийинроқ бўлади</li> <li>● Босқичдан кутилаётган натижалардан б ехабар бўлади</li> <li>● Боланинг эҳтиёжларини билмайдиган ўқитувчилар</li> <li>● Репетиторлик машғулотлари сифатини кузатиб бориш нисбатан қийинроқ</li> </ul>
Репетиторлик ташкилоти	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Репетиторларни ишга ёллайди</li> <li>● Танлаш учун кўпроқ имконият бўлади</li> <li>● Барча бошқарув маҳаллий маъмур ият томонидан амалга оширилади</li> <li>● Салоҳият ва вақт муаммо бўлмайди</li> <li>● Мактабдаги ўқитувчилар ишини енгиллатади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Энг сўнгги стратегиялардан хабардорлик даражаси</li> <li>● Репетиторлик машғулотлари сифатини кузатиб бориш нисбатан қийинроқ</li> <li>● Репетиторнинг географик жиҳатдан жойлашган манзили</li> <li>● Ўқувчилар ва ота-оналар билан тезда ал оқа ўрната олиш қобилияти</li> <li>● Мактаб тизимларини тушуниб етиш, масалан ўқувчиларни кузатиш/тўғирлаб б</li> </ul>

		<p>ориш</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Бино билан боғлиқ ҳаражатлар</li> <li>• Хавфсизлик масалалари</li> </ul>
<p><b>Бошқа варианлар:</b></p> <p>Маслаҳатчилар; етакчи ўқитувчилар; такомиллаштирувчи таълим ўқитувчилари; ўқитувчилик ка қайтган мутахассислар; ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ); бошқа жойда ишловчи ўқитувчилар/ етакчи- ўқитувчилар; оиласда дарс беруви чи репетиторлар (Малакали ўқитувчи статуси [МҮС]га эга бўлиши лозим); ўргатувчи устозлар (МҮСга эга бўлиши лозим); амалиётчи ўқитувчилар, агар мактабга таниш бўлсалар ва факат истисно холларида</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Инсон ва услугуб ўзгариши</li> <li>• Кенгроқ тажрибага эга бўлиш</li> <li>• Бола ва ота-онага таниш бўлиши мумкин</li> <li>• Фан бўйича етарлича билимга эга бўлади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Репетиторлик машғулотлари сифатини кузатиб бориш нисбатан қийинрок</li> <li>• Асосий боскичга мос келувчи сўнгги ва ушуб соҳадаги тажриба</li> <li>• Асосий боскич бўйича мазкур фандан етарлича билимга эга бўлмаслик қўшимча тайёргарлик ва ёрдамни талааб этиши мумкин</li> </ul>

## **Бозорни тизгинлаш**

Сиёsatчилар орасида “хусусий репетиторлик аллақачон мавжуд ва уни ҳаттоки хукумат йўқотишни истаса ҳам йўқотиб бўлмайди” деган фикрни қўллаб-куватловчилари ўртада мақбул уйғунликни яратиш мақсадида бозорни тизгинлаш усулларини тадқиқ этиш ҳакида ўйлаб кўришлари мумкин. Юқорида бунга мисоллар келтирилди. Масалан, Мавританияда соядаги тизимни ёруғликка олиб чиқиш ва қандайдир бошқарувни ўрнатиш мақсадида ўқитувчиларга репетиторлик қилишда мактаб синфхоналаридан фойдаланиш хукуки берилган. Худди шунга ўхшаш Занзибарда давлат мактабларига қўшимча дарслар учун катта бўлмаган миқдорда тўлов ўрнатишга рухсат берилган бўлиб, бундай дарсларни ўша мактаб ўқитувчилари расмий иш соатларидан кейин, ота-оналар билан келишган ҳолда олиб борадилар. Ушбу рухсат хукумат хужжатида (Zanzibar, 1998, p.18) қўйидагича тушунтирилади:

“Қанчалик зиддиятли туюлмасин, ушбу чора ота-оналарга ўқитувчиларнинг ойлик маошига ўз хиссаларини қўшиш бўйича кўп учрамайдиган имкониятни таклиф этади ва бу орқали улар ўқитувчиларнинг рағбатини ошириш ҳамда уларнинг бошқа иш қидиришга мойиллигини камайтиришга эришадилар. Ушбу чора таълим олиш имкониятига ижобий таъсир қиласи, чунки, таълим муассаларига тобора ўсиб бораётган қабул қилинувчилар билан ўқитувчилар сони нисбатининг бироз мутаносиблиги таъминланади”.

Ушбу чора ўқитувчилар ўз меҳнатлари учун истаган маошларини олишларини таъминлаш учун таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши борасида уларнинг босимини кучайиши билан боғлиқ бўлган баъзи хатарлардан холи эмас. Бундан ташқари, хусусийлаштиришнинг яширин кўринишига айланиб қолиши ҳам мумкин бўлиб, унда таълим бериш анъанаси ўзгариши мумкин ва бу ўзгаришни ортга қайтариш мушкул бўлади. Шунга қарамасдан, хукумат репетиторлик мавжудлигини тан олди ва у билан асосий таълим тизими орасида уйғунликни шакллантиришга жазм қилди.

Яна бир қатор ташаббусларни мактаб даражасида аниқлаш мумкин ва уларни туман

ёки ундан юқори даражаларга олиб чиқиши мүмкін. Комбоджияда, худди бошқа жойларда бўлгани каби, мактабларда маъмурият ўқитувчилар обрўлироқ предметлардан дарс бериш ва юқори синфларга дарс беришга кўпроқ қизиқишиларини аниқланди, чунки шундагина улар хусусий репетиторлик учун кучлироқ бозорга эга бўладилар. (Bray and Bunly, 2005; Dawson, 2009). Натижада қуйироқ синфлар ва бошқа предметлар эътибордан четда қолиши мүмкін. Бу борада узоқни кўра оладиган бир бош ўқитувчи томонидан қуидагича услугуб қўлланилган. У репетиторлик орқали топилган даромадларни йиғиб уни мактабдаги барча ўқитувчилар ўртасида тақсимлаган. Ушбу чора унинг ўз ташаббуси орқали тадбиқ этилган, аммо уни бутун тизимга ҳам тадбиқ этиш мүмкін.

Хукуматлар шунингдек репетиторларни ўз малакаларини оширишга рағбатлантиришлари мүмкін. Масалан Тайванда репетиторлик хизмати кўрсатувчилар уюшмаси мавжуд бўлиб, у ўз аъзоларининг билим олиш ва иш юритиш бўйича фаолиятини кузатиб боради. 1999 йили Тайпей шаҳрида 1150 та репетиторлик мактаблари мавжуд бўлиб, уларнинг ярми “Тайпей шаҳар Репетиторлик орқали таълим берувчилар уюшмаси” аъзолари бўлган. Ушбу уюшмада омма томонидан унга аъзо бўлган мактаблар устидан қилинган шикоятларни кўриб чиқиши, хабарномалар чоп этиши кабилар билан машғул бўлган ва ўз-ўзини бошқарувчи орган сифатида иш юритган (Bray, 2003, p. 57). Грецияда шунга ўхшаш орган “Греция Фронтистрия ўқитувчилари федерацияси” деб аталган бўлиб, у 1981 йилда ташкил топган ва 2008 йилга келиб репетиторлик мактабларига эга бўлган 3000 аъзо ва ўзи репетиторлик қилувчи 37 000 аъзога эга бўлган (Hagitegas, 2008a, p. 1; see also Hagitegas, 2008b). Ушбу ташкилотлар профессионал органлар бўлиб, давлат улар билан мулоқотга киришиши ва болалар фаровонлиги масаласи билан боғлиқ бўлган, иккала тараф манфаатига мос келувчи масалалар бўйича музокара олиб бориши мүмкін.

Бошқа репетиторлик компаниялари сифатни назорат қилиш стандартларидан фойдаланишга ургу бериш орқали ўз обрўларини юқори даражада ушлаб туришга ҳаракат қиласидилар. Германияда “Schuerhilfe.de” деб аталувчи репетиторлик хизматлари кўрсатувчи катта компания ИЗО 9001 бошқарув сифати сертификати талабларига мос равишда иш олиб боришлигига ургу беради. Францияда “Комплетюд” (Complétude) ҳам рақобатчиларидан ўзини шундай услубда ажратишга ҳаракат қиласиди. Ушбу ташаббуслар компанияларнинг ўзлари томонидан тадбиқ этилган, аммо, албатта уларни бунга ҳукумат ҳам ундаши мүмкін. Бунда ҳукумат агар бундай компаниялар ўзлари ушбу услубда бошқариб бормайдиган бўлсалар ташқи томондан бошқариш хавфи қўллаш орқали иш кўриши мүмкін.

Шунингдек ҳукумат аҳолининг маълум бир қатламлари хабардорлигини ошириш мақсадида репетиторлик мактабларининг маркетинг стратегияларидан ҳам фойдаланиши мүмкін. Кореяда, Ким (Kim, 2007, p. 14) хабар беришича, хусусий муассасалар ўқитувчилари одатда юқор-ўрта-синф ҳамжамиятлари ва қуий-синф ҳамжамиятлари ўртасидаги фарқларни аниқлаб олганлар ва қуий-синфга мансуб бўлган ота-оналар ўз фарзандларининг билим олишга унчалик мажбур қилмасликларини биладилар. Репетиторлик муассасалари ўз бозорлари кўламини кенгайтириши истар эканлар улар “инсонларнинг ижтимоий мобилликка бўлган қизиқишиларини таълим орқали фаол равишда оширишга ҳаракат қиласидилар”. Бундай ҳаракат қуий-синф ҳамжамиятлари аъзолари орасида таълим билан боғлиқ бўлган фаолиятларни тарғиб этиши орқали ҳукуматнинг мақсадларига ҳам хизмат қиласидан бўлиб чиқади.

Худди шундай услубда ҳукумат нодавлат ташкилотлари (НДТ) ва фуқаролик жамияти ташкилотлари орқали репетиторликни тарғиб этиши мүмкін. Жалалуддин (Jalaluddin, 2007,

р. 4) бу борада Бангладешдаги “Ҳамжамиятда таълимига кўмак лойиҳаси” (ХТКЛ) ҳақида ёзади. Лойиҳа 1998 йилда ишга туширилган бўлиб, мақсади таълимни такомиллаштириш бўйича болалар ва ҳамжамиятларга ўз салоҳиятларини оширишда ёрдам беришдан иборат. ХТКЛ фаолиятининг асосий қисмларидан бири ҳамжамиятда жойлашган репетиторларни ишга ёллашдан иборат. Асосан улар маҳаллий ҳамжамиятлар томонидан танланган колledge ва университет талабалари бўлиб, ҳамжамиятлар билан ҳамкорлик қилаётган НДТлари томонидан тайёргарликдан ўтадилар. Репетиторлар мактаб ўқитувчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилган ҳолда иш олиб борадилар, лекин уларнинг бошқаруvida бўлмайдилар.

Мисрда ҳам шунга ўхшаш ташабbus мавжуд. У ерда хукумат соядаги таълим тизимига асосан салбий муносабатда бўлади. Аммо шунга қарамасдан хайрия ташкилотларини кам даромадли гуруҳлар вакилларига масжидларда, черковларда ва бошқа биноларда сабоқ беришга ундаш билан боғлиқ бўлган жиҳатларини кўллаб-қувватлашга аҳд қилди. Хартман (Hartmann, 2008, p. 41)нинг баён этишича репетиторликнинг ушбу расмий ва қонуний кўриниши “ноқонуний репетиторлик амалиётининг кенг тарқалишига жавоб чораси сифатида” тадбиқ этилган. Хусусий кўнгиллилар уюшмалари Таълим вазирлиги эмас, Ижтимоий масалалар вазирлигига рўйхатдан ўтиши талаб этилади.

## **Бошқарув тизимларини такомиллаштириш**

Бошқарув тизимлари хусусидаги гапни Силова (Silova, 2007) томонидан тайёрланган материалдан бошлаш фойдадан холи бўлмайди. Унинг айтишича (9-саҳифа) хусусий репетиторликнинг Шарқий Европа ва Осиёдаги кенг кўлами ва салбий оқибатларига қарамасдан, мазкур минтақадаги у томонидан таҳлил этилган 12 мамлакатнинг факат олтитасидагина бошқарув тизимлари мавжуд бўлган, булар: Қозоғистон, Литва, Монголия, Словакия, Тожикистон ва Украина (15-жадвал).

**15-жадвал.** Европа ва Осиёнинг олтига мамлакатида хусусий репетиторликни бошқариш бўйича ўрнатилган қонун-коидалар

Қозоғистон	Давлат таълим муассасалари томонидан қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш 1999 йилдаги қарор билан тартибга солинган. Хусусий репетиторлик давлат ўқу в дастурида кўрсатилган соатлардан ташқари ўқувчиларга мактаб фанлари бўйи ча хусусий равишда қўшимча дарслар ўтиш сифатида таърифланган. Қарорда ш унингдек мактаблар бундай қўшимча таълим хизматларини давлат таълим станд артларидан ташқари равишдаги қўшимча таълим дастурлари сифатида тақдим э тишлари ҳам мумкинлиги кўрсатилган.
Литва	2003 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” қонун эркин ўқитувчи тушун часига таъриф беради. Унга кўра, эркин ўқитувчи мустақил равишда таълим фа лияти билан шуғулланувчи, лицензияга эга бўлган шахс ҳисобланади. Эркин ўқ итувчи норасмий таълим олиб бориши ёки мактабгача таълим ўқув дастурига ва /ёки расмий таълим дастурига қўшимча бўлган дастур модулларини тадбиқ этиши мумкин. Эркин ўқитувчилар ўз хусусий дастурлари асосида ишлаш, педагогик фаолият услублари ва кўринишларини танлаш ҳамда маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эгалар. Қонунда эркин ўқитувчиларнинг мажбуриятлари белгилаб чиқилган. Уларга аҳлоқ коидаларига риоя қилиш, тингловчиларнинг ха вфизиологиини таъминлаш, гигиена талабларига жавоб берувчи дарс ўтиш жойига эга бўлиш ҳамда дарс бериш фаолиятини ўқувчилар билан келишиб олинган аснода олиб бориш кабилар киради. Қонунда эркин ўқитувчилар асосий таълим тиз имига мансуб бўлган мактабда ўзлари дарс берадиган ўқувчиларга репетиторлик қилишлари таъқиқланган.

Монголия	“Таъли тўғрисидаги” қонунга 2006 йилда киритилган ўзгартиришлар ҳамда 2007 йилда қабул қилинган “Мактабгача таълим, бошлангич таълим ва ўрта мактаб ўқитувчилари касб этикаси кодекси” ўқитувчилар асосий таълим тизимидағи мактабда ўзлари дарс берадиган ўқувчиларга репетиторлик қилишлари таъкиланади. Хусусан, “Касбий ахлоқ кодексининг” 2-бобида ўқитувчилар “ўқувчиларни к итоблар, ўкув материаллари ва бошқа ашёлар сотиб олиш, қонунда кўрсатилмаган тўловлар ва ҳаражатларни тўлаш ҳамда таъмагирлик орқали хусусий репетиторлик таклиф этишлари таъкиланади” дейилган. “Касбий ахлоқ кодексини” бузган ўқитувчилар жаримага тортилади ёки ўқитувчилик сертификатларидан маҳрум этилиш орқали жазоланадилар.
Словакия	“Тижорий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги” қонунда чет тиллар ва гуманитар фанлар бўйича репетиторлик қилиш шартлари кўрсатилган. Чет тиллар бўйича репетиторлик қилиш фақат мазкур йўналиш бўйича маълумот (университетди пломи ёки чет тили курси сертификати)га эга бўлган ва ёки мазкур тил расмий тил хисобланган мамлакатда 10 йилдан кам бўлмаган давр мобайнида яшаган шахсларгагина руҳсат этилади. Гуманитар фанлар бўйича сабоқ бериш ёки репетиторлик қилиш шундай ўкув юрти дипломига эга бўлган ёки ушбу жабҳада 10 йилдан кам бўлмаган тажрибага эга бўлган инсонларга руҳсат берилади. Аммо бошқа мактаб фанларидан репетиторлик қилувчиларга оид талаблар ёки ўқитувчиларнинг ўзлари репетиторлик қилишини қонуний таъкилаш мавжуд эмас.
Тоҷикистон	2004 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” қонунда хусусий репетитор мактаб ёки университетдаги [расмий] иш соатлардан ташқари вактда ўқитувчилабаларга якка тартибда ёки гуруҳларда машғулот ўтказувчи ўқитувчи” деб таърифланади. Қонуннинг 24-моддасида ота-оналар ёки бошқа васийлар ўрта мактаблардан тўлов асосидаги кўшимча дарслар ташкил этишни талаб этишлари муමкинлиги кўрсатилган. Қонунда кўшимча машғулотлар расмий ўкув дастурига қўшимча равишда куйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкинлиги белгиланган: (1) давлат ўкув дастуридан жой олмаган алоҳида дастурлар ёки мавзулар; (2) таълим муассасалари томонидан қамраб олинмаган мавзуларни чукур ўрганиш; (3) давлат таълим стандартлари юқори чегарасидан ташкарида бўлган бошқа таълим хизматлари.
Украина	2003 йили Таълим ва фан вазирлиги мактаб ҳудудида хусусий репетиторликни таъкиклаб қўйди. Ота-оналарнинг “мажбурий репетиторлик” (ўқувчининг синфи ўқитувчиси томонидан олиб борилувчи ва/ёки талаб этилувчи репетиторлик) бўйича шикоятларига жавобан 2004 йили Вазирлик ўқитувчиларга ўз ўқувчиларига репетиторлик қилишини маън қилди.

Манбась: Silova (2007), pp.10–11.

Ушбу олти мамлакат орасида Литва энг мукаммал ишлаб чиқилган қонунга эга. Литванинг 2003 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” қонунида хусусий репетиторга тўла таъриф берилган (у “эркин ўқитувчи” сифатида таърифланган) ва рўйхатдан ўтиш тартиби муфассал қайд этилган. Шунингдек қонунда хусусий репетиторларнинг мажбуриятлари баён этилган. Жумладан, ўқитувчиларнинг ахлоқи қоидалари, ўқувчиларнинг хавфсизлиги ҳамда репетиторлик ўтказилувчи жойнинг талабларга жавоб бериши кабилар белгиланган. Литва қонунида баъзи ўқитувчилар айни вақтда асосий таълим тизимида ҳам меҳнат қилишлари мумкинлиги кўрсатилган, аммо уларнинг мазкур мактаблардаги ўз ўқувчиларига репетиторлик қилиши таъкиланган (жумладан қаранг: Būdienė and Zabulionis, 2006, p. 218).

Литвадан фарқли ўлароқ Словакияда “Тижорий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги” қонунда факат чет тиллар ва гуманитар фанлар бўйича репетиторлик қилишга оид шартлар ёритилган. Бошқа мактаб фанлари бўйича хусусий репетиторлик қилишга оид талаблар ѕўйилмаган ва кўп репетиторлар соядаги таълим тизимида лицензиясиз ҳамда даромад

солиги тўламаган ҳолда иш олиб борадилар (жумладан қаранг: Kubánová, 2006, p. 282). Бундан ташқари ўқитувчиларнинг ўзлари томонидан репетиторлик қилинишини таъкиқловчи қонунлар йўқ. Мазкур гуруҳдаги мамлакатларнинг фақат учтасида (Литва, Монголия ва Украина) ўқитувчилар мактаблардаги ўз ўқувчиларига репетиторлик қилиши таъкиқланган.

Силова таъкидлашича (Silova, p.11) ушбу қонунлар камдан кам ҳолатларда тадбиқ этилган. Айниқса Қозоғистон ва Тожикистондаги жараёнлар мураккаб ва қиммат бўлган; ҳаттоки энг мукаммал тартиб ишлаб чиқсан Литвада ҳам фақат оз сонли репетиторларгина талаб этилганидек рўйхатдан ўтганлар. Нима бўлганда ҳам Литва давлат солиқ қўмитаси шахс репетиторлик билан шуғулланиб, декларация қилинмаган даромад олаётганигини исботлаш деярли мумкин эмас деган фикрга келган. Қозоғистон ва Тожикистондаги қонунларда ота-оналар қўшимча машғулотлар учун тўловларни таълим муассасасининг банк рақамига ўтказишлари лозимлиги кўрсатилган. Аммо Қозоғистондаги давлат мактабарининг фақат озчилигига банк рақами мавжуд бўлса, Тожикистондаги биронта ҳам давлат мактаби банк рақамига эга эмас. Шунингдек, Силованинг солиқ имтиёзлари мавжуд эмаслигини айтиб ўтади (12-саҳифа). Тожикистонинг “Таълим тўғрисидаги” қонунида “пуллик таълим хизматидан олинган даромадлар Тожикистон қонунлари асосида солиққа тортилади” деб кўрсатилган. Аммо, давлат ушбу тартибни жорий қилиш учун ҳеч қандай механизмлар яратмаган ва репетиторлар ихтиёрий равишда ушбу қонунга риоя қилишлари учун ҳеч қандай имтиёзларга эга бўлмаганлар.

Бошқа мамлакатларда ўзгача қонуний тартиблар ва нормалар ўрнатилган. Ҳаттоки Корея ва Япония ўртасида ҳам сезиларли даражада фарқлар мавжуд. Ваҳоланки, мустамлака даврида Япония Кореянинг қонунчилигига жуда катта таъсир кўрсатган. Ким ва Ли (Kim and Lee, 2008, p. 9) таъкидлашича “хаквун”лар эгалари давлатдан рухсат олишлари лозим. Уларда ишловчи ўқитувчилар муайян академик талабларга жавоб бериши, муассаса эса хавфсизлик стандартларига мос бўлиши лозим. Шунингдек қонунларда тўловлар давлатнинг маҳаллий таълим бошқармаси қошидаги комиссия томонидан ўрнатилган микдордан кам бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Ким ва Ли (Kim and Lee, 2008, p. 9) бу борада шундай дейди:

“Кучли бошқарув Япониядаги “жуку”лар фаолиятига аралашмаслик ёндошувининг тамоман акси. Япония хукумати “жуку”ларга худди бошқа кичик бизнес субъектларига қарагандай қарайди ва уларни тартибга солмайди. Шундай экан, хусусий таълимнинг турли кўринишларини қамраб олувчи ва таълимга бўлган талабга мослашувчанлиги юқори бўлган “жуку”лардан фарқли ўлароқ “хаквон”лар нисбатан тор имкониятларга эга бўлган ва мактаб кўринишига яқин бўлган формалардир”.

Ушбу фикрга Даеркес (Dierkes, 2008) ва Мори (Mori, 2008) каби мутахассислар ҳам қўшиладилар. ТРХИ форумида тақдим этилган бошқа мисолларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- *Австрияда* репетиторлик аксарият ҳолларда якка тартибда, “касаначилик” кўринишида олиб борилиб, унда асосан университет талabalари, нафақаҳўрлар ва амалиётдаги ўқитувчилар фаолият юритадилар. Давлат ходимлари тўғрисидаги қонун-қоидаларга асосан ўқитувчилар ўз мактаблари ўқувчиларига репетиторлик қилишлари таъкиқланади (Gruber, 2007, p. 3; see also Gruber 2008).
- *Ҳиндистонда* репетиторликни тартибга солувчи миллий сиёsat мавжуд эмас, аммо баъзи штатлар ўз тартиб-қоидаларига эга бўлиб, (Sujatha, 2007, pp. 29–30) уларнинг аксариятида расмий таълим тизимида ишловчи ўқитувчиларга репетиторлик билан

шуғулланиш маън этилади. Баъзи штатларда жиддий молиявий танглик ахволида қолган ўқитувчиларга мактаб раҳбаридан рухсат олган ҳолда, чегараланган қўламда репетиторлик билан шуғулланиш мумкин. Сужата (Sujatha, p.29) бу борада шундай ёзади: “ўқитувчилар чегараланмаган услубда хусусий сабоқ бериш билан шуғулланиши барчага аён бўлган ҳолат”. Махараشتра штатитда устозлик марказлари Штат даромад бошқармасининг тадбиркорлик муассасалари тўғрисидаги қонуни асосида рўйхатга олинса, уйда сабоқ бериш учун репетиторлар етказиб берувчи агентликлар Хайрия қўмиитаси қонуни асосида рўйхатга олинади. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, рўйхатдан ҳар уч йилда ўтиб туриш лозим, аммо бу “мутасадди бошқармалар ва масъул шахсларнинг лаёқатсизлиги туфайли одатда амалга оширилмайди” (Sujatha, 2007, p. 30).

- *Намибияда* “қўшимча дарс беришни тартибга солувчи ҳеч қандай қонун-қоида йўққа ўхшайди” (Nghiyoonnanye, 2007, p. 2), ваҳоланки мазкур амалиёт борган сайин очик-ойдин олиб борилмоқда.
- *Португалия* хукумати 1999 йилда таълим соҳасида “хусусий фаолият орқали давлат функцияларини қамраб олиш” тўғрисида қонун қабул қилди (Neto-Mendes and Costa, 2007, p. 3). Ушбу йўсинда фаолият юритиш учун рухсат фақатгина “мазкур хусусий фаолият ҳамда мазкур шахс томонидан амалга оширилаётган ўхшаш ёки бир хил маънодаги давлат функцияси битта [ўқитувчининг асосий ишидаги] ўқувчига нисбатан олиб борилмасагина берилиши мумкин”. 2005 йилда қабул қилинган янада муфассал ишлаб чиқилган қонунда давлат мактабида ишловчи ўқитувчи хусусий фаолият олиб бора олмаслиги кўрсатилган. Бунга хусусий қўшимча дарслар бериш ҳам киради агар тингловчилар айнан ўша мактабнинг ўқувчилари бўлса. Аммо Нето-Мендес ва Костанинг (Neto-Mendes and Costa, 2007, p. 3) айтишича:

“Бизнинг билишимизча қонуний хужжатлар томонидан ўрнатилган чекловлар факат қўйидагича қийматга эга: улар сиёсатчилар томонидан жамиятга юборилган, имкониятлар ва чекловларга равшанлик киритувчи кўрсаткич.... Аммо уларнинг самарадорлиги бўйича катта шубҳа бор, айниқса агар бир томонидан улар ушбу тартиб-қоидаларнинг афзаллигини ёритиб берувчи қўшимча чоралар билан бирга тадбиқ этилмаса...иккинчи томондан эса, қабул қилинган тартиб-қоидаларни кўллаб-қувватлаш ва тадбиқ этиш бўйича ҳукуматнинг қатъийлик ва назоратни ўз ичига олевчи аниқ ва жиддий қарори намоён этилмаса”.

- *Сингапурда* расмий таълимда ишловчи ўқитувчилар агар ҳафтасига олти соатдан кўп бўлган миқдорда хусусий дарс бериш билан шуғулланмоқчи бўлсалар, бунга рухсат олишлари лозим бўлади. Шунингдек, уларга ўzlари ишлайдиган мактабдаги ўқувчиларга репетиторлик қилиш таъқиқланади. Аммо ушбу қонун қатъий тадбиқ этилмаган. Аслида репетиторликнинг сифатини назорат қилувчи ҳеч қандай қонун қабул қилинмаган (Tan, 2007; see also Tan, 2009, p. 100).
- *Макаода*, 1998 йилда қабул қилинган қонунга кўра репетиторлик ўкув марказларидан лицензия олиш ҳамда гигиена ва хавфсизлик стандартларига жавоб берадиган жойларда фаолият юритиш талаб этилади (Sou, 2007, p. 3). Лицензияга эга бўлган субъект “Жиноий жавобгарликдан ҳолилик шаҳодатномаси”ни топшириши лозим бўлади. Шунингдек, кундалик бошқарувга масъул бўлган шахс энг камида олий ўкув юртининг қуий курси талабаси даражасидаги малакага эга бўлиши лозим. Бошланғич,

қүйи ўрта ва юқори ўрта мактаб ўқувчиларига сабоқ берувчи репетиторлар ўз навбатида энг камида бошланғич ўрта, юқори ўрта ва олий маълумотга эга бўлишлари лозим. Репетиторлик марказларининг лицензиялари ҳар йили янгиланиши лозим. Давлатнинг Таълим ва ёшлар масалалари бюроси лицензияга эга бўлмаган марказларни фаолиятини тўхтатиб қўйиш хукуқига эга. Рўйхатдан ўтиш тизими катта меҳнат талаб этиши ва ўзига яраша фойдалар келтириши туфайли баъзан лицензияга эга бўлган репетиторлар лицензиясиз ишлаётган репетиторларни хукуматга хабар қилиб турадилар.

- Уганда, Таълим ва спорт вазирлиги “устозлик бўйича аниқ бир қонун-қоида қабул қиласан” (Eilor, 2007, p. 33). Вазирлик турли хил хизмат хабарномаларини тарқатган, репетиторлик орқали ўз вазифасини сунистеъмол қилганликда айблаб бир қатор бош ўқитувчилар ва ўқитувчиларни ўз вазифасидан озод қилган ҳамда репетиторликка чек қўйиш бўйича биргаликда ҳаракат қилиш таклифи билан мунтазам равища отаоналарга мурожаат қилиб турди. Аммо “устозлик бўйича турли хил бошқарув даражаларининг вазифалари бўйича аниқлик йўқлиги сабабли мавжуд муаммоларни хал қилишнинг самарали механизми ишлаб чиқилмаган” (Eilor, 2007, p. 33).

Англиядаги ҳолатлар ҳам эътиборга лойик. Айрсоннинг таъкидлашчиша (Ireson, 2007a, p. 5) репетиторлик фаолиятнинг мавжуд қўринишлари бўйича “истаган инсон ҳеч қандай малака ва тажрибасиз репетиторлик фаолиятини бошлиши мумкин”. Аммо хукуматнинг “Яхши силжишга эришиш” схемаси ким репетитор тариқасида ишга олиниши мумкинлиги ва бундай инсонга қанча ҳақ тўлаш лозимлиги хусусида муфассал тартиб-қоидаларга эга. Масалан Хертфордшир маҳаллий хокимияти томонидан (Hertfordshire Local Authority, 2009) оммага “Маълумотлар тўплами” тақдим этилган бўлиб, унда мазкур схема бўйича ишга ёлланувчи репетитор қўйидагиларга эга бўлиши лозимлиги кўрсатилган:

- Малакали ўқитувчи статуси (МЎС)га эга бўлиши лозим, айни вақтда у ўқитувчи сифатида ишлаётган бўлиши шарт эмас; ёки
- Ёз мавсумида МЎСга эга бўлмасада, яқин келажақда МЎС олиши кутилаётган бўлиши; ёки
- Чет элда таълим олган ва Англия мактабларида дарс бериш хукуқига эга бўлган ўқитувчи бўлиши; ёки
- Кўшимча маълумот ёки Олий маълумотга ва мазкур фан бўйича малакага эга бўлган ўқитувчи бўлиши.

Мазкур схема асосида фаолият юритувчи барча ўқитувчилар “Жиноий ишлар архиви”дан у ерда рўйхатда турмасликлари тўғрисидаги маълумотнома олиб келишлари, Маҳаллий хокимият ёки мактабнинг Бошқарув органлари томонидан ишга олинган репетиторларга жорий иш ҳақи тарифлари асосида маош тўланиши лозим бўлиб, бу айни вақтда уларга нафақа олиш хукукини ҳам беради. Шарма (Sharma, 2009) мазкур схема тўрисида қўйидагича фикр билдиради:

“мамлакатдаги хусусий репетиторларнинг яшириниб юрган армияси, уларнинг кўпчилиги кечалари ишлайдиган мактаб ўқитувчилари бўлгани ҳолда.... давлатнинг мактабларида “индивидуал таълим” мақсадлари учун қадрли ресурслар сифатида ҳисобга олинади”.

Аммо, айни чоғда Таннер, Дэй ва бошқалар томонидан олиб борилган сўровнома (Tanner, Day, et al., 2009, p. 47) натижаларига кўра фаолият юритаётган 103 та репетиторлик

агентликларининг фақат 43 фоизигина ишга олаётган репетиторларидан ўқитувчилик малакасига эга бўлиш ёки МЎСни талаб этар этадилар, ваҳоланки 79 фоизи “Жиноий ишлар архиви”дан рўйхатда йўқлигини текширганликларини билдирганлар.

Мазкур тартибга солиш билан боғлиқ бўлган чораларнинг чизмаси баъзи давлатлар мазкур масалаларга жиддий қараши, аммо кўпчилик давлатларда бу борада ҳеч қандай тартиб-қоидаларнинг ўзи мавжуд эмаслигидан хабар берса, яна баъзиларида аниқ тартиб-қоидалар бўлгани ҳолда улар қатъий равишда тадбиқ этилмаслигини кўрсатади. Умуман олганда ушбу жабҳага қўпроқ равшанлик киритилиши лозим. Бу эса мамлакатларро солиштирув орқали олиб борилиши мумкин. Аксарият мамлакатларда расмий таълимда ишловчи ўқитувчилар ўз масъулиятлари остидаги ўқувчиларга репетиторлик қилишларини таъкиқлаш борасида кучли далиллар келтирилиши мумкин. Бундай ёндошув Англия ва Австралияда назарда тутилган ва расмий равишда қабул қилинган. Шунингдек у Франция ва бошқа бир қатор мамлакатларда рухсат этилган. Аммо коррупция билан боғлиқ бўлган имкониятларнинг мавжудлиги бундай репетиторлик турини таъкиқлаш фойдасига кучли далил бўлиши мумкин. Албатта бунда давлатлар расмий таълимда ишловчи ўқитувчиларни етарлича маош билан таъминлашлари лозим бўлади, токи улар эҳтиёжлари туфайли қўшимча даромад топишга киришишга мажбур бўлмасинлар.

## **4. Мониторинг ва Баҳолаш**

Сиёсатчилар ўз ваколатлари остидаги барча таълим кўринишларидағи режалаштирилган ва режалаштирилмаган ўзгаришларни аниқлаш учун мониторинг олиб боришилари лозим. Бунга қўшимча равишда қўлланилган чора-тадбирлар таъсирини ўрганиш учун баҳолаш механизми ҳам ўрнатилган бўлиши керак. Куйида хусусий репетиторлик жабҳасида бу борада қўлланилган тажрибалар келтирилади. Маълумотлар бир неча босқичларда бўлиши лозим: мактаб, туман, мамлакат ва халқаро миқёсда. Биринчи қисм мамлакат ичидаги баҳолашларга бағишлиланган бўлса, иккинчи қисмда халқаро миқёсдаги баҳолашлар кўриб чиқиласди.

### ***Миллий ва маҳаллий мулоҳазалар халқалари***

Ушбу китобнинг “Ташхис” боби хусусий қўшимча сабоқ беришнинг кўлами ва шакли бўйича аниқ маълумотлар олиш мушкул эканлигини айтиш билан бошланди. Турли сабабларга кўра репетиторлар, ўқувчилар ва ота-оналар ўзлари тақдим этаётган, олаёган ёки харид қилаётган репетиторлик миқдори ва турлари бўйича маълумот беришни истамасликлари мумкин. Шунингдек репетиторлик турли мавсумда турлича давомийлик ва жадаллиги бўйича одатда фарқ қиласди; шу билан бирга ўзгарувчилар сони қанчалик кўп бўлса, репетиторлик таъсирини аниқлаш шунчалик қийин бўлади.

Шунга қарамасдан репетиторликни кузатиб бориш ва баҳолаш *мумкинлиги* ушбу китобда тилга олинган бир қатор тадқиқотларда ўз исботини топган. Айрсон (Ireson, 2007a, р. 3) таъкидлашича одатда таълим муассасаларидағи ўқувчи ва талабалар энг яхши ахборот манбаи бўладилар, чунки улар синфда эканликларида уларга саволномаларни тўлдиритириб олиш нисбатан осонроқ. Фикрининг давомида у шундай дейди:

“Ўқувчилар орасида ўтқазилган сўровномалар репетиторлик кўриниши ва давомийлиги, турли фанлар бўйича репетиторликка бўлган талаб, олиб борилган репетиторлик машғулотларининг жадаллиги ҳамда мактаб йиллари давомида репетиторлик кўринишларининг ўзгариши бўйича катта миқёсда фойдали маълумот беради. Сўровномалар кўпинча қўшимча, демографик маълумотлар олиш ва шу билан бирга репетиторларни ёллаш сабаблари ва ўқувчиларнинг репетиторлар тўғрисидаги фикрлар тўплаш имконини беради”.

Тадқиқотчилар рақамларга асосланган фойдали сўровномаларни интервьюлар ва сифат билан боғлиқ бўлган бошқа услублар билан тўлдиришлари мумкин. Сифат билан боғлиқ фаолиятлар репетиторликнинг кўплаб турларини аниқлаш ва таснифлашга ёрдам бериши мумкин. Айни чоғда, эҳтимолий бўлмаган гурухлар орасида ўтқазилган сўровномалар фойдали маълумотлар бериши мумкин бўлсада, турли хил мамлакатларда репетиторликнинг кўлами ва вақт мобайнида ўзгаришини таққослашда уларда аниқланган маълумотдан факат чекланган даражада фойдаланиш мумкин.

Шунингдек Айрсон (Ireson, 2007a) сўровномадаги саволлар кўпинча жавоб берувчининг хотирасига боғлиқ бўлиб қолади, масалан қатналган дарслар сони ёки репетиторлик учун тўланган хақ хусусида гап кетганда. Жорий ҳолат бўйича саволларга берилиган жавоблар ўтмишдаги ҳолатлар бўйича берилиган саволларнинг жавобларига қараганда аниқ ва ишонарлироқ бўлишининг эҳтимоли катта. Репетиторлик учун сарфланган маблағлар бўйича саволларни ўқувчиларнинг ўзларидан сўраш орқали олинган

жавобларнинг тўғрилигига ишониш қийин бўлади, чунки ўқувчилар ота-оналари тўлаган маблағлар миқдоридан хабардор бўлмасликлари мумкин. Бундан ташқари ўқувчилар турли хил қўшимча дарслар ва хусусий машғулотларга қатнайдилар улар пулсиз ўтилаётган дарслар билан пуллик машғулотлар ўртасидаги фарқларни аниқ билмасликлари мумкин.

Юқоридаги масалаларнинг барчаси юзасидан мавжуд бўлган ҳолатлар бўйича муфассал маълумот тўплаш лозим бўлиб, бу саволлар тўғри тузилганлиги ва шунинг учун ҳам ишончли жавоб олиш имконини бериши имкониятини таъминлайди. Ёш болалар учун очик саволлар тузишда айниқса эҳтиёт бўлиш лозим. Айрсон бу борада шундай дейди(Ireson, 2007a, p. 5):

“Кундалик дафтардан фойдаланиш услуби ўқувчилар томонидан берилаётган жавобларнинг ишончлилигини ошириши мумкин, чунки маълумот ўтмишни эслаш асосида эмас, ҳозирдаги ҳолатга асосланган бўлади. Аммо, кундалик дафтарлар тўлдирилмай қолиши ёки йўқолиб қолиши мумкин. Бу эса уларнинг қайтарилиши эҳтимолини, ва натижада, берилаётган баҳонинг ишончлилиги даражасини тушириб юборади. Улар катта сўровномаларга мос келмаслиги мумкин, аммо ўқувчиларга тарқатилган сўровномаларга берилган жавоблар ишончлилигини текширишда қўл келади”.

Ота-оналар ҳам қўшимча ахборот манбаи бўла оладилар. Улар муайян ўқувчилар гурухлари учун мактабда олиб борилаётган қўшимча дарслар тўғрисида яхши маълумотга эга бўлмасликлари мумкин. Аммо ота-оналар улар репетиторлик ҳолатлари бўйича ишончли маълумотга эга бўладилар деб тахмин қилиш мумкин, чунки айнан улар одатда ўз фарзандлари учун репетиторлик машғулотларини ташкил қиласидилар ва бу машғулотлар қанча туриши тўғрисида маълумотга эга бўладилар. Инглиз мактабларида ота-оналарнинг исм-шарифлари ва манзиллари бўйича маълумотлар берилмаслиги сабабли Айрсон ўз тадқиқот стратегияси сифатида сўровномаларни болалар орқали уйга бериб юбориш услугини қўллаган. Бу сўровнома етказишнинг у қадар ишончли бўлмаган услуби. Аммо Айрсон олган жавоблар миқдорини салмоқли деб ҳисоблади. У 6-синф ўқувчиларининг ота-оналарига етказилган сўровномаларнинг 38 фоизига, 9- ва 11-синфлар ўқувчилари ота-оналарига бериб юборилган сўровномаларнинг эса 29 фоизига жавоб олишга эришган.

Ота-оналардан маълумот йиғишининг яна бир услуби уй хўжаликлари сўровномасидир. Репетиторлик бўйича саволлар аҳолини рўйхатдан ўтказиш билан боғлик бўлган сўровномаларга, масалан “Вьетнам ҳаёт даражаси сўровномалари” (Dang, 2007) га киритиб юборилиши мумкин. Аммо давлатнинг бир талай вазирликлари бундай сўровномаларга ўз саволларини киритиш учун тиришиб-тортишадилар. Айни вактда хусусий репетиторлик муаммоси устивор масалалардан бири деб саналмаганлиги туфайли у тўғрисидаги саволлар ҳам ўта даражада умумий бўлишлиги эҳтимоли юқори. Бундай ҳоллар учун баъзи мамлакатларда, масалан Гонконг (Bray and Kwok, 2003, p. 614) ва Англияда (Peters et al., 2009, p. 2) қўшимча ёндошув эҳтимолий равишда телефон орқали сўровнома ўтказишдан иборат. Бу ёндошувнинг ҳам ўзига яраша чегаралари мавжуд. Маслаан, респондентлар уларнинг ҳаётига аралашувдан жаҳллар чиқиши ёки репетиторликка тўланган маблағлар бўйича маълумотлар қўлларида бўлмаганлиги сабабли шу заҳоти жавоб беролмасликлари мумкин. Аммо шунга қарамасдан ушбу ёндошув орқали фойдали маълумотлар йиғиш мумкин.

Репетиторлик марказлари, хусусий репетиторлар ҳамда репетиторлик агентликлари ҳам фойдали маълумотлар манбаълари ҳисобланадилар. Ўқитиш марказлари ва

репетиторлик агентликларини рекламалар ва маҳаллий маълумотномалар орқали осонлик билан топиш мумкин. Ушбу рекламалар фойдали маълумот манбаълари хисобланади, айниқса уларда натижаларнинг “кафолатланиши” түғрисидаги катта ваъдаларнинг ўзи ҳам фойдали маълумот. Баъзи рекламаларда ўз бўлинмалари силсиласи орқали иш юритувчи компаниялар бўйича маълумот берилса, бошқалари географик жиҳатдан чегараланган фаолият бўйича маълумот беради. Бу эса ўз навбатида бутун мамлакат бўйича яхлит бир тасаввурга эга бўлишни қийинлаштириши мумкин. Хусусий репетиторлар ҳам баъзан ўзларини реклама қиладилар, аммо улар барча ўкувчиларини шахсий тавсиялар орқали йиғишлари ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда эса улар деярли “кўринмас” бўлиб қоладилар.

Айрсон (Ireson, 2007a, p. 5) яна шуни ҳам таъкидлайдики, хусусий репетиторлик бўйича мақола тайёрловчи журналистлар асосан катта агентликларнинг раҳбарлари билан ўтказилган интервюларга асосланадилар ёки бир неча хусусий репетиторлар билан сұхбатлашадилар. Бундай агентликлар албатта ўз тадбиркорлик жабҳалари хусусида яхши маълумотга эга бўлишлари керак, аммо қуйидаги эҳтиёт чораларини ҳам ҳисобга олмоқ лозим:

“Биринчидан журналист билан сұхбатлашишни истаган агентлик раҳбари мұваффақиятли фаолият юритаётган бўлиши ва буни оммага етказиш истагида бўлиши эҳтимоли юқори. Агентликлар ушбу йўл билан ўз фаолиятини бепул реклама қилишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек улар агар ота-оналар репетиторни ёллаш оддий, мақбул ҳолат деб билсалар, ўзлари ҳам репетитор ёллашлари мумкинлигини биладилар. Шундай қилиб агентликлар ушбу фаолият хусусида ижобий фикр билдиришлари ўз тадбиркорлик фаолиятларининг ўсишига ёрдам беради”.

Нима бўлганда ҳам, агар бундай агентликлар бутунлай мустақил бўлсаларда, улар бутун йўналиш бўйича маълумот беришлари мушкул бўлади.

Мониторинг мавзусидан баҳолаш масаласига ўтар экан Тейлор (Taylor, 2007, p. 11) 2007 йилда Англияда ишга туширилган “Яхши силжишга эришиш” схемаси бўйича режаларини айтиб ўтди. Унинг тушунтиришича ўқитиши ва ўрганишнинг сифати репетиторлик машғулотлари ва ўқув режаларининг намуналарини баҳолаш орқали амалга оширилади. Барча мактаблардан репетиторларга қатновчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича маълумотлар тақдим этишлари кутилган бўлиб, ушбу маълумотлар репетиторга қатнашнинг бошида ва охирида берилиши лозим бўлган. Репетиторликнинг охиридаги ўзлаштириш кўрсаткичлари синф ўқитувчилари томонидан тасдиqlаниши лозим бўлади. Турли тестлар ва ўқитувчи фаолиятини баҳолаш натижалари орқали репетиторга қатновчи ўқувчиларни кузатишни давом эттириш ва уларнинг натижаларини бошқаларнинг натижалари билан солишириш имконини бериши режалаштирилган эди. Ўз навбатида консультация фирмаси билан шартнома тузилиб, фирма 10 та маҳаллий ҳудуддаги 450 та бошланғич ва ўрта мактабдан иборат бўлган синов намунасини баҳолашни амалга ошириди (Pricewaterhouse Coopers, 2008). Баҳоловчиларнинг бошланғич тадқиқоти 16-жадвалда кўрсатилгани каби учта ишчи гурухлар ёрдамида олиб борилди.

<p><b>Чуқур ўқитиши блар макта</b>  <i>6 та бошлангич ва 4 ўрта мактабга эга бўлган ҳар бир маҳаллий хокимиятдан биттада н мактаб</i></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳар бир мактабга ташриф ва: <ul style="list-style-type: none"> <li>- асосий ходимлар, жумладан бош ўқитувчи, мактаб бўйича синов етакчиysi (МБСЕ), математика ва инглиз тили фанлари бўйича бош ўқитувчи лар, губернатор, таълим бўйича махсус эҳтиёжлар мувофиқлаштирувчи си, олдинга силжиш устози ва бошқа ўқитувчилар билан сұхбат қилиш;</li> <li>- ўрта мактаб ўқувчилари сўровномасини (ҳар бир мактабда 100 та 8-синф ўқувчилари) ёки бошлангич мактбдаги фокус гурухлари (ҳар бир мактабда 8-10 та 5-синф ўқувчилари) билан сұхбатлашиш; ва</li> <li>- ўқитувчилар ўртасидан қисқача сўровнома ўтказиш (ихтиёрий)</li> </ul> </li> <li>• Тахминан 100 та ўқувчининг ота-онаси / парваришловчиси билан ўтказилган сўровнома натижаларини чуқур ўқитиши мактабларининг ёрдамида китоб ҳолида чоп этиш.</li> <li>• Бу 8 ой муқаддам ўтказилган худди шундай фаолият ва 4 ой олдин бош ўқитувчилар ва МБСЕлар билан телефон орқали ўтказилган сўровномалар асосига қурилган.</li> </ul>
<p><b>Енгил ўқитиши макта блар</b>  <i>20 та бошлангич ва 20 та ўрта мактабга эга бўлган ҳар бир маҳаллий хокимиятдан тўртмадан мактаб</i></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳар бир мактабнинг бош ўқитувчиси ва/ёки МБСЕси билан телефон орқали сұхбат ўтказиш</li> <li>• Тахминан 100 та ўқувчининг ота-онаси / парваришловчиси билан ўтказилган сўровнома натижаларини енгил ўқитиши мактабларининг ёрдамида китоб ҳолида чоп этиш</li> <li>• Бу 8 ой муқаддам ўтказилган худди шундай фаолият (телефон орқали сұхбат ўрнига ҳар бир худуддаги бош ўқитувчилар/МБСЕлар билан фокус гурухи йиғини ўтказиш) асосига қурилган.</li> </ul>
<p><b>Аҳоли</b>  <i>Синовди қатнашаётган мактабларнинг қолганлари</i></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Барча бош ўқитувчилар учун Е-сўровнома ўтказиш (шунингдек 8 ой олдин чиқарилган)</li> <li>• 10 та худуд хокимиятидаги синов бўйича етакчилар билан сұхбатлар ўтказиш (бу ҳам 8 ва 4 ой муқаддам ўтказилган) ва ҳар бир худуддаги мактабларнинг тажрибалари бўйича кенгроқ маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилиш</li> </ul>

Манбась: Pricewaterhouse Coopers (2008), p. 6.

Бошқа мамлакатларда малакали мутахассислар ва/ёки молиявий ресурсларнинг ўйқлиги туфайли хукуматлар юқоридаги каби мураккаб ёndoшувларни қўллаш имкониятлари бўлмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, мавжуд давлат бошқаруви механизми орқали кўп нарсаларга эришиш мумкин. 2005 йилда Португалияning таълим вазири олий ўқув юртларига қабул учун миллий имтиҳонларга ариза бериш жараёнида ўрта мактабларнинг битирувчи синфлари ўртасида оддий сўровнома ўтказишга аҳд қилди (Costa et al., 2008). Сўровномага хусусий репетиторга қатнаганда ўрганилган фанлар, машғулотлар ўтилган жойлар, бундай машғулотлар учун сарфланган вақт ва маблағ тўғрисида саволлар киритилган. Бу чегараланган, яъни барча ўрта мактаб битирувчиларини эмас, фақатгина олий ўқув юртларига ўқишга киришни истовчиларни ўз ичига олган намуна бўлсада, у жуда ҳам яхши маълумот олиш имконини берган. Сўровномани қоғозда ёки интернет орқали тўлғазиш мумкин бўлган. Бу услугуб орқали жавоб қайтариш бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди, чунки қатнашчилар аллақачон имтиҳонларга рўйхатдан ўтиш учун формаларни тўлдиришга иштиёқ билан киришган бўлиб, уларнинг ҳеч бўлмагандан баъзилари мазкур алоҳида формани тўлдириш рўйхатдан ўтиш жараёнининг бир қисми деб ўйлаганлар.

Хукуматлар учун мониторинг ва баҳолашнинг яна бир варианти университетлар ва тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилишдан иборат. Мавритания тажрибаси таҳлил қилинганида хукумат топшириғи билан Мавритания Университети тадқиқотчилари томонидан олиб борилган фаолият тилга олинган эди (Joynathsing et al., 1988). Худди шунингдек, 2007 йилда Макао раҳбарияти Гонконг Хитой Университетининг бир гурӯҳ тадқиқотчиларини ёллаган ҳолда репетиторлик услублари ва ота-оналарнинг бунга муносабати бўйича сўровнома ўтказди (Но, 2008). “Очиқ жамият институти” собиқ совет мамлакатларида маҳаллий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик қилган ҳолда хусусий репетиторлик мавзусида тадқиқот ўтказган (Silova et al., 2006; Silova, 2009). Хукуматлар ҳам университет тадқиқотчилари томонидан олиб борилган мустақил таҳлиллар ва ҳалқаро ташкилотлар амалга оширган тадқиқотлардан нафланиши мумкин (масалан, қаранг: UNESCO, 2000; World Bank, 2004).

Шунингдек ҳариталаш бўйича Уганда ва Ботсванадаги дастлабки тадқиқотлар ТРХИ форуми томонидан рағбатлантирилган эди (Eilor, 2007; Makgothi, 2007). ТРХИ келажакда ҳам ушбу йўналишда мамнуният билан ёрдам бера олади.

## **Ҳалқаро майдонлар**

Ҳалқаро тадқиқотлар ҳам миллий сиёсатчилар ва режалаштирувчиларга ёрдам беради ва бу ёрдам нафақат мамлакатлар бўйича маълумотларга эга бўлиш, балки ҳалқаро миқёсдаги даражларни белгилаш орқали ҳам фойдалидир. Бу борада тўртта тадқиқот алоҳида эътиборга лойиқ.

“Учинчи математика ва аниқ фанлар тадқиқоти” (УМАФТ) ва ундан олдин ўтказилган “Математика ва аниқ фанларни ўрганиш ҳалқаро жараёнлари” (МАФЎХЖ) Таълимда ютуқларни баҳолаш (ТЮБ) ҳалқаро ассоциацияси раҳбарлигида ўтказилган. УМАФТнинг биринчи баҳолаш босқичи 1995 йили ўтказилган бўлиб, унда 45 та мамлакатдаги математика ва аниқ фанларни ўқиётган бешта синф ёки ёш гуруҳига мансуб 500 мингдан ортиқ ўқувчилар ҳамда уларнинг ўқитувчилари ва мактаб директорларидан маълумот йиғилган (Martin, 1996, p. 1-2). Иккинчи босқич 1999 йилда ўтказилган бўлиб, 38 та мамлакатда математика ва аниқ фанлар ўқувчи 8-синф ўқувчилари бўйича маълумот йиғилган (Robitaille and Beaton, 2002, p. 11). 2003 йилда ўтказилган учинчи босқичда 49 мамлакатдаги 4-8-синфлар ўқувчилари бўйича солиштирма маълумотлар тўпланган (Mullis, Martin, et al., 2005, pp. 3-4).

Ушбу тадқиқотлар бошқа ўзгарувчилар билан бир қаторда соядаги таълим тизими бўйича жуда намунали маълумотлар олиш имконини берди (Baker, Akiba, et al., 2001; Wolf, 2002; Baker and LeTendre, 2005). Мазкур тадқиқотлар кўп қиррали бўлганлиги сабабли тадқиқотчилар турли хил ўзгарувчилар бўйича бир нечталаб корреляциялар ўтказиш имокнига эга бўлдилар. Шу билан бирга улар услугий жиҳатдан бир нечта қийинчиликларга ҳам дуч келган. 1995 йилда ўтказилган сўровноманинг математика бўлимида 7- ва 8-синф ўқувчиларига қўйидагича савол берилди: “Ҳафта давомида мактабгача ёки мактабдан кейин математика бўйича қўшимча дарс олиш ёки тўгаракка қатнашга одатда қанча вақт сарфлайсиз?” (TIMSS, 1998, p. SQ 2-3). Худди шу каби савол бошқа аниқ фанлар бўйича ҳам берилди. Жавобларда хусусий репетиторликдан кўра кўпроқ машғулотлар ёдга олинган ва шу билан бирга ўқитувчиларнинг ўз иш фаолиятининг бир қисми сифатида бепул олиб борадиган қўшимча сабоқлари ҳисобга олинмаган бўлиши мумкин. Шунингдек, фақат

“хафта давомидаги” күшімча машғулотлар тұғрисида савол бериш билан мавсумий ўзгаришларни акс эттириш имкони бой берилген. 2003 йилда 8-синф ўқувчилари учун берилген саволға қуидагича тузатиши киристилген: “Ушбу ўкув йилида қуидаги фанлар бүйіча неча марта мактабдаги дарсларингиздан ташқары күшімча дарслар ёки репетиторлик машғулотларига қатнадингиз?” (TIMSS, 2003, p. 27). Респондентлардан шундан сүңг математика, биология, табиатшунослық, химия ва физика фанлари бүйіча маълумот бериш сұралған. Жавоб варианatlари қуидагича бўлган “ҳар куни ёки деярли ҳар куни”, “хафтада бир ёки икки марта”, “баъзан”, “хеч қачон ёки деярли хеч қачон”. Бутун ўкув йилини эътиборга олиш мавсумий ўзгаришлар муаммоларини камайтириш имконини берди, аммо албатта уни бутунлай хал килмади, чунки респондентлар юқори ва қуий мавсумлар ўртасида ўртачани белгилашларига тұғри келган; шунингдек саволда хали ҳам бепул ва пуллик сабоқ олиш ўртасидаги фарқ кўрсатилмаган.

Алоҳида тилга олиниши мумкин бўлган яна бир мунтазам сўровнома “Таълим сифатини кузатиб бориш Жанубий ва Шарқий Африка концнорциуми” томонидан олиб борилади (SACMEQ – ТСҚЖШАК). 1995 ва 2000 йилларда ТСҚЖШАК 6-синф ўқувчилар томонидан олинган күшімча дарслар бүйіча маълумот йиғди (юқоридаги 3-жадвалга қаранг). Бу ерда ҳам тўпланган маълумот бир қанча мавхумликларга эга бўлган, чунки баъзи респондентлар пуллик машғулотлар қаторида бепул машғулотларни ҳам ҳисобга киритиб кетганлар. Ушбу таҳлилга аниқлик киритиш мақсадида 2007 йилда сўровноманинг янги намунаси таёrlанди ва у асосида 15 та мамлакатда сўровнома ўtkazildi. Сўровномага ундан олдин ўtkazilgan синов сўровномасида берилган саволларга нисбатан анча аниқ саволлар киристилган (Paviot, 2007; 2009). Унда бир нечта жавоб варианtlарини таклиф этувчи қуидаги 13 та савол берилган:

1. Ушбу ўкув йилида мактаб фанлари бүйіча мактабдаги дарслардан ташқари равища күшімча дарслар олдингизми?
2. Ушбу ўкув йилида қайси мактаб фанлари бүйіча мактабдаги дарслардан ташқари равища күшімча дарслар олдингиз?
3. Ушбу күшімча дарсларни мазкур ўкув йилида қайси вақтда олдингиз?
4. Ушбу ўкув йилида күшімча дарсларни қандай тақрорланишда олдингиз?
5. Ушбу ўкув йилида күшімча дарсларга одатда нечта бола (ўзингизни ҳам ҳисобга олганда) қатнашди?
6. Ушбу ўкув йилида бу күшімча дарсларга бир ҳафтада тахминан неча соат сарфладингиз?
7. Ушбу ўкув йилида мазкур күшімча дарсларда нималар билан шуғулландингиз?
8. Мазкур ўкув йилида ушбу күшімча дарсларни ким олиб борди?
9. Ушбу ўкув йилида мазкур күшімча дарсларни күпинча қаерда олдингиз?
10. Ушбу күшімча дарсларга қатнашингизни ким истади?
11. Ушбу күшімча дарсларни олишинингизга нима асосий сабаб бўлди?
12. Олган күшімча дарсларингиз тұғрисида қандай фикрдасиз?
13. Сизга ушбу күшімча дарсларни ўтган инсонга пул тўландими?

Тўлов тұғрисидаги савол, демакки давлат дарслари ёки кўнгиллилар томонидан олиб

борилувчи машғулотлардан фарқли ўлароқ хусусий репетиторликни классификация қилиш имконини берувчи савол сўровноманинг охирида келтирилган. Шу билан бирга тадқиқотчилар бироз ноаниқлик бўлишини билганлар. 6-синф ўқувчилари ушбу дарсларга пул тўланиши керак бўлган ёки бўлмаганлиги хусусида аниқ маълумотга эга бўлмасликлари мумкин; шунингдек тўлов микдори билан алоқадор савол умуман сўралмаган. Дарслар учун ҳақ тўланганлигини билдирган ўқувчилардан кейинчалик «ушбу ҳақ пул кўринишида бўлганми ёки бошқа кўринишидами ва ёки иккала кўринишидами» деган савол берилган (Paviot, 2007, p. 15). Аммо ТСҚЖШАК Илмий қўмитаси бундан чукурлашмасликка қарор қилди. Бунга сабаб, уларнинг фикрича “кўп жойларда тўлов тўғрисидаги савол нозик ва баҳс-мунозарали савол ҳисобланади”. Халқаро тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган муаммолардан бири шундан иборатки, улар турли хил миллатлар учун нозик бўлган масалаларни четлаб ўтишга мажбур бўлади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур услубнинг исталганча самарали бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

Мавзуга алоқадор бўлган учинчи халқаро тадқиқот аллақачон тилга олинди. У Очиқ жамият институти (ОЖИ) томонидан амалга оширилган. 2004-2005 йилларда амалга оширилган ушбу тадқиқотда 9 та мамлакат камраб олинган (Silova et al., 2006) бўлса, 2005-2006 йилларда айни услубдан фойдаланган ҳолда яна 3 та мамлакат қамраб олинди. 2007 йилда ОЖИ турли вакт давомида халқаро солиширувни таъминлаш мақсадида ушбу тадқиқотларни тақрорлашга қарор қилди. Асосан бошланғич ёки қуи ўрта синфлар ўқувчиларига эътибор қаратган УМАФТ ва ТСҚЖШАК тадқиқотларидан фарқли ўлароқ, ушбу сўровномаларда олий ўқув юртларидинг биринчи курсида таҳсил олаётган талабалар қамраб олинган ва улардан ўрта мактабнинг сўнгги синфида репетиторлик билан боғлиқ бўлган ўз тажрибаларини ёдга олиш сўралган. Респондентлар нисбатан каттароқ ёшда бўлганликлари сабабли улар берган жавоблар ҳам баъзи маънода тўғрироқ бўлиши мумкин. 12 та мамлакатдан фақат 2 таси (Литва ва Словакия) УМАФТ тадқиқотларида ҳам қамраб олинган эди, аммо ушбу тадқиқотда олинган маълумотларни солишириб кўриш имкони мавжудлиги ва демакки, таълим тизимларининг турли нуқталарига тааллуқли бўлган тўлароқ тасвирга эга бўлиш мумкинлиги исботланди.

Халқаро миқёсда олиб борилган эътиборга молик тўртинчи йирик тадқиқот Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИҲТТ) Халқаро талабаларни баҳолаш дастури (ХТБД)дир. ХТБД 15 ёшлиларнинг ўзлаштириш бўйича натижаларини турли хил таълим тизимларида (2000 йилда 43 та, 2003 йилда 41 ва 2006 йилда 58 та мамлакатда) текшириб кўрди. 2006 йилда ота-оналар учун тайёрланган сўровномада бутун оиланинг таълим учун сарфлаган маблағи билан боғлиқ бўлган маълумотлар жой олган, аммо унда репетиторликка сарфланган маблағлар бошқаларидан алоҳида кўрсатилмаган; талабалар учун мўлжалланган сўровномада эса мактабдан ташқари дарсларга сарфланган вакт тўғрисида савол киритилган, аммо бу дарслар хусусий репетиторлар дарслари ва бошқалар дарсларига ажратилмаган (OECD 2005, 2006b). ХТБД жамоаси келажакдаги сўровномаларда репетиторлик бўйича мукаммалроқ маълумотлар йигишни муҳокама қилдилар, лекин улар ғоя ва логистика билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни ёдда тутмоқдалар.

## **5. Хулосалар**

Ушбу сўнгги боб хусусий репетиторлик турли мамлакатларда турлича тусга эга бўлсадан, глобал воқеъликка айланиб ултурғанлигини таъкидлашдан бошланади. У ўтган бир неча ўн йиллик мобайнида сезиларли даражада кенгайди ва борган сари ўзи алоҳида бир тизимга айланиб бормоқда. Ушбу фактлар мазкур муаммога қўпроқ эътибор қаратилишин талаб этади. Сиёсатчилар ва режалаштирувчилар ўзларида мавжуд бўлган кўриниш бўйича керакли жавоб харакатлари ва ижобий чораларни кўришлари учун соядаги таълим тизимида юзма-юз чиқишилари лозим. Бунда асосий мақсад назорат остига олиш ва бошқариш бўлмаслиги лозим, чунки сиёсатчилар ва таълим тизимининг раҳбарлари ўз навбатида ушбу соядаги тизимдан анча нарсани ўрганишлари мумкин.

### **Ўзгаришларни кузатиши**

2007 йилги ТРХИ форумининг ёпилишида ўзининг якуний фикрларини баён этар экан Обигаду (2007, р.) хусусий репетиторлик “турли чегаралар ва маданиятлар бўйлаб, Шарқдан Фарбга қараб, ҳам бой ҳамда кам даромадли мамлакатлар аро тез тарқалиб бормоқда ва бу таълимнинг бозор қоидаларига ўтказилиши ва хусусийлаштиришнинг сизиб келиши оқибатида юз бермоқда”, деб таъкидлайди. Ушбу фикр бошқа иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Баъзи маънода хусусий репетиторлик яширин бозорда иш кўради (қаранг: Silova et al., 2006); аммо вакт ўтиши билан бозорнинг яширинлик даражаси пасая бошлади. Метафорани қўллайдиган бўлсак хусусий репетиторлик сояда шакланиб ёруғликка чиқмоқда.

Хусусий репетиторлик турли хил маданиятларда чуқур илдиз отган ва бу Фарбий Европадан Шарқий Осиёгача бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмига қадар хусусий репетиторлик жуда кичик ва заиф эди. Кейинчалик у Япония ва Корея каби мамлакатларда кучли тус олди ва 20-аср охирига келиб Озарбайжон, Камбоджа, Мавритания ва Шри-Ланкада кенг тарқалди. 21-асрнинг бошига келиб эса хусусий репетиторлик Шарқий Европа ва Марказий Осиёда жуда яққол намоён бўла бошлади ва айни чоғда Фарбий Европа, Шимолий Америка, Австралисий<sup>7</sup> ва Африкадаги фаолияти янада қўпроқ кўзга ташлана бошлади, шу билан бирга Лотин Америкасида ҳам шакланишни бошлади.

Ушбу ўсишни турли мамлакатларда турлича кучлар қўллаб-қувватлади. Масалан, Грузия, Қирғизистон ва Тожикистонда асосий омил расмий таълим тизимидағи ўқитувчилар маошининг етарли эмаслигига бўлиб, бу ўз навбатида уларни ўз оиласларини боқиши учун қўшимча даромад топишга мажбурлади. Улардан фарқли ўлароқ Гонконг, Корея, Япония ва Сингапурдаги ўқитувчилар нисбатан яхши маошга эга бўлиб, бу мамлакатларда жамиятдаги рақобатчилик табиати ҳамда репетиторликка сармоя киритиш натижасида келажак авлод қозониши мумкин бўлган ютуқлар даражаси каби омиллар асосий етакчи куч бўлиб хизмат қилди. АҚШ ва Англияда хусусий репетиторлик қисман хукуматнинг мактаблар рақобатбардошлигини ошириш ташаббусига жавобан ҳамда яхши ўзлаштирмаётган ўқувчиларнинг кўрсаткичларини кўтаришга харакат туфайли юзага келди; Уганда ва Малавида эса у омманинг расмий таълим тизимлари сифатининг тушиб кетганлиги хусусидаги фикрига ҳамоҳанг равишда ривожлана борди.

Сифатнинг тушиб кетиши билан боғлиқ бўлган бир қизиқ ҳолат шундан иборатки,

<sup>7</sup> Австралия, Янги Зелландия ва улар атрофидаги ороллар (тарж.).

баъзи мамлакатларда бу ҳукуматнинг бепул бошлангич ва қуй ўрта таълимни ривожлантиришга қаратилган харакатлари натижасида рўй беради. Бу қуйидагича юзага келади: давлат таълим тизимида ўқиш энг камидан расман бепул бўлади, аммо расмий таълим тизими соядаги яширин хусусийлаштириш асосида қад ростлаб турибди, у эса ижтимоий тенгсизликни ривожлантиради.

ТРХИ форумида Китаев (Kitaev, 2007, р. 3) ушбу ҳолатга эътибор қаратишга чорлади. Хусусий репетиторликнинг ўсиши, баъзи ота-оналар ҳаттохи бепул таълим тизимларида ҳам таълим учун пул тўлашлари мумкинлиги ва шундай қилишликларини қўрсатар экан айни вақтда барчани бепул таълим билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган фундаментал ғоя ҳали ҳам кучга эга эканлигига шубҳа туғдиради. Ботсвана ҳукумати ушбу саволга жиҳдий ёндошли ва ўрта таълим тизимида пул тўлаш тартибини қайта жорий қилди. Бунга асос сифатида эса ҳеч бўлмаса баъзи ота-оналар хақ тўлаши мумкинлиги билдирар экан, ҳукумат ҳозир бепул таълимга йўналтирилаётган маблағлар молиялашга кўпроқ муҳтож бўлган бошқа тармоқларга сарфланиши мумкинлигини таъкидлади (Makgothi, 2007).

Обигадунинг фикрлари (Obeegadoo, 2007, р. 6) ҳам кенгайиб бораётган талаб ва ўсиб бораётган таклифнинг ҳар иккиси билан боғлиқ бўлди. Биринчиси бўйича фикр билдирар экан у шундай дейди:

“Ҳозирги илм-фан асрида маълумотли бўлиш ва ўқишида муваффақиятга эришиш каби омилларнинг шахснинг фаровон ҳаёт кечириш, жамият ва иқтисодиётнинг эса тараққиёт топиши учун лозим бўлган шартлардан бири сифатидаги мавқеъи айниқса ортиб бормоқда. Ўзгариб бораётган меҳнат бозори ва технологияларга асосланган иқтисодиёт томонидан талаб этилувчи уқув-малакаларнинг диверсификация бўлиб бориши турлари тобора ортиб бораётган таълим имкониятлари ва йўналишларини қидиришига оммани ундармоқда”.

Айни чоғда репетиторлик хизматлари таклифининг ортиши фақат унинг омма томонидан яхшироқ қабул қилина бошлаганлиги билангина боғлиқ эмас. Бу шунингдек аутсорсинг имкониятини яратган глобализация кучлари билан ҳам боғлиқ. (масалан қаранг: Nanda, 2005; Marlantes and Sunol, 2006; Ventura, 2008a). Ҳозирда репетиторлик хизматларини бошқа мамлакатда туриб тақдим этиш мумкин. Бу энг аввало интернет орқали амалга оширилади, қолаверса маҳаллий услубда ҳам олиб борилмоқда. Абигаду томонидан белгиланган кейинги куч бу истеъмолчилик бўлиб, у “ўқитувчилар орасида ўз касбida муваффақиятга эришганлик кўрсаткичи сифатида пул ишлашга бўлган доимий иштиёқни шакллантиради ва ўқитувчилик касби маданияти қўплаб мамлакатларда катта ўзгаришга учради. Бу ўзгариш таълим тизимларининг рақобатбардошлигини оширишни истаган ҳукуматлар таъсири остида ёки ўқитувчилар ва оиласарнинг бозордаги белгиларга жавоби натижасида рўй берди.

Бундай шароитларда хусусий репетиторлик ўз-ўзидан йўқолиб кетмайди. Баъзи сиёсатчилар ва таълим соҳасининг раҳбарлари таълимнинг ушбу кўринишига эътибор бермадилар, аммо бундай қилиш имконияти тобора камайиб бормоқда. Айни чоғда мавжуд муаммоларни тан олишдан муайян чораларни белгилаш даражасига қадар чиқиши осон эмас. Репетиторлик масаласи жуда ҳам мураккаб масала. У турли маданиятлар, иқтисодий тизимлар, географик ҳудудлар ҳамда ижтимоий синкларда турлича бўлган бир талай омиллар таъсирида ҳаракатланади. Бундан ташқари, Корея ва Мавритания ҳукуматларининг ушбу муаммони ҳал этишга бир неча ўн йилликлар сарфлаганлиги ва бунда фақат баъзи

чегараланган натижаларга эришгандынини билиш ҳам фойдалидир. Ушбу ҳаёттүү тажрибалар юқоридан туриб режалаштиришнинг мақсадга мувофиқ эканлигини, хусусий репетиторлик тизими ҳали каттайиб кетмасдан туриб уни керакли шаклга солиш лозимлигини ва чора кўриш учун токи у каттайиб кетиб чукур илдиз отгунча кутмаслик кераклигини кўрсатади. Шу билан бирга улар Австралия, Англия ва Франция каби давлатларда эҳтиёткорлик билан иш кўриш лозимлигини таъкидлайди, чунки ушбу мамлакатларда ҳукуматлар яхши ният билан, яхши ўзлаштиrolмаётган ўқувчиларга ёрдам бериш учун репетиторликни қўллаб-кувватлаш ташаббуси билан чиқар эканлар ўзлари истамаган ҳолда бутун мактаб тизимларидағи анъаналарни ўзгартириб юборишлари мумкин.

ТРХИ форуми давомида қўпчилик иштирокчилар Обигадунинг (Obiegadoo, 2007, р. 6) қўйидаги фикрига қўшилди:

“[имкон қадар репетиторлик тарқалишининг] олдини олиш лозим ёки чегараланиши лозим ва бу инсонлар тасаввурида расмий мактаб тизимида мавжуд бўлган носозликлар ва камчиликларни бартараф этиш орқали амалга оширилиши лозим. Ҳар бир мамлакатнинг хусусиятлари ва мавжуд ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда кўрилажак чоралар ўта муҳим имтиҳонлардан воз кечиш, таълим хизматлари сифатини ошириш, билим олиш учун кўпроқ имкониятлар ва услубларни, жумладан хусусий ташаббусларни қўллашни таклиф этиш кабиларни ўз ичига олиши мумкин”.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, давлатнинг таълим соҳаси молияланишини ошириши албатта оиласарнинг репетиторларга пул сарфлашларини камайишига олиб келади деб бўлмайди. Аслида, бунинг акси бўлишининг эҳтимоли юқорироқ, яъни давлатнинг расмий таълим тизимидағи фаолиятини кенгайтириши мазкур тизим соясини кенгайтириши эҳтимоли кўпроқ. Шунинг учун ҳам кўп нарса оиласарнинг накд даромадлари ва унданда муҳимроғи – оиласарнинг кенг маънодаги таълимга ва жумладан хусусий репетиторликка бўлган муносабатига боғлиқ. Қўпчилик оиласар фарзандларининг келажакда яхши ҳаёт кечиришлари эҳтимолини ошириш учун мумкин бўлган барча услубларни қўллашни истайдилар ва ушбу мақсадга эришиш учун нима керак бўлса, шуни қиладилар. Баъзи жойларда муваффақиятни балет, пианино чалиш дарслари ва диний таълим каби академик бўлмаган йўналишлар кўпроқ таъминлаши мумкин; аммо бошқа жойларда расмий таълимни математика асослари, тиллар ва аниқ фанлардан дарс олиш билан тўлдириш энг яхши сармоя деб ҳисобланади.

Хусусий репетиторлик аллақачон одатий тусга кириб улгургани сабабли уни бутунлай маън қилиш тўғри ва самарали ечим бўлмайди. Бутунлай таъқиқлаш ҳеч бир ерда муваффақият олиб келмаган, аммо расмий таълимда ишловчи ўқитувчилар ўз ўқувчиларига репетиторлик қилишларини таъқиқлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Кўплаб мамлакатларда хусусий репетиторликка қарши чиқишида пухта ва кўп қиррали ёндошувни қўллаш лозим бўлади. Хусусий репетиторликнинг энг ашаддий ва жамият учун номақбул бўлган кўринишлари қонуний чегаралов йўли билан бартараф этилиши лозим. Айни вақтда ҳукуматлар яхши ўзлаштиrolмаётган ўқувчилар учун хусусий репетиторлик машғулотлари ўтказилишини қўллаб-кувватлаш орқали ўзлари ушбу тизимга аралашишлари мумкин, аммо бунда ушбу ҳукуматлар бундай аралашувларнинг мактаб тизимлари анъаналарига, отоналар, ўқитувчилар ва бошқа мутасаддиларга таъсирини ўз ичига олувчи кенг маънодаги оқибатлари хусусида ўйлаб кўрган бўлишлари лозим.

## **Соядан ўрганиш**

Сиёсатчилар ва таълим соҳасининг раҳбарлари репетиторликни фақат салбий нарса сифатида қабул қиласликлари лозим, яъни унга бутун боғни эгаллаб оловчи печак ўт деб қарашлари тўғри бўлмайди. Бунинг ўрнига улар нима учун ота-оналар расмий таълим тизимида олинаётган билимларга қўшимча қилиш учун катта микдордаги маблағларни сарфлашга тайёрлар деган савол хусусида ўйлашлари керак. Дарҳақиқат нима учун баъзи ота-оналар якка тартибда дарс берилишини истайдилар; айни вақтда нима учун бошқалари фарзандлари 100, ҳатто минг кишидан иборат бўлган гурухларда дарс олиши учун пул тўлашга тайёрлар? Баъзи мавсумларда ўқувчилар репетиторлик марказларига қатнаш учун пора беришга ҳам тайёрликлари сабабли мактаблардаги синфлар деярли бўм-бўш бўлиб қолиши каби ҳолатлардан расмий таълим тизими мутасаддилари нималарни ўрганмоғи лозим? Шу билан бирга сиёсатчилар технологик жиҳатдан ривожланган репетиторлардан, яъни видео дарслар яратиб, уларни буюртма асосида интернетдан компьютерларга ёки қўлда олиб юриш мумкин бўлган бошқа жиҳозларга юклаб, кейин уни метрода, истироҳат боғларида ёки мактабда ва уйда кўриш имкониятларини таклиф қилаётган репетиторлардан нималарни ўрганишлари мумкин?

Ушбу саволларга жавоблардан бири шундан иборатки, энг камида баъзи мамлакатларда хусусий репетиторлар замонавий талаблар нуқтаи назаридан расмий таълим тизимидан кўра яхшироқ ривожланган ва мижозлар талабига яхшироқ жавоб беради. Гласманнинг айтишича (Glasman, 2007) Франциядаги репетиторлар ўзларини таълим тизимидан кўра холисроқ деб биладилар. Масалан, улар талаб ва таклифларга мактаблардан кўра тезроқ ва пухтароқ жавоб берадилар, чоралар кўрадилар. Унинг таъкидлашича, расмий таълим тизимида яхши ўзлаштирмаётган ўқувчиларга кўриладиган стандарт чора улардан мазкур синфи янгидан ўқиш, яъни синфда қолишини сўрашдан иборат. Бундан фарқли ўлароқ бир репетиторлик фирмасининг таъкидлашича агар тинловчилар яхши натижаларга эришмасалар, ота-оналар хоҳишига кўра уларга ёки тўлаган пуллари қайтариб берилади ёки мазкур тингловчи кейинги йил давомида текинга ўқитилади. Ким (Kim, 2007, р. 12) Кореядаги маҳсус юкори таълим мактабларига хужжат топширган ўқувчиларнинг аксарияти хусусида шундай дейди:

“...[улар] хусусий таълим муассаларининг афзаллиги уларда ўқувчилар қобилиятига асосан гурухларга бўлиниб, турлича ўқув дастури асосида ўқитилишида ва бу қобилиятидан қатъий назар барча ўқувчиларга бир хил гуруҳда дарс берувчи мактаблардан тубдан фарқ қиласиди деб биладилар. Уларнинг оналари мактаблар болаларга кўпроқ хусусий эътибор беришларини истайдилар ва бу эътибор нафақат болаларнинг хулқ-атвори, балки билим олишдаги натижаларига ҳам қаратилиши лозим. Хусусий ўқув муассасаларининг болаларга индивидуал эътибор бериши инсонларни ўзига жалб этиш ва хусусий муассасаларга ишончини қозонишдаги муҳим қуролидир”.

Бунга қўшимча қилиб Ким мазкур тендендия қисман корейс оилаларининг табиатидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ деб таъкидлайди. Ҳозирда юксак эҳтимол билан ота-онанинг ҳар иккиси ҳам ишлайди, шунингдек географик мобилликнинг органдарига сабабли бобо ва бувилар ўз набираларига яқин жойда яшашлари эҳтимоли кам бўлиб, натижада ота-оналар репетиторлик муассасалари болаларга эндиликда оилалар бера олмаётган ва мактаблар ҳеч қачон бермаган индивидуал эътибор билан таъминлаш услуби

сифатида қарайдилар.

Кореяда дарсларни электрон жиҳозларга юклаб олиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлган репетиторликнинг ҳам мавжудлиги ва бу асосан бошқа йўналишга қаратилганини сиёсатчилар учун мушкул муаммо бўлиши мумкин. Чоининг таъкидлашича (Choe, 2009, p. 14) Корея мамлакатдаги интернет тармоғини беш йил ичида ҳозиргидан 10 баровар тезроқ ишлашига эришиш мақсадида миллиардлаб доллар маблағ сарфламоқда. Ўқувчилар юклаб олинувчи электрон дарсларни истаган қисмларини ўтказиб юборишлари мумкинлиги, истаган қисмларини эса белгилаб қўйишлари ва керак бўлса, такрорлашлари мумкинлиги бу ўқувчиларга юзма-юз дарс олишда эришиш мумкин бўлмаган имкониятларни беради. Шундай экан интернетдан ташқаридағи дарслар борган сайин кўпроқ ҳажмда интернет орқали бериладиган ва юзма-юз ўтиладиган дарсларга қўшимча бўлиши мумкин. Бундай интернетдан ташқаридағи дарслар албатта ҳукумат томонидан ҳам хусусий сектор томонидан ҳам тақдим этилиши мумкин. Аммо ҳозирги кунда хусусий сектор ушбу борада етакчилик қилаётганга ўхшайди. Репетиторлик соҳасида интернетдаги етакчилардан бири келажак тўғрисида фикр билдирап экан шундай дейди (Choe, 2009, p. 4) : “ўқувчилар мактабга [факат] хафтада бир марта борсалар керак ва у ҳам бўлса спорт билан шуғулланиш каби гурухда бажарилувчи машғулотлар учун”. Албатта бу қайсиdir маънода ўта кескин башорат, аммо у шак-шубҳасиз муайян мухитдаги баъзи ўқувчиларга мос келган бўларди, жумладан имтиҳонлар мавсумида, яхши натижа олишга бел боғлаган ўқувчиларга мос тушган бўлар эди.

Аммо бошқа ҳолатларда репетиторлик мактаблари бошқачароқ хизматлар таклиф қилишга мойил бўлиб, улар инсон билан мулоқотни камайтириш эмас, аксинча кўпайтиришга қаратилган. Шу аснода оиласарнинг ўзгараётган табиати Соу томонидан Макао мисолида кўриб чиқилган (Sou, 2007, p. 4). У ерда “узлуксиз чизик” асосида бола парвариши имкониятларини таклиф этувчи репетиторлик марказларининг сони тобора ортиб бормоқда:

“Мактабдан кейинги тушлик вақтида репетиторлик маркази болаларни парваришлаб, уларни тушлик билан таъминлайдиган марказга олиб боради. Сўнгра болалар тушлиқдан сўнгги дарсларда қатнашишлари учун қайтиб мактабга олиб келинадилар. Мактабдан сўнгра болалар ўқув марказига олиб келинадилар ва у ерда токи отоналари ишдан чиқиб уларни олиб кетгунларига қадар уй вазифаларини тайёрлашда кўмаклашиш хизматидан фойдаланадилар”.

Албатта бу ерда нега мактабларнинг ўзлари ушбу талабларни қондириш учун мослашиб олмасликларини тушуниш қийин. Англияда ҳукумат мактабларда “узун кун” экспериментини ўтказмоқдалар. Унга кўра мактаб куни соат 8.00 дан 18.00 га қадар давом этади. Бундан ташқари бир талай мактаблар аллақачон назорат остидаги тушлик фаолиятларини олиб бормоқдалар (Ireson, 2007b).

Макаода 2002 йили ҳукумат “Мактабни колективлаштириш схемасини” жорий қилди. Ушбу схемага кўра жамоатчиликка мактабларнинг баъзи иншоатларидан фойдаланишга рухсат этилди. Шунингдек ёши каттароқ ўқувчилар учун Макао ҳукумати дарс тайёрлаш хоналарини ташкил этди ва уларнинг фаолиятини таъминлашлари учун фуқаролик жамияти ташкилотларига ҳомийлик қилди. 1997 йилдан бошлаб Макао ҳукумати уй вазифасини бажаришда кўмаклашиш учун телефон хизматини ишга солди (Sou, 2007, p. 9).

Мактаб ва ўқув марказларининг ўрнини босиш мавзусига қайтган ҳолда Хартманнинг

